

Х.Э. Ботирова

# МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА АГРАР СОҲА МУТАХАССИСЛАРИНИ ТАЙЁРЛАШ ЖАРАЁНИ (ЖАНУБИЙ ВИЛОЯТЛАР МИСОЛИДА)

/Монография/



ТОШКЕНТ  
2021

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ ИРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ  
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ

---

Ботирова Ҳалима Эшмаматовна

**МУСТАҶИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА АГРАР СОҲА  
МУТАҲАССИСЛАРИНИ ТАЙЁРЛАШ ЖАРАЁНИ  
(ЖАНУБИЙ ВИЛОЯТЛАР МИСОЛИДА)**

*/Монография/*

ТИҚҲММИ Илмий Кенгашининг қарори билан  
чоп этишга тавсия қилинган.

Тошкент  
2021

**ТИҚХММИ Илмий Кенгашининг 24.09.2021 й. № 1 мажлис баённомаси**

**билин чоп этишига тавсия қилинган**

**УДК 378:63:32 ( 575.1)**

Ушбу монография мустакиллик йилларида Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларидағи аграр соҳа мутахассисларининг иштироки туфайли кишлар хўжалик корхоналари фаолияти тўғри йўлга қўйилганлиги, айниқса, аграр соҳа мутахассисларининг янги авлодини шаклланишида фермер ва дехков хўжаликларининг мустаҳкамланиши, кичик ва ўрта бизнес корхоналарида ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ҳажмининг йилдан-йилга ошиб бориши, жаҳон бозори, ишчи кучи, халқаро капитал ва кредитлар, ёкилги хом ашёси ва қишлоқ хўжалиги товарлари, саноат товарлари, машина ва асбоб-ускуналар, сервис хизмати, лицензиялар, муҳандислик хизмати, транспорт хизмати ва бошқа масалалар монографияда ўрин олган.

Монография соҳа мутахассислари, кенг китобхонлар жамоаси, олий таълим бакалавир ва магистрант талабаларга мўлжалланган.

**Масъул мухаррир:** т.ф.д, проф. С.Н.Турсунов

**Тақризчилар:** т.ф.д, проф. Ш.М.Ўлжаева  
Т.ф.н, доц. Х.Холмуминов

---

Х.Э.Ботирова  
/ МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА АГРАР СОҲА МУТАХАССИСЛАРИНИ  
ТАЙЁРЛАШ ЖАРАЁНИ (ЖАНУБИЙ ВИЛОЯТЛАР МИСОЛИДА) /  
Монография. -Т.: ТИҚХММИ, 2021. - 105 бет.

---

© Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш  
муҳандислари институти (ТИҚХММИ), 2021 й.

## **Муқаддима**

Жаҳон мамлакатларининг йирик иқтисодий тармоги ҳисобланган қишлоқ хўжалигига инвестициялар ва инновацион технологияларни жалб этиш асосида ахолини сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш ҳозирги даврнинг муҳим вазифаси ҳисобланади. Шунингдек, халқаро Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалик ташкилоти (ФАО) БМТнинг минг йиллик ривожланиш дастурида белгиланган кўрсатмаларга таяниб камбагал ахолини озиқ-овқат билан таъминлашни устувор вазифаларига алоҳида эътибор бермоқда. Ривожланаётган давлатларни аграр соҳа мутахассислари билан таъминлаш мақсадида Erasmus Mundus Partnership Action 2, GREENMA, APOLLO e.V, LOGO e.V. сингари дастурлар қабул қилиниб, ёш мутахассислар АҚШ, Буюк Британия, Германия, Франция, Нидерландия, Хитой, Корея каби давлатларига таълим олиш учун юборилмоқда.

Бугунги кунда мамлакатимизда аграр тармоқлари учун зарур бўлган мутахассисларни тайёрлаш масаласи илк бор жанубий ҳудудлар мисолида тадқиқ этилмоқда. Негаки, миңтақа иқтисодиёти бевосита қишлоқ хўжалигига bogлиқ бўлиб, сўнгги 30 йил ичida бу тармоқда содир бўлган ўзгаришларни ёритиш муҳим аҳамият касб этмоқда. Қолаверса, аграр соҳа мутахассисларининг фаолияти туфайли Ўзбекистонда озиқ-овқат хавфсизлиги таъминланмоқда. Қишлоқ хўжалиги ходимларининг самарали меҳнатлари туфайли озиқ-овқат ва енгил саноат учун зарур бўлган хом ашё етказиб турилмоқда. Бу ишларни амалга оширишда фаол иштирок этадиган малакали қишлоқ хўжалиги мутахассисларининг ўрнини ёритиб бериш монографиянинг долзарблигини белгилайди.

Ўзбекистон жанубий ҳудудларида мустақилликнинг дастлабки ўн йилликларида аграр соҳани ривожлантириш ва уни малакали мутахассислар билан таъминлаш мақсадида муҳим давлат дастурлари амалга оширилди. Шу билан бирга, аграр тармоқларда кўпгина муаммолар юзага келди. Бу энг аввало,

аграр соҳа мутахассисларининг қўнимсизлиги, ишсизлик, янги билим кўникмаларининг бўлмаслиги, иш ҳақининг пастлиги, замонавий технологияларни ишлаб чиқаришга жорий қилинмаслигига намоён бўлди. Бундай холат Республикаиз жанубидаги Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида ҳам яққол кузатилди. Шу боис Ўзбекистонда аграр соҳа мутахассисларида замонавий билим кўникмаларини шакллантириш, қишлоқ хўжалигига янги технологияларни жорий этиш ва улардан унумли фойдаланиш масаласи монографияда ёритиб берилган.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда қатор фармонлар қонунлар ва қарорлар қабул қилинди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли Фармони, 2019 йил 6 сентябрдаги «Профессионал таълим тизимини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-5812-сонли, 2019 йил 23 октябрдаги «Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020—2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида»ги ПФ-5853-сонли, 2017 йил 24 майдаги «Қишлоқ ва сув хўжалиги тармоқлари учун муҳандис-техник кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3003-сонли Фармон ва Қарорлари ҳамда соҳага оид бошқа меъёрий-хукуқий хужжатларда кўрсатилган вазифаларни амалга оширишга муайян даражада хизмат қиласи.

Жанубий Ўзбекистонда мустақиллик йилларида аграр соҳа мутахассисларини тайёрлаш жараёнининг ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаётга кўрсатган таъсири, шунингдек, соҳадаги муаммоларнинг ўзига хос хусусиятларини очиб беришдан иборат.

Монографиянинг амалий аҳамияти шундан иборатки, ундаги маълумотлар ва илмий хуносалардан Ўзбекистон тарихининг мустақиллик даврини ўрганишда, республика қишлоқларининг ижтимоий ва маданий соҳаларидаги тараққиётини ёритишда хизмат қиласи.

# **І БОБ. ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЖАНУБИЙ ҲУДУДЛАРИДА АМАЛГА ОШИРИЛГАН АГРАР ИСЛОҲОТЛАР ВА УНИНГ НАТИЖАЛАРИ**

## **1.1. Қишлоқ хўжалигида кўп укладли мулкчилик шаклларининг қарор топиши ва дехқоннинг ерга бўлган муносабатининг ўзгариши**

Мамлакатимиз иқтисодиётида мухим тармоқ ҳисобланган аграр соҳанинг ривожланиши ва тараққий этиши учун мустақилликнинг дастлабки йилларидаёқ алоҳида эътибор қаратилди. Чунки совет ҳокимияти даврида қишлоқ хўжалиги оғир аҳволга тушиб, аграр соҳа мутахассислари турмуши пасайиб қолган эди. Соҳа мутахассислари меҳнатига ҳақ тўлаш ва моддий-маънавий рагбатлантириш ўрнига, “социалистик мусобақалар” ташкил этилиб, “максус” танлаб олинган “меҳнат голиблари” - бригадирлар, механизаторлар, мухандисларни қадрлаш кун тартибиغا қўйилган эди. Натижада, 1980 йилларнинг охирига келиб, бутун Иттифоқда бўлгани каби Ўзбекистон ҳам чуқур ижтимоий ва иқтисодий инқирозга дуч келди. Ўзбекистондаги вазият Иттифоқ таркибидаги бошқа республикаларга нисбатан анча оғир эди. Сабаби, узоқ йиллар давомида республика иқтисодиётида хукм сурган пахта монополияси бошқа тармоқларни ривожлантиришга имкон бермади.

Аграр соҳа мутахассисларининг асосий қисми қишлоқларда яшаб, уларни турмуш тарзи, ойлик иш ҳақи, уй-жойи, маданий-майиши хизмат қўрсатиш билан бөглиқ масалалларга умуман эътибор берилмади. Тургунлик ва қайта куриш йилларида аҳолини жойлашиш ва умумий сонига эътибор берилганда қўйидаги маълумотларни қайд этиш мухим аҳамиятга эга. Жумладан, 1986 йил 1 январь ҳолатига кўра, республика аҳолиси 18 487 минг кишини ташкил этган. Шундан 10 742 минги ёки 59,1% қишлоқда, 7745 минг киши ёки 41,9 % шаҳарда яшashi қайд этилган. Сурхондарё вилояти аҳолиси 1133 минг бўлиб, 910 минги ёки 80,4% қишлоқда, 223 минги, яъни 19,6% шаҳарларда яшаган. Қашқадарёнинг 1444 минг кишилик аҳолисидан 1079 минги, ёки 74,7% қишлоқда, 365 минг, ёки 25,3% шаҳарларда яшаган<sup>1</sup>. Республика жанубий ҳудудларида аҳолининг асосий қисми қишлоқларда яшashi ҳисобга олинса,

<sup>1</sup> Народное хозяйство Узбекской ССР в 1985 г. Статистический ежегодник. – Ташкент: Узбекистан, 1986. – С. 6-7.

ижтимоий муаммоларнинг ҳам катта қисми қишлоқларда йигилиб қолганлиги аён бўлади.

1989 йилги маълумотларга кўра, саноатдаги меҳнат унумдорлиги жиҳатидан республика мамлакатдан 40 фоиз, қишлоқ хўжалигидаги меҳнат унумдорлиги жиҳатидан эса икки баробар орқада эди. Республикадаги ишсизлар сони 1 млн. кишига етди<sup>2</sup>. Уларнинг асосий қисми қишлоқларга тўғри келди.

Аграр соҳа мутахассисларнинг моддий жиҳатдан иқтисодий аҳволини огирашиши, оммавий ишсизлик жиноятчиликнинг қўпайишига сабаб бўлди. Бундан ташқари, аграр соҳа мутахассисларини сонининг ортиши уй-жойга бўлган талабни жуда кучайтириб юборди. Тўғри, жанубий худудлардаги колхоз ва совхозлардаги аграр соҳа мутахассисларига ўз ҳисобидан уй-жойлар қуришга ҳаракат қилишди. Аммо маҳаллий совет ва партия ташкилотларининг лоқайдлиги натижасида бу ишларни бажариш қийин бўлиб қолди. Республикадаги аграр соҳа мутахассисларини Марказга тобелиги ижтимоий муаммоларни ҳал этишга йўл қўймади. Биргина Шўрчи пахта тозалаш заводи мисолида кўрсак, корхона 1990 йилда 6 млн сўм соф фойда кўрган эди. Унинг фақат 1 миллион сўми қолиб, қолган 5 миллиони Россияга олиб кетилган. Экспортдан тушган валюта тушуми ҳам Марказга жўнатилган. Бу очиқчасига талон-тарож қилиш эди<sup>3</sup>.

1989 йил 23 июнида И.Каримовнинг республика раҳбарлигига тайинланиши вазиятга ижобий таъсир килди. Республиkanинг янги ҳукумати аграр соҳа мутахассисларининг асосий қисми қишлоқда яшашини инобатга олиб, аграр соҳада кенг кўламли ислоҳотлар ўтказишга киришди. Бунинг учун дехқоннинг ерга ва мулкка бўлган муносабатини ижобий томонга ўзгартириш, илгор бошқарув тизимини жорий этиш, одамларда манфаатдорлик ҳиссини уйғотиш лозим эди.

Шу мақсадда иқтисодий жиҳатдан ночор аҳволга тушиб қолган аграр соҳа мутахассисларини меҳнатга бўлган муносабатини яхшилаш учун 1989 йил 15

<sup>2</sup> Каримов И. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. –Тошкент: Ўзбекистон, 2011. –Б. 4.

<sup>3</sup> Газета «Ленинская знамя». 10 марта, 1991 года.

августда Ўзбекистон хукумати томонидан «Колхозчилар, совхоз ишчилари, фуқароларнинг шахсий томорқа хўжаликлари ва индивидуал уй-жой қурилишини янада ривожлантириш тўғрисида»ги махсус қарори қабул қилинди<sup>4</sup>. Икки кундан сўнг, яъни 1989 йил 17 августида Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти Ислом Каримов бошчилигига республика хукуматининг Тошкентда бўлиб ўтган кенгайтирилган йигилишида аграр соҳа мутахассисларига ва қишлоқ аҳолисига томорқа ва шахсий участкалар ажратиш масаласи муҳокама қилинади ва қишлоқда яшовчи ҳар бир аграр соҳа мутахассисига томорқа ажратиш ҳақида қарор қабул қилинади. Унга кўра, томорқа майдонлари 4,5 баробар кўпайтирилиб, ажратилаётган ерлар ўртача 25 сотихни ташкил қилди. Натижада 1989—1990 йилларда 1,5 миллиондан ортиқроқ оила ер участкаларини олди<sup>5</sup>.

1990 йилда республика аграр соҳа билан шуғулланадиган мутахассисларга ва қишлоқ аҳолисига жами 108,5 минг гектар ер томорқа сифатида ажратилди. Фақат Сурхондарё вилоятининг ўзида томорқага муҳтоҷ бўлган 41401 аграр соҳа аҳлига 7 минг гектарга яқин ер ажратиб берилиди. 1991 йилда бу кўрсаткич 12 минг гектарни ташкил этди<sup>6</sup>.

Қашқадарё вилоятининг Гузор туманида 1991 йили 4478 аграр соҳа ходимлари, дехқон ва совхоз ишчиларига ер учун ариза берган, улардан 2251 кишининг аризаси инобатга олиниб, 292 гектар ер томорқа учун ажратиб берилиди<sup>7</sup>.

Мустақилликнинг дастлабки йилларида аграр соҳа ходимларни моддий ва маъянвий жиҳатдан қўллаб-куватлаш мақсадида қабул қилинган «Ер тўғрисида»ги, «Кооперация тўғрисида»ги, «Ижара тўғрисида»ги, «Дехқон хўжалиги тўғрисида»ги қонунлар, шунингдек, 1991 йил 21 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан қабул қилинган ПФ-295-сонли «Республикада дехқон (фермер) хўжаликларини янада мустаҳкамлаш ва тадбиркорлик фаолиятини давлат йўли билан қўллаб-куватлаш тўғрисида»ги

<sup>4</sup> Сурхондарё вилояти давлат архиви, 454-фонд, 3-рўйхат, 124-хужжат, 23-варак.

<sup>5</sup> Каримов И. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. –Б. 9.

<sup>6</sup> Сурхондарё вилоят ҳокимлиги жорий архиви, 2-баённома, 14-хужжат, 1994 йил, 12 март. –Б. 14.

<sup>7</sup> Қашқадарё вилоят ҳокимлиги жорий архиви, 12-баённома, 4-хужжат, 1998 йил, 23 январь. –Б. 12.

Фармони ва шу каби бошқа ҳукумат қарорлари қишлоқда аграр соҳа мутахассисларини манфаатларини ҳимоя қиладиган янги ҳуқуқий муносабатларни жорий этишга амалий йўлланма бўлиб, қўп укладли иқтисодиётни шакллантириш, тадбиркорлик, фермер ва шахсий томорқа хўжаликларини ривожлантириш имконини яратди.

Аграр соҳа мутахассислар учун янги иш жойларини ажратиш, иш билан таъминлаш, хориждан олиб келинаётган техникаларни бошқариш, таъмирлаш билан боғлиқ бандлик масаласини хал этиш ва томорқа хўжаликларини ривожлантириш учун аҳолига ер ажратиш давом этди. 1991-1993 йилларда аграр соҳа мутахассислари, ходимлари ва ишчи хизматчилари учун қўшимча яна 550 минг гектар суғориладиган ер майдони ажратилди. Умуман олганда, фермер (дехқон) хўжаликларини ривожлантириш ва шахсий томорқа участкалари майдонларини кенгайтириш мақсадида жамоат секторидан салкам 700 минг гектар ер аҳолига ажратилди<sup>8</sup>. 9 миллиондан ортиқ киши томорқа ер ҳосилидан фойдаланди. Қашқадарё вилоятида аграр соҳа мутахассислари, ходимлари ва ишчи-хизматчиларига шахсий томорқалар учун 1992-1995 йилларда 22 минг гектар ер ажратилиб, ерсиз ҳамда кам ерли дехқонларга берилди<sup>9</sup>. Таъкидлаш керакки, Қашқадарёда аграр соҳа мутахассислари, ходимлари ва ишчи-хизматчиларига ер беришдан мақсад факат қўшимча маҳсулот олиш эмас, айни чоғда ишсиз бўлиб қолган соҳа ходимларини ҳам кўпроқ иш билан таъминлаш ва турар-жой қуришга имконият яратиш эди.

1992—1995 йилларда Сурхондарё вилоятида ҳам аграр соҳа мутахассислари, ходимлари ва ишчи-хизматчиларига томорқа хўжалиги учун 22 минг гектар ажратилди<sup>10</sup>. Уларнинг 8 минг гектари Совет ҳукумати даврида мавжуд бўлган совхозлар ери ҳисобидан берилди<sup>11</sup>. Чунки совхозлардаги ўзлаштирилган ерларнинг ташлаб қўйилиши туфайли Кизириқ, Шеробод, Музробот туманларидағи ҳосилдор ерларнинг кўпчилиги шўрланиб, камиш ва

<sup>8</sup> Каримов И. Ўзбекистон – келажаги буюк давлат // «Ўзбекистон овози» газетаси. 1992 йил 9 декабрь. –Б. 2.

<sup>9</sup> Қашқадарё вилоят ҳокимлиги жорий архиви, 8-баённома, 3-хужжат, 1995 йил, 13 март. –Б. 25.

<sup>10</sup> Сурхондарё вилоят ҳокимлиги жорий архиви, 12-баённома, 4-хужжат, 1996 йил, 16январь. –Б. 9.

<sup>11</sup> Сурхондарё вилоят ҳокимлиги жорий архиви, 3-баённома, 5-хужжат, 1995 йил, 10 феврал.-Б. 11.

бутазорларга айланган, ҳосилдорлик қувватига анча зарап етказилган эди<sup>12</sup>. Ушбу ташландик ерларнинг шахсий томорқаларга ажратилиши агарар соҳа мутахассислари, ходимлари ва ишчи-хизматчиларини ўз эҳтиёжалари ва бозор учун озиқ-овқат маҳсулотларини етказиб беришга имконият яратиб берди.

Масаланинг яна бир эътиборли жиҳати, шу йилларда агарар соҳа мутахассислари, ходимлари ва ишчи-хизматчиларига шахсий томорқа учун ажратилган ерларнинг асосий қисми қишлоқдаги ёш агарар соҳа мутахассислари, ходимлари ва ишчи-хизматчиларига ажратилиб, уларга уйжой, шахсий хўжаликни шакллантириш учун тақдим қилинди.

Пахта майдонларининг бир қисми агарар соҳа мутахассислари, ходимлари ва ишчи-хизматчиларига томорқа сифатида бўлиб берилиши қишлоқдаги уйжой муаммосини ҳал этишда ёрдам берди. Агарар соҳа мутахассислари, ходимлари ва ишчи-хизматчиларининг шахсий томорқага эга бўлиши унинг ерга бўлган эгалик муносабатини ижобий томонга ўзgartирди. Агарар соҳа мутахассислари, ходимлари ва ишчи-хизматчилари ўзига берилган томорқадан унумли фойдаланиб, маҳаллий ўғит билан таъминлаган ҳолда, ҳосилдорликни муттасил ошириб борди. 1991 йилдан бошлаб 2-3 марта экин экилиб ҳосил олиниши натижасида сабзавот, полиз, мева, гўшт, сут, тухум каби маҳсулотларнинг кўпайишига имконият яратилди. Агарар соҳа мутахассислари, ходимлари ва ишчи-хизматчилари чорвачиликда туёқлар сони кўпайтириб, уларни ем-хашак билан таъминлаш анча яхшиланди. Республика қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари озиқ-овқат маҳсулотлари билан ўзини ва ички бозорни таъминлай бошлади.

Агарар соҳа мутахассислари, ходимлари ва ишчи-хизматчилари томорқаларида етиштирилган маҳсулотларни сотишда енгиллик яратиш мақсадида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш, сотиш, қайта ишлиш мақсадида юкларни етказиб бериш ва олиб кетиш нуқталари ташкил этилди. Чунончи, 1991 йил март ойидан бошлаб Термиз шаҳар кооператив савдо ташкилоти хонадонларда етиштирилган ортиқча озиқ-овқат маҳсулотлари ва

<sup>12</sup> Сурхондарё вилоят ҳокимлиги жорий архиви, 6-баённома, 14-хужжат, 1999 йил, 26 январь.-Б. 17.

хомашёни йил бўйи сотиб олишни йўлга қўйди. Бунда тайёрловчи айтилган манзилга бориб, шартнома нархи бўйича пулни тўлаб, маҳсулотни олиб қайтиши белгилаб қўйилди<sup>13</sup>.

Ислоҳотлар туфайли аграр соҳа мутахассислари, ходимлари ва ишчи-хизматчиларининг хусусий хўжаликлар маҳсулот етказиб беришда ўзининг афзаллигини кўрсатди. 1993 йили Қашқадарёда ер ва сув манбаларига эга бўлган жамоа ва давлат хўжаликлирида ҳар гектар ердан ўртача 2 минг сўм атрофидаги даромад олинган бўлса, қўл меҳнатига асосланган томорқаларда бу кўрсаткич 12 минг сўмга етди<sup>14</sup>. Яна бир мисол: шахсий хўжаликлирида ҳар бир сигирдан 2500литирдан, давлат ва жамоа хўжаликлирида эса атиги 960 литирдан сут соғиб олинди<sup>15</sup>.

Қишлоқ хўжалигига эришилган натижалар мамлакатда аграр ислоҳотларни янада чуқурлаштириш лозимлигини кўрсатди. Мустақилликнинг дастлабки йилларида аграр соҳада давлат тасаруфида бўлган корхоналар ҳиссадорлик жамиятларига айлантирилди. Бу эса оддий аграр соҳа мутахассислари, ходимлари ва ишчи-хизматчиларига ҳам мулк тақсимотида тенг ҳукуқли субъект сифатида қатнашиш ҳукукини берди. Кўзланган мақсад – қишлоқ хўжалик ходимларини ҳақиқий мулк эгасига айлантириш, қишлоқларни тараққий эттириш ва қишлоқ мутахассислари билим даражасини янада ошириш эди.

Ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг навбатдаги устувор йўналиши – кўп укладли иқтисодиётни ривожлантириш, унинг салмоқли қисмини қишлоқ шароитида хусусий мулк шаклига айлантиришдан иборат бўлди. Нега бундай йўл тутилди? Чунки қишлоқларда мулкчилик муносабатларини тубдан ўзгартирмай туриб, чинакам иқтисодий рақобат муҳитини яратиб бўлмас эди. Қишлоқ мутахассисларини жаҳон андозалари асосида иш юритишга ўргатиш зарур эди. Ўзбекистоннинг жанубий ҳудудларидаги қишлоқ аҳлини, айниқса,

<sup>13</sup>«Ленин байроғи» газетаси. 1991 йил 1 март.

<sup>14</sup> Қашқадарё вилояти ҳокимлиги жорий архиви, 15-баённома, 2-хўжжат, 1993 йил, 12 февраль. –Б. 22.

<sup>15</sup> Каримов И. Иқтисодий ислоҳот: илк самаралар // Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мағкура. Асарлар тўплами. 1-жилд. –Тошкент: Ўзбекистон, 1996. –Б. 264.

ёшларни боқимандалик кайфиятидан халос этиш, уларда тадбиркорлик, ишбилиармонлик иштиёқини уйғотиш долзарб масалага айланди.

Аграр соҳада хусусий сектор мавқеининг ошиши қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқариш ижтимоий таркибини тубдан ўзгартирди. Унда нодавлат секторнинг улуши 1993 йил 98 фоизга етди<sup>16</sup>. Республикада 1992-1994 йилларда аграр хўжаликларга тегишли 98 мингдан ортиқ иншоотлар хусусийлаштирилди. Очик турдаги акциядорлик жамиятлари сони уч яrim мингдан ошиб кетди<sup>17</sup>. 1992 йилдан бошлаб 1995 йил бошларигача қишлоқ туманларидаги 1137 давлат хўжалиги (совхоз) бошқа мулк шаклига, яъни 530 та жамоа хўжалигига, 350 кооперативга, 100 дан ортиқ ижара, шунингдек, бошқа мулк шаклларига айлантирилди<sup>18</sup>.

Жамоа хўжалиги – қишлоқ хўжалигини жамоа бўлиб юритиш мақсадида ташкил этилган корхонадир. Бунда ишлаб чиқариш воситалари (ер, ускуна, чорва, уруғлик, техника ва ҳ kz.) жамоавий мулк ҳисобланиб, унинг иштирокчилари томонидан бошқарилган. Мехнатдан тушган даромад хам иштирокчиларнинг умумий қарори билан тақсимланган. Хўжаликнинг ушбу шакли совет даврида «колхоз» деб аталган.

Колхоз (русча коллективное хозяйство – жамоа хўжалиги) – шакли ўзгарган жамоа бўлиб, унда ер-мулк, чорва ва меҳнат қуроллари алоҳида хўжаликларга бўлинмасдан умумий ишлатилади. Колхозда мажбурий равища жамоавийлик тамойили хукмронлик қилган. Совет даврида тузилган колхозлар тўлигича давлатга бўйсундирилган бўлиб, аграр соҳа мутахассислари, ходимлари ва ишчи-хизматчиларини ўз ерида эркин меҳнат қилиш ҳамда меҳнати натижаларидан баҳраманд бўлишдан маҳрум этган эди. Қолаверса, колхозлар тизимида кенг қўлланилган меҳнатга ҳақ тўлашдаги текисчилик (уравниловка) тамойили ҳам аграр соҳа мутахассислари, ходимлари ва ишчи-хизматчиларида шахсий манфаатдорликни йўқотган эди. Колхозлар аграр соҳа мутахассислари, ходимлари ва ишчи-хизматчиларига қишлоқлардаги асрий

<sup>16</sup> Қашқадарё вилоят ҳокимлиги жорий архиви, 2-баённома, 5-хужжат, 1993 йил, 3 февраль. –Б. 5.

<sup>17</sup> Рўзиев А.Н. Сурхондарё вилояти. –Термиз: Жайхун, 1996. –Б. 8.

<sup>18</sup> Қашқадарё вилоят ҳокимлиги жорий архиви, 7-баённома, 29-хужжат, 1996 йил, 25 февраль. –Б. 22.

анъаналарни йўқ қилиб, меҳнатга бўлган муносабатни тамомила ўзгартириб юборган эди. Натижада совет давлатидаги кўплаб колхозлар зарар билан ишлар, асосан давлат дотацияси ҳисобига яшашга мажбур бўлган эди. Ана шу сабабларга кўра, совет давлати парчаланганидан сўнг янги ташкил этилган республикаларда колхоз тизими аста-секинлик билан тугатила бошланди.

Айтиш керакки, Ўзбекистонда қишлоқ хўжалик соҳасидаги ислоҳотларни амалга ошириш жуда оғир кечди. Чунки аграр тармоқнинг айрим раҳбар ходимлари 1992-1994 йиллардаги қийин вазиятдан фойдаланиб, колхоз ва совхозларга тегишли бўлган мол-мулк ва транспорт воситаларини талон-тарож қилишди. Кўпчилик холларда давлат ҳисобида турган техникалар арзимаган нархларда сотиб юборилди. Натижада қишлоқ хўжалигини яхши биладиган мутахассислар четга сурилиб, ишсиз бўлиб қолдилар. Уларнинг ўрнига қишлоқ хўжалигини умуман тушунмайдиган, қишлоқ хўжалик техникаларини бошқаришни билмайдиган «янги» мутахассислар кириб келдилар. Бу эса, қишлоқда бозор иқтисодиётига асосланган муносабатларнинг қарор топишида қийинчиликларни юзага келтирди. Бошқарувда сакланиб келаётган расмиятчилик, юзакичилик, таниш-билиш ва оғайнчилик сингари иллатлар қишлоқ хўжалик корхоналарида ишлаб чиқаришнинг ривожланишига тўскинлик қилди. Шунга қарамай, аграр ислоҳотлар давом этди. Расмиятчилик ва бюрократия аста-секинлик билан бартараф этила бошланди.

1996 йил 3 апрелда Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан имзоланган «Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини давлат йўли билан қўллаб-куватлаш чора-тадбирлари тўғрисидаги» фармони қишлоқда ислоҳотларни чуқурлаштиришга қаратилган қатор тадбирларни белгилаб берди. Натижада қишлоқда аграр ислоҳотлар ўтказилди. Янги шаклланган қишлоқ тузилмавий тармоқларида 1997 йилда 1374 та жамоа, 99 та ижара хўжалиги, 51 та акционерлик жамияти, 20 мингдан ортиқ мустақил фермер хўжаликлари, 526 та шахсий чорвачилик фермаси ва 3 миллионга яқин шахсий томорқа хўжалиги фаолият кўрсатди<sup>19</sup>.

<sup>19</sup> Қашқадарё вилоят ҳокимлиги жорий архиви, 6-баённома, 15-хужжат, 1998 йил, 9 январь. –Б. 25.

Қишлоқ хўжалик корхоналарини мулк пайчилиги асосида қайта ташкил этиш бўйича дастлаб 1998 йилда 26 та хўжаликда тажриба синови ўтказилди ҳамда ўзининг афзаллигини намоён қилди. Мисол учун, Қашқадарё вилоятининг Ш.Рашидов номли<sup>20</sup>, Сурхондарё вилоятининг Н.Муродов номли ёпик турдаги акциядорлик жамиятлари 1996 йилни 22 миллиондан 33 миллион сўмгача фойда билан якунлади<sup>21</sup>. Йил якунларига кўра, пай эгалари ўзларига тегишли пай учун муайян микдорда дивиденд олдилар. Қашқадарё вилоятининг кўпгина хўжаликлари бу мулкчилик шаклининг устунлигини кўриб, пайчилик муносабатларига ўтиш истагини билдирилар. Бундай хўжаликлар сони 1996 йилда 2 тадан 17 тага етди. 1998 йилда 27 та хўжалик шу йўлдан борди<sup>22</sup>.

Мулк муносабатларини вужудга келтиришнинг бундай шаклининг моҳияти ва афзаллиги нимада?. Ер хўжалик аъзолари ўртасида тақсимланади, аммо ҳеч кимга уни сотиш-сотиб олиш хуқуқи берилмайди. Ер ва хўжаликнинг бошқа мулки натурал ҳолатда эмас, қиймат шаклида, яъни хўжалик иқтисодиёти ҳисобга олинган ҳолда тақсимланади. Ерни мулкдорлар, хўжалик аъзолари ўртасида тақсимлаш хўжаликнинг бутун жамоаси қабул қилган қарор асосида амалга оширилди. Бунда мулкни бўлиб бериш турли минтақаларда маҳаллий шароитдан келиб чиқсан ҳолда турлича амалга оширилиши мумкин. Мухими, ўзбошимчалик, қариндош-уруғчилик иллатларига йўл қўймасликдир<sup>23</sup>.

Агар соҳа мутахассислари, ходимлари ва ишчи-хизматчиларини манфаатларини хуқукий ҳимоя қилиш мақсадида қишлоқ хўжалигини ривожлантириш учун бу соҳани моддий-техник базасини мустаҳкамлаш зарур эди. Шу мақсадда Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 31 январдаги қарорига биноан қишлоқ хўжалиги машиналарини ишлаб чиқариш мақсадида «Ўзқишлоқхўжаликмашхолдинг» компанияси ташкил этилиб, бу тузилма таркибига 16 та корхона, 9 та қўшма корхона, 17 та минтақавий корхона,

<sup>20</sup> Қашқадарё вилояти ҳокимлиги жорий архиви материаллари: Халқ депутатлари Қашқадарё вилояти Кенгашининг III сессияси материаллари. 1998 йил 22 январь. –Б. 42.

<sup>21</sup> Сурхондарё вилоят ҳокимлиги жорий архиви, 1-баённома, 1-хўжжат, 1998 йил, 24 январь. –Б. 26.

<sup>22</sup> Қашқадарё вилоят ҳокимлиги жорий архиви, 3-баённома, 1-хўжжат, 1997 йил, 5 март. –Б. 6.

<sup>23</sup> Сурхондарё вилоят ҳокимлиги жорий архиви, 12-баённома, 4-хўжжат, 1998 йил, 23 январь. –Б. 12.

техника маркази, 72 та туман ва туманлараро бўлинмалар, шу жумладан, машина-трактор парклари ва савдо уйлари кирди. Улар томонидан аграп соҳа мутахассислари, ходимлари ва ишчи-хизматчиларини моддий-маънавий қўллаб-қувватлаш учун 2001 йилнинг ўзида мамлакатимиз агросаноат мажмуига 2760 дона трактор, 971 дона трактор тележка, 100 дона пахта териш машинаси, 118 дона плуг, 994 дона борона, 80 дона пичан ўрадиган комбайн, 1066 дона культиватор ва 1 миллиард 239,6 миллион сўмлик эҳтиёт қисмлар ва бошқа техника воситалари етказиб берилди. Шу жумладан, лизинг асосида 2000 та трактор ва 404 дона тележка қишлоқ хўжалик ишларига жўнатилди<sup>24</sup>.

Лизинг – инглизча «lease» сўзидан олинган бўлиб, «ижара» деган маънони англатади. Бугунги кунда лизинг деганда ижара ва кредитнинг учинчи шахс – лизинг компанияси томонидан берилиши назарда тутилади. Лизинг компанияси сотувчидан мулкни сотиб олиб, уни лизингга оловчига тақдим этади. У эса, ўз навбатида ҳар ойда муайян микдордаги суммани тўлаб боради ва бу бир вақтнинг ўзида ҳам ижара, ҳам кредит тўлови бўлиб ҳисобланади. Шартномада кўрсатилган муддат тугаши билан ижарачи мулкни лизинг компаниясига кайтариб бериши ёки унинг қолган суммасини тўлаб, сотиб олиши мумкин.

Лизинг битимида одатда учта шахс иштирок этади. Буларга сотувчи, лизинг берувчи ва лизинг оловчиги киради. Баъзи ҳолларда сотувчи лизинг берувчи бўлганлиги учун ҳам иштирокчилар сони икки шахсдан иборат бўлиши мумкин. Лизингта муайян техника, асбоб-ускуналар, автомобиллар, юк ва қишлоқ хўжалик машиналари, маҳсус транспорт воситалари, кўчмас мулк ва ишлаб чиқариш корхоналари берилиши мумкин. Лизингнинг банк кредитларидан фарқи шундаки, уни олиш учун кафолат ёки суғурта талаб қилинмайди. Лизингда гаров сифатида ижарага берилган мулкнинг ўзи етарлидир. Банк томонидан берилган маблағлар тўғри ишлатилиши бўйича назорат қилинса, лизингда бу нарса талаб қилинмайди. Негаки, мулк лизинг берувчига тегишли бўлади. Банк кредити бўйича тўловларнинг бекор қилиниши корхоналарнинг инқирозига сабаб бўлиши мумкин. Лизингда эса

<sup>24</sup> Сурхондарё вилоят ҳокимлиги жорий архиви, 5-баённома, 7-хужжат, 2002 йил, 16 февраль. –Б. 14.

тўловларнинг бекор қилиниши факат ижарага берилган мулкнинг олиб қўйилиши билан якунланади. Бир сўз билан айтганда, лизинг факат ишбилиармонликни ривожлантириш ва ишлаб чиқариш фондларини янгилаш мақсадидагина қўлланилади. Кўп маблағ сарфламасдан ишлаб чиқариш воситаларини янгилаш, замонавий техникага эга бўлиш унинг афзалликларидан биридир. Ана шундай қулайликларга эга бўлганлиги учун ҳам лизинг тизими жаҳон иқтисодиётида кенг қўлланилади.

Лизинг XIX асрда АҚШ ва Буюк Британияда вужудга келди. Иккинчи жаҳон урушидан кейинги йилларда дунёнинг кўпгина мамлакатларига кенг тарқалди. Лизинг тизими Ўзбекистонда факат мустақиллик йилларидағина кириб келди. Республика иқтисодиётидаги таркибий ўзгаришлар мазкур хизмат турини жорий этиш масаласини кун тартибига қўйди. Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 30 октябрдаги қарори билан Республика қишлоқ хўжалигини замонавий техника билан таъминлаш ва тармоқ машинасозлигини ривожлантириш мақсадида «Ўзқишлоқхўжаликмашлизинг» компаниясини ташкил қилинди. Компания ўз фаолиятини бошлаган 2000 йилда лизинг асосида қишлоқ хўжалигига 700 миллион сўм миқдоридаги 471 дона техникани етказиб берди. 1999-2000 йилларда лизинг компанияси ишини тўла йўлга қўйиш, лизинг хизматини кенг миқёсда амалиётга киритиш учун бир қанча масалалар босқичма-босқич ҳал этилди<sup>25</sup>.

2001 йилда компаниянинг жойлардаги 13 та филиали орқали 2339 дона трактор, 10 дона «Кейс-2002» русумли пахта териш машинаси ва 494 дона турли хил техника воситалари ширкат ва фермер хўжаликларига етказиб берилди. Компания мамлакатимиз иқтисодиётида алоҳида ўринга эга эканлигини кўрсатди. Биринчидан, қишлоқ хўжалиги техникасини лизингга бериш соҳаси жорий этилди. Иккинчидан, мулк шаклидан қатъий назар тармоқдаги жамоалар давлатнинг ғамхўрлигини сезишиди. Лизинг хизмати жорий этилгач кўп одамлар иш билан таъминланди ва ишлаб чиқариш самарадорлиги ошди. Яна бир аҳамиятли томони шундаки, қишлоқ хўжалиги

<sup>25</sup> Сурхондарё вилоят ҳокимлиги Иқтисодиёт ва статистика бош бошкармаси. Биринчи китоб. –Термиз, 1996. – Б.15.

машинасозлиги ҳам жонланди. 2001 йилда янги таркибда техника олувчиларнинг учдан бир қисмини фермерлар ташкил қилди. Техникаларнинг лизинг асосида берилиши рақобатнинг кучайишига, хизмат сифатининг яхшиланиши ва етиштирилаётган маҳсулот таннархининг пасайишига олиб келди<sup>26</sup>.

Лизинг компанияси ўз мижозларига берилаётган қийматининг 15 фоизини олдиндан тўлашни таклиф қилиб, уларга катта қулайлик яратди. Тўғри, лизингга олинадиган техника учун олдиндан тўлов фоизлари кейинчалик бироз ошди. Шунга қарамай, бундай қулай имкониятдан фойдаланувчилар сони йилдан-йилга ортиб борди.

Аграп соҳа мутахассислари, ходимлари ва ишчи-хизматчиларига турмуш тарзини ҳисобга олиб қишлоқ хўжалигида ислоҳотлар ўтказилар экан, олдинги давлат ва жамоа хўжаликлари ўрнига қишлоқ хўжалик ширкатларини жорий этиш мақсадга мувофиқ бўлди. Чунки, у ширкат аъзоларини кўнгиллилик ва муайян шартлар асосида бирлаштирас эди. 1998 йил 30 апрелда «Қишлоқ хўжалик кооперативи (ширкат хўжалиги) тўғрисида» қонун қабул қилинди. Қонунга кўра, ширкат хўжалиги қишлоқ хўжалиги маҳсулотини етиштириш учун пай усули ва оила пудратига, фуқароларнинг ихтиёрий равишда бирлашишига асосланган, юридик шахс ҳуқуқларига эга мустақил хўжалик юритувчи субъектdir. Ширкат хўжалиги ўз худуди ва ундан ташқарида етиштирилган хом ашёни қайта ишлаш, турли маҳсулотлар ишлаб чиқариш, савдо-сотик, таъмирлаш ва қурилиш ишлари, юридик ва жисмоний шахсларга хизмат кўрсатиш, шунингдек қонунларда тақиқланмаган бошқа фаолият турлари билан шуғулланишга ҳақли эканлиги кўрсатиб ўтилди. Бундан ташқари, ширкат хўжаликларини тузиш ва унинг фаолияти юритиш тартиби, ширкатга аъзолик, ер участкаларини ажратиш ва бошқаришнинг ҳуқуқий масалалари белгиланди. Ширкатнинг ҳар бир аъзосига мулк ва ер пайлари шаклида ҳисса ажратилди<sup>27</sup>.

<sup>26</sup> Сурхондарё вилоят ҳокимлиги жорий архиви, 2-баённома, 9-хужжат, 2002 йил, 14 март. –Б. 16.

<sup>27</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 й., 5-6-сон, 84-модда; 2003 й., 9-10-сон, 149-модда; 2004 й., 1-2-сон, 18-модда.

Мулкий пай – қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) ҳар бир аъзосининг кооператив (ширкат) пай жамғармаси қийматидаги улушини белгилайди ва кооператив (ширкат) аъзосига кооперативнинг якуний даромадидан (фойдасидан) дивидендлар тариқасида тегишли улушни олиш ҳуқуқини беради. Пай жамғармаси қишлоқ хўжалиги коооперативи аъзоларига умумий улушли мулк асосида, бўлинмас жамғарма эса, умумий биргаликдаги мулкка қарашли бўлади. Пай жамғармаси қишлоқ хўжалиги кооперативи аъзолари ўртасида мулкий пайларга тақсимланади<sup>28</sup>.

Оилавий пудрат – бу ишлаб чиқариш ресурсларидан унумли фойдаланган ҳолда энг кўп маҳсулот етиштириш мақсадида ишчиларнинг оилавий жамоаси билан хўжалик маъмурияти ўртасида тузиладиган жамоавий шартноманинг кўриниши. Оила жамоаси маълум шартлар асосида ишлаб чиқариш воситаларидан фойдаланган ҳолда муайян миқдордаги қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқариб, хўжаликка ёки тайёрлов идорасига топширишни ўз бўйнига олади. Хўжалик маъмуриятининг асосий мажбурияти оилавий жамоанинг ишлаши учун қулай шароит яратиб бериши, унга зарур бўлган моддий-техник таъминотни етказиши, маҳсулотни ҳеч бир муаммосиз қабул қилиб, жамоа билан келишув бўйича ўз вақтида ҳисоб-китоб қилишдир. Томонларнинг мажбурияtlари шартномада қайд этилади. Шу боис унинг бажарилиши учун ҳар икки томон масъул ҳисобланади. Пудрат бошқа шакллардан шуниси билан фарқ қиласиди, ижарачилар ерга вақтинчалик эгалик қилган ҳолда етиштирган маҳсулоти ва ўз меҳнати натижасининг тўлақонли эгаси бўлади.

Ширкат хўжаликлари билан бир қаторда дехқон хўжаликлари ишини янада такомиллаштириш зарур эди. Шу мақсадда 1998 йил 30 апрелида «Дехқон хўжалиги тўғрисида»ги қонун қабул қилинди. Ушбу қонуннинг 1-боб 1-моддасида: «Дехқон хўжалиги оилавий майда товар хўжалиги бўлиб, оила аъзоларининг шахсий меҳнати асосида, мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш учун оила бошлиғига берилган томорқа ер участкасида қишлоқ

<sup>28</sup> И smoилов А., Муртазаев О. Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти. –Тошкент: Молия, 2005. –Б. 90.

хўжалиги маҳсулоти етиштиради ва реализация қилади» дейилган<sup>29</sup>. Умуман олганда, дехқон хўжалиги – бу ўз мулки ёки ижарага олинган ер, сув, бошқа восита ва мол-мулклардан фойдаланиш асосида маҳсулот ишлаб чиқаришни, қайта ишлашни, сақлашни ва сотишни амалга оширувчи, оиласвий, оиласвий меҳнат ёки бир қанча шахсларнинг биргалашган меҳнатига асосланган юридик шахс хуқуқига эга бўлган мустақил хўжалик субъектидир<sup>30</sup>.

Аграп соҳа мутахассислари, ходимлари ва ишчи-хизматчиларини кундалик талаб эҳтиёжларини ҳисобга олиб дехқон хўжалигини ташкил этиш ҳуқуқига Ўзбекистоннинг ҳар бир фуқароси эга. Фақат ундан қишлоқ хўжалиги бўйича билими ва иш амалиёти ҳамда маҳсус тайёргарликдан ўтган бўлиши талаб қилинади. Дехқон хўжалик ташкил этиш учун фуқароларнинг аризаси жамоа хўжалигининг умумий йиғилишида ва туман ҳокимлиги томонидан кўриб чиқилади. Дехқон хўжалиги эгаси ердан фойдаланиш тўғрисидаги давлат далолатномасини олгандан кейин ёки ижарага бериш тўғрисида шартнома тузилгандан кейингина ташкил этилган ҳисобланади. Дехқон хўжалиги ерни хусусий қилиб ҳам, умрбод мерос қилиб қолдириб ҳам, ёхуд ерни ижарага бериш йўли билан ҳам ташкил этилиши мумкин. Дехқон хўжалигига ер участкаси давлат ер заҳираларидан берилади. Дехқон хўжаликларига юк автомашиналари, қишлоқ хўжалиги техникаларини сотиб олиш, шунингдек, банклардан кредит олиш хуқуқи берилди. Дехқон хўжаликларининг афзаллик томони, қишлоқда ишсизлик муаммосини бартараф этиш ва ахоли даромадлари ошишида муҳим аҳамият касб этди.

Аграп ислоҳотлар ўтказилаётган йилларда қишлоқ хўжалиги жиддий муаммоларга дуч келди. Булар қуйидагилардан иборат эди:

Биринчидан, ер солигини тўлаш муддати 1 июль ва 1 декабргача бўлган оралиқда олинади. 1 июлга қадар аграп корхоналар солик тўлай олмайдилар. Чунки, қишлоқ хўжалик даромадлари факат йил охирига қадар бир марта шаклланади. Солик органлари эса ҳар бир солик тўланмаган кун учун пеня

<sup>29</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 й., 5-6-сон, 88-модда; Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 21 декабрдаги ЎРҚ-506-сонли Конуни таҳририда — Конун хужжатлари маълумотлари миллий базаси, 21.12.2018 й., 03/18/506/2356-сон).

<sup>30</sup> Исломилов А., Муртазаев О. Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти. –Б. 58.

ундиришади. Натижада солик миқдори ошиб бориб, қишлоқ хўжалик корхоналарига катта зарар келтирас эди.

Иккинчидан, туман марказларида жойлашган машина-трактор парклари ўзларининг монополистик мавқеидан фойдаланиб, кўпинча сифатсиз ишлари учун юқори ҳақ талаб қилиб, маҳсулот таннархининг ошишига сабаб бўлди.

Учинчидан, аграр соҳадаги фойда билан ишловчи корхоналар ҳам, зарар билан ишловчи корхоналар ҳам ўз маблагларидан эркин фойдаланмаганлиги аниқланди<sup>31</sup>.

Тўртинчидан, ирригация соҳасида етук кадрларга эътибор йўқлиги оғир оқибатларга олиб келди. Ер ва унга ишлов берувчи техника деярли ўз ҳолига ташлаб қўйилди. 1992-1999 йиллар мобайнида Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларида ерларнинг мелиоратив ҳолати ёмонлашиб, шўрланган майдонларнинг кўпайиш ҳоллари кузатилди<sup>32</sup>. Бундай майдонлар суғориладиган ер фондининг ярмидан кўпроғини ташкил этди. Ҳосилдорлик даражаси сезиларли равишда пасайди.

Бундан ташқари, ер ҳажмининг чегараланганилиги, сув етишмаслиги туфайли қишлоқ хўжалик оборотига қўшимча майдонларни қўшиш имконияти чекланганини ҳам унутмаслик керак. Суғориш тармоғидан фойдаланиш ва уни бошқариш механизмида сезиларли ўзгаришлар рўй бермади. Йиллар давомида коллектор тармоқлари тозаланмаслиги сабабли катта-катта майдонлардаги дренажлар ишдан чиқди. Кузги шудгорлаш ишлари кечикди, ерга шудгорлашдан олдин факат 35 фоизгина минерал ўғит солинди, ерларнинг 60 фоиздан ортиги уруғ қадаш учун текислаб тайёрланмаган, суғориш ишлари сифатли ташкил қилинмади. Шу сабаб Фузор, Косон, Муборак, Қизириқ, Бандихон, Шеробод туманларида бошоқли экинлар кучли даражада шўрланган, мелиоратив ҳолати ёмон бўлган ерларга экиб келинган. Энг катта камчилик, 1996-2000 йилларда вилоят раҳбарларининг ишни тўғри ташкил эта билмаслиги, эски тузумдан қолган маъмурий-буйрукбозлик усулининг яшаб

<sup>31</sup> Сурхондарё вилоят ҳокимлиги жорий архиви, 9-баённома, 1-хужжат, 2003 йил, сентябр. –Б. 43.

<sup>32</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 2000 йил 31 августдаги «Қишлоқ хўжалик ўсимликларини заарқунандалар, касаликлар ва бегона ўтлардан химоя қилиш тўғрисида»ти Қарори // «Халқ сўзи» газетаси 2000 йил 1 сентябрь. –Б. 1.

келганлиги, мутасадди раҳбарларда ерга, мулкка бўлган муносабати ўзгармаганлигига бўлди.

Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларида тупроқ унумдорлигини ошириш ёки ўртача меъёрда ушлаб туриш учун менерал ўғитларни берилмаслиги, ернинг табиий ҳолатини саклаб турувчи ариқ-зовурларни тозалаш ишларига эътиборнинг сусайиши, ернинг шўрланиш даражаси ошганлиги туфайли қишлоқ меҳнаткашлари режалаштирилган маҳсулотларни етказиб бера олмадилар.

Бешинчидан, селекция ишларини ташкил этишда жиддий камчиликка йўл қўйилди. Жанубий худудларда пахта, дон ва бошқа қишлоқ хўжалиги экинларини экишда синовдан ўтмаган, минтақа шароитига тўғри келмайдиган, ҳосилдорлиги паст уруғ навларидан фойдаланиб келинди. Натижада, Қашқадарё вилоятида пахта ҳосилдорлиги 1991 йил билан таққослаганда 30,7 центнердан 23,8 центнерга тушиб қолди. Ҳосилдорликнинг пасайиши картошкачилик ва савзавотчилиқда ҳам кузатилди. Бунга селекция ва уруғчилик муаммоларига бўлган эътиборнинг пасайганлиги сабаб бўлди<sup>33</sup>. Қолаверса, қишлоқ хўжалиги ривожланишига масъул бўлган идора ва ташкилотларда уруғчилик ишларини тушунмайдиган тасодифий кишиларнинг ўрнашиб қолиши, баъзи ҳолларда таниш-билиш қилиб, юқоридан босим ўтказиш туфайли ҳали тўла тажрибадан ўтмаган уруғ навларини хўжаликларга мажбуран ва оммавий сотилиши тармоқ ишига жуда катта зарар келтирди.

Гарчи 1999 йил серёғин бўлиб, об-ҳаво қулай келган бўлсада, Сурхондарё вилояти қишлоқ хўжалиги учун жуда оғир келди. Уруғчилик ҳақидаги тушунчага эга бўлмаган айrim масъул раҳбарларнинг кўрсатмаси билан 1998 йилнинг кузида Сурхондарё шароитига мутлақо тўғри келмайдиган уруғлик дон тарқатилди. Бу донни олишдан бош тортган фермерлар ва ширкат хўжаликлари раисларига юқоридан кучли босим ўтказилди. Натижада, 1999 йили вилоят ғаллазорлари ёппасига занг касаллигига чалинди. Занг уриши натижасида давлатга дон сотиш режаси 54,8 фоизга бажарилди. Кўп

<sup>33</sup> Қашқадарё вилоят ҳокимлиги жорий архиви, 5-баённома, 12-хужжат, 2009 йил, 12 февраль. –Б. 27.

хўжаликларда дон ҳосилдорлиги 5-15 центнердан иборат бўлди. Вилоятда ғаллачилик билан шуғулланадиган иккита хўжалик ўз мажбуриятларини бажаришди, холос. Эътиборли томони, улар юқоридан келган буйруқни инкор этиб, тажрибадан ўтган уруғлик донни эктиргани учунгина шундай натижаларга эришдилар<sup>34</sup>.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, қишлоқ хўжалигида агротехник тадбирларини ўз вақтида ўтказмаслик ҳосилдорлик пасайишига сабаб бўлади. Бир хил шароитда чигит экиш муддатининг 10 қунга кечикирилиши, ўртacha ҳосилдорликнинг гектаридан 4-6 центнерга паст бўлишига ёки ғалла ўримининг 10 қунга кечикирилиши, етиштириладиган ҳосилнинг 20-25 фоизи нобуд бўлишига олиб келади<sup>35</sup>.

Агротехника қоидаларига риоя қиласлик туфайли 1995-1999 йилларда Сурхондарё вилояти бўйича пахта ҳосилдорлиги 5,5 центнерга камайди. 1999 йилда вилоят туманларидан бирортаси пахта тайёрлаш режасини бажармади. Натижада қишлоқ хўжалик корхоналарининг молиявий аҳволи ёмонлашди. Вилоятдаги 47 та жамоа ва ширкат хўжалиги 1999 йилни 713 миллион 315 минг сўм зарар билан якунлаган<sup>36</sup>.

Олтинчидан, ўрта ва қуи бўғиндаги раҳбар ходимлар ва мутахассисларни тайёрлаш ҳамда жой-жойига қўйиш масаласида жиддий хатоликка йўл қўйилди. Чунончи, 1998-1999 йилларда Сурхондарё вилоятида туман ҳокими ўринбосарларидан 32 нафари, жамоа ширкат хўжаликлари раҳбарларининг кариб 50 фоизи алмаштирилди<sup>37</sup>. Ёки 2000-2002 йилларда арзимас хатоликка йўл қўйгани учун масъул раҳбарларни ишдан олиш авж олиб кетди. Бу эса, қишлоқ хўжалигини тушунадиган қўпгина кадрларнинг кетиб қолиши ва уларнинг ўрнига лаёқатсиз кишиларнинг кириб келишига

<sup>34</sup> Халқ билан ҳамнафас яшаш ва ишлаш – олий бурч. Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримовнинг 2000 йил 23 марта халқ депутатлари Сурхондарё вилояти Кенгаши сессиясида сўзлаган нутқи // «Сурхон тонги» газетаси. 2000 йил 29 март. –Б. 2.

<sup>35</sup> Халқ депутатлари Сурхондарё вилояти Кенгашининг II/XII сессияси материаллари. 2000 йил 25 декабрь. –Б. 10; Халқ депутатлари Қашқадарё вилояти Кенгашининг II/XII сессияси материаллари. 2000 йил 27 декабрь. –Б. 14.

<sup>36</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримовнинг 2000 йил 23 марта халқ депутатлари Сурхондарё вилояти Кенгаши сессиясида сўзлаган нутқи // «Сурхон тонги» газетаси. 2000 йил 29 март. –Б. 2.

<sup>37</sup> Сурхондарё вилояти давлат архиви, 455-фонд, 3-рўйхат, 19-хўжжат, 56-варақ.

олиб келди. Масъул лавозимларга тайинланган кишилар ўз келажагига ишончи бўлмагани учун вазифаларига совуққонлик билан қарадилар. Қишлоқ хўжалик кадрлариға нисбатан нотўғри муносабат давлат режаларининг йиллаб бажарилмаслигига сабаб бўлди.

2002 йилда ўтказилган таҳлил шуни қўрсатдики, жанубий вилоятларда ернинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ишлари тўғри ташкил этилмаган. Дехқончилик маданиятини юксалтиришга етарли эътибор берилмаганлиги сабабли қишлоқ хўжалигига ислоҳотларни амалга ошириш, мулкдорлар синфини шакллантириш борасидаги ишлар тўлиқ ўз самарасини бермаган. Баъзи хўжаликлар номигагина ширкатларга айлантирилган, айрим ширкат хўжаликларнинг нафакат аъзолари, балки раислари ҳам ширкат ва мулкий пайнинг моҳияти нимадан иборатлигини англаб етмаганлиги туфайли давлат режалари барбод қилинган эди<sup>38</sup>.

Қишлоқ хўжалигига иқтисодий ислоҳотларни чукурлаштириш бўйича Қашқадарё вилоят комиссияси томонидан 2002 йилда қишлоқда мулкдорлар синфини шакллантириш, мулкий пайлар ва оила пудратини жорий этиш асосида қишлоқ хўжалиги ширкатларини ташкил этиш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотини етиштириш ҳажмларини кўпайтириш ва аграр секторда ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, ишлаб чиқарувчиларнинг ерга ва мулкка эгалик қилишлари, ўзлари етиштираётган маҳсулотлардан тўлиқ баҳраманд бўлишлари бўйича бир қатор тадбирлар амалга оширилди.

Қишлоқ хўжалик соҳасида юзага келган камчиликларни бартараф этиш мақсадида Сурхондарё вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги мутахассислари томонидан 2005 йилда ҳар бир ширкат хўжалигига ўкув семинари ташкил қилинди. Вилоятнинг Музрабод, Ангор, Термиз, Шеробод, Жарқўргон туманидаги оиласиий пудратчилар ва дехқон-фермерларга узвий семинар ўтказилди<sup>39</sup>.

---

<sup>38</sup> Сурхондарё вилоят ҳокимлиги жорий архиви, 14-баённома, 15-хужжат, 2006 йил, 28 январь. –Б. 37.

<sup>39</sup> Сурхондарё вилоят ҳокимлиги жорий архиви, 14-баённома, 15-хужжат, 2006 йил, 28 январь. –Б. 38.

Бундан ташқари, аграр соҳа мутахассислари, ходимлари ва ишчи-хизматчилари билан ҳуқуқий аҳамиятга эга ички хўжалик шартномаларининг тўғри тузилиши ҳамда шартнома шартларининг бажаришини назорат қилиш мақсадида барча туман қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаларида мониторинг журналлари очилиб, тузилган шартномаларнинг ижроси бўйича мониторинг ишлари олиб бориш йўлга қўйилди.

Республикада қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш, қишлоқларни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан ривожлантириш, аграр соҳа мутахассислари, ходимлари ва ишчи-хизматчиларини иш билан банд қилишда давлат томонидан қабул қилинган дастурлар мухим роль ўйнади. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 26 январдаги ПҚ-1046-сон қарорига кўра тасдиқланган «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастурига кўра, Халқаро молия институтларининг кредитлари ҳисобига кўйидаги худудларда сув таъминоти бўйича инвестиция лойиҳалари амалга оширилишини таъминлаш кўзда тутилди. Чунончи, Қашқадарё вилоятининг Қамаши туманида – 53,0 км, Косон туманида – 98 км, бўлган сув қувурларини қуриш, Сурхондарё вилоятининг Ангор, Музработ, Шеробод, Бандихон, Қизириқ, Қумқўрғон ва Олтинсой туманларида сув ўтказгичларни тиклаш режага киритилди<sup>40</sup>.

Шунингдек, аграр соҳа мутахассислари, ходимлари ва ишчи-хизматчиларини ижтимоий-турмуш тарзини ҳисобга олиб қишлоқ жойларда замонавий том ёпиш материалларини тайёрлаш бўйича Андижон, Бухоро, Қашқадарё, Навоий, Хоразм, Тошкент вилоятларида жами 6 та корхонани ташкил қилиш, Замонавий безак материаллари ишлаб чиқариш бўйича Бухоро, Самарқанд, Сурхондарё, Қашқадарё, Тошкент, Хоразм вилоятлари ва Қорақалпоғистонда янги қувватларни ишга тушириш белгиланди<sup>41</sup>.

«Обод турмуш йили» Давлат дастури тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 14 февралдаги ПҚ-1920-сонли

<sup>40</sup> Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 йил, 5-сон, 33-модда; ПҚ-1046-сон 26.01.2009. «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» давлат дастури тўғрисида. <http://lex.uz>

<sup>41</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2009 йил., 1-сон, 21-модда.

Карорига мувофик, Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятини ривожлантиришга тижорат банкларининг 269,6 млрд. сўм миқдорида кредитлар беришини кўпайтириш, шу жумладан: 110,1 млрд. сўм оилавий, хусусий тадбиркорлик ва ҳунармандчилик субъектларига; 106 млрд. сўм – қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етишириш ва қорамол сотиб олиш учун шахсий ёрдамчи ва дехқон хўжаликларига, 53,5 млрд. сўм ўз тадбиркорлик фаолиятини йўлга кўйиши учун 15 минг нафар касб-хунар коллежлари битиruвчиларига йўналтириш белгиланди.

Ушбу дастурлар Республика аграр соҳа мутахассислари, ходимлари ва ишчи-хизматчиларини ижтимоий-иқтисодий аҳволнинг яхшиланиши, янги иш ўринларининг яратилиши, аграр соҳа мутахассислари, ходимлари ва ишчи-хизматчиларини турмуш даражасининг ошишида муҳим аҳамият касб этди. Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари, шу жумладан, озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқаришда дехқон хўжаликларининг мавқеи ортиб борди. Чунончи, дехқон хўжаликлари 2004 йилда республика қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулотнинг 66%ини берган бўлса<sup>42</sup>, бу рақам 2014 йил январида фақат Сурхондарё вилояти бўйича 86,2 %ни ташкил қилди<sup>43</sup>.

Аграр соҳа мутахассислари, ходимлари ва ишчи-хизматчиларини манфаатдорлигини ҳисобга олиб қишлоқларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда Давлат дастурларининг аҳамиятини инкор этмаган ҳолда баъзи камчиликлар кўзга ташланганлигини таъкидлаш лозим. Масалан, айrim сабабларга кўра, қишлоқ хўжалигида меҳнат унумдорлигини ошириш масаласи четда қолиб келди. Негаки, бир гурух олимлар ва раҳбарларнинг фикрига кўра, бозор иқтисодиётига ўтилиши билан меҳнат унумдорлиги ҳам ўз-ўзидан ошиб борар экан. Шунинг учун аграр соҳага оид жараёнга давлат органлари томонидан макроиқтисодий таъсир ўтказишга, маҳсус илмий тадқиқотларни амалга оширишга зарурат қолмаганлиги таъкидлаб ўтилди. Бундай

<sup>42</sup> И smoилов А., Муртазаев О. Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти. –Б. 65.

<sup>43</sup> Сурхондарё вилоятининг ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг асосий кўрсаткичлари. –Термиз, 2015. –Б. 15.

фирмаларнинг пайдо бўлишига айрим мутасадди шахслар ва ташкилотларнинг эскича қарашлари ҳамда ўз ўринини бўшатиб беришни истамаслиги сабаб бўлди.

Хулоса қилганда, мустақиллик йилларида Ўзбекистон Республикаси илғор мамлакатлар тажрибасини ўрганиш асосида ўзининг аграр соҳа мутахассислари, ходимлари ва ишчи-хизматчиларига таллукли манфаатларни ҳимоя қиласидиган аграр сиёсатини ўтказди. Жанубий ҳудудлар ўтиш даврининг кийинчиликларига қарамай янги имкониятларга эга бўлди, дехқончилик маданияти анча ривожланди. Шунингдек, эскича фирмалаш ва боқимандалик кайфиятидан қутилиб, моддий жиҳатдан аграр соҳа мутахассислари ўз аҳволини яхшилаб олди. Жамиятда аграр соҳа мутахассислари, ходимлари ва ишчи-хизматчиларининг мавқеи ортиб борди.

## **1.2. Ўзбекистон жанубий ҳудудларида фермер хўжаликларининг ташкил этилиши ва унинг натижалари.**

Мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг ҳал қилувчи бўғини қишлоқ хўжалиги соҳасидага аграр соҳа мутахассислари, ходимлари ва ишчи-хизматчиларини манфаатларини ҳисобга олиб амалга оширилди. Бунинг сабаби шундаки, Ўзбекистон аҳолисининг 64 фоизидан кўпроғи қишлоқда яшар, шунингдек, аҳолини озиқ-овқат, саноатни эса зарур бўлган хом ашё билан таъминлайдиган тармоқ ҳисобланади. Шундан келиб чиқиб, қишлоқ хўжалигига замон руҳига мос ислоҳотлар ўтказиш давр талабига айланди.

Республикада ўтказилган аграр ислоҳотлар натижасида фермер хўжаликлари ташкил топа бошлади. Фермер хўжаликларни ташкил этишдан мақсад янгича ишлаш ва иқтисодий манфатдорликни ошириш учун аграр соҳада катта тажрибага эга ривожланган мамлакатлар тажрибасидан фойдаланиш давлат дастурини асосий йўналиши килиб олинган эди. Сурхондарё вилоятидаги биринчи фермер хўжаликлари 1989 йилда ташкил этилди. Термиз туманидаги «Дўстлик» жамоа хўжалиги негизида тузилган илк фермер хўжаликлари биринчи йилдаёқ катта муваффақиятларни қўлга киритишиди. Уларнинг иши Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти И.Каримов

томонидан юқори баҳоланди. Республикаизда «Сурхондарё дехқончилик мактаби» деган янги фахрли ном вужудга келди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 1991 йил 29 ноябрда қабул қилинган «Фермер хўжаликлари фаолиятини янада такомиллаштириш ва республика ишбилармонлар фаолиятини қўллаб-қувватлаш тўғрисида»ги фармони шу ўзгаришларнинг мантиқий давоми бўлди. 1991 йил 21 декабрда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Дехқон фермер хўжаликларини янада мустаҳкамлаш ва тадбиркорлик фаолиятини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш» тўғрисидаги Фармони ҳамда 1992 йил Олий Кенгаш томонидан қабул қилинган «Дехқон хўжалиги тўғрисида»ги қонун аграр соҳани бозор иқтисодиёти талаблари бўйича ривожлантириш имконини берди.

Ҳукумат қарори билан фермерларга ер ажратила бошланди. 1994 йилда Сурхондарё вилоятидаги дехқон-фермер хўжаликлари сони 1,9 баробарга кўпайди ва йил охирида 25 мингтани ташкил этди. Шундан 10 минг хўжалик чорвачиликка ихтисослашган эди. Фермер хўжаликларига тегишли экинзорларнинг умумий майдони 1994 йилда 1993 йилга нисбатан 2,7 ортди<sup>44</sup>.

Аграр ислоҳотлар бошланган илк йилларда республикамиз жанубий вилоятларида фермер хўжаликларига бўлган эътибор анча суст эди. Негаки, республика аграр тармоғида фермерлик жараёни эндиғина бошланган, ҳали етарлича тажриба тўпланмаган, унинг афзаллик томони тўлиғича намоён бўлмаган, қолаверса, совет давридан қолган эскича фикрлаш сакланиб қолган эди. Бу ҳолатлар янги ташкил этилган фермер хўжаликларини моддий-техник қувватига ҳам салбий таъсир кўрсатди<sup>45</sup>. Қолаверса, қишлоқ хўжалигида тўпланиб қолган муаммолар аграр соҳадаги давлат дастурлари бажарилишига ва уни мутахассислар билан таъминлаш жараёнига тўсқинлик қилди. Кўпгина хўжалик раҳбарлари янги ташкил этилаётган фермер хўжаликларига сув чиқиши қийин бўлган, шўрланган, тошлоқ, унумдорлиги паст ерларни ажратиб бера бошладилар. Бу нарса айрим раҳбарларнинг бозор иқтисодиёти

<sup>44</sup> Сурхондарё вилоят ҳокимлиги. Иқтисодиёт ва статистика бош бошқармаси. Биринчи китоб. –Термиз, 1996. –Б. 1-17.

<sup>45</sup> Хомитов К.З. Малакали аграр меҳнат бозорининг шаклланиши (Қашқадарё вилояти мисолида) Икт. фан. ном. ...дисс. – Тошкент, 1999. – Б.120.

қонунларни тушуниб етмаганлиги, унинг асл моҳиятини, шарт ва талаблари, маъно ва мазмунини англамаслиги туфайли содир бўлди. Жойларда шунчаки номига хусусий мулкка айлантириш ҳолатлари учради.

Фермер хўжаликларини аграр соҳа мутахассислари билан таъминлаш жараёни оғир кечди. Қишлоқ хўжалигига умуман алоқаси бўлмаган бошка соҳа вакиллари кириб келиши бунга мисол бўлди. Мутахассислиги бўлмаган тасодифий шахсларнинг таниш-билиш қилиб аграр соҳага кириб келиши қишлоқ хўжалигини мукаммал биладиган кишиларнинг четлатилишига олиб келди. Бунинг оқибати жуда оғир бўлди. Тасодифан қишлоқ хўжалигига кириб келган қурилиш, саноат, тиббиёт, халқ таълими, бошқарув тизимидағи ходимларнинг фермер хўжалиги ишларини тушинмаганлиги ва ташкил эта олмаганлиги туфайли қишлоқ хўжалигига режалаштирилган давлат шартномалари бажарилмай қолди. Натижада, 1995 йилда фермерларнинг дебитор қарзлари 1 миллион 300 минг сўмдан ошиб кетди. Бу эса фермер хўжаликларининг сонига салбий таъсир кўрсатди. Жумладан, 1992 йилда Қашқадарё вилоятида мавжуд 2476 та фермер хўжаликлари сон жиҳатдан кескин қисқарди ва 1995 йилнинг 1 ноябрь ҳолати бўйича 765 тага тушиб кетди<sup>46</sup>.

Шу билан бирга, бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида жамоа хўжаликлари ўзларининг самарасиз эканлигини тобора яққол намойиш эта бошлади. Жамоа хўжаликлари аъзоларининг объектив ва субъектив сабабларга кўра ойлаб, ҳатто йиллаб иш хақи ололмаслиги меҳнат унумдорлигига салбий таъсир кўрсатди. Бу эса, пахта ва ғалла ҳосилдорлигининг тушиб кетишига сабаб бўлди. Масалан, 1994 йили Сурхондарё вилоят қишлоқ хўжалиги режада белгиланган маҳсулотнинг 75 фоизини, 1995 йилда эса 77 фоизини ишлаб чиқарди<sup>47</sup>. 1995 йилда Қашқадарёда 14,8 минг тонна ғалла йиғиб олинмасдан

<sup>46</sup> Каримов И. Халқ депутатлари Қашқадарё вилояти Кенгаши сессиясида сўзланган нутқ. 1995 йил 29 ноябрь // Бунёдкорлик йўлидан. Асарлар тўплами, 4-жилд. –Тошкент: Ўзбекистон. 1996. –Б. 144.

<sup>47</sup> Сурхондарё вилоят ҳокимлиги жорий архиви, 10-баённома, 5-хужжат, 1996 йил, 25 февраль. –Б. 25.

далада қолиб кетди. Ғалла етиштириш асосан экин майдонларининг кенгайиши хисобига тўғри келди ва гектарига 14,7 центнерни ташкил қилди<sup>48</sup>.

1995 йили Республикада пахта бўйича ўртacha ҳосилдорлик 26,4 ц/га, 1996 йили эса 22,6 центнерни ташкил этди. 1996 йили Андижон вилоятида ўртacha 28,7 ц/га, Бухорода 28,6 ц/га, Сурхондарёда 31 центнердан ҳосил олингани ҳолда бу кўрсаткич Жиззах вилоятида 12,6 ц/га, Сирдарёда 14,2 ц/га, Самарқандда 22,1 центнердан ошмаган.

Ғаллачиликда ҳам ана шундай манзарани кўриш мумкин. Масалан, Андижонда вилоят бўйича гектарига 65,5 центнердан ғалла етиштирилди. Шу вилоятнинг Марҳамат тумани Қорабоев номидаги жамоа хўжалигида 87 ц/га, Шаҳриҳон туманидаги «Бўстон» жамоа хўжалигида 76,4 центнердан ҳосил олинган. Қашқадарё вилояти Ғузор туманидаги «Янгикент» жамоа хўжалигида эса 11,7 ц/га, Самарқанд вилояти Ғўзалкент тумани «Қурилиш» жамоа хўжалигида 8,7 ц/га, Сурхондарё вилояти Шеробод туманидаги «Ўзбекистон» жамоа хўжалигида бу рақам 18 центнерни ташкил этган<sup>49</sup>.

Жамоа хўжаликлари зарар кўриб ишлаётган вактда фермер хўжаликлари аксинча, фойда билан чиқишар эди. Шуни хисобга олган республикамиз ҳукумати фермерликни қўллаб-куватлашга қарор қилди.

Республикамиз қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 1998 йил 18 марта қабул қилинган «1998 - 2000 йиллардаги даврда қишлоқ хўжалигидаги иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш дастури тўғрисида»ги ПФ-1978-сонли Фармони<sup>50</sup>, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1998 йил 30 апрелда бўлиб ўтган XI сессиясида қабул қилинган янги таҳрирдаги «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги қонун муҳим аҳамият касб этди. Ушбу ҳужжатлар Ўзбекистонда фермер хўжаликларининг хуқуқий мақомини белгилаб берди.

<sup>48</sup> Каримов И.А. Бунёдкорлик йўлидан. Асарлар тўплами, 4-жилд. –Б. 144-145.

<sup>49</sup> Каримов И.А. Ислоҳотлар ҳаётни, ҳаёт эса тафаккурни ўзгартиради// Хавфсизлик ва баркарорлик йўлида. Асарлар. 6-жилд. –Тошкент: Ўзбекистон, 1998. –Б. 338.

<sup>50</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 й., 4-сон, 59-модда.

Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари қишлоқ хўжалиги 2000-2005 йилларда жуда катта ўзгаришлар жараёнини ўз бошидан кечирди<sup>51</sup>. Шу йилларда жанубий худудларда мелиорация ишларининг яхшиланиши, суғориш иншоотларининг таъмирланиши, эскириб қолган сув-насос станциялари модернизация қилиниши натижасида суғориладиган ер майдонларининг ҳажми кўпайди. Қашқадарёлик дехқонлар 2002 йилда ноқулай об-ҳавога қарамай мамлакатимизда энг кўп – 684 минг тоннадан зиёд ғалла, 420 минг тоннадан ортиқ пахта ҳосили етиштирдилар<sup>52</sup>. 2001 йилги маълумотга кўра, Сурхондарё вилоятидаги қишлоқ хўжалиги ташкилотлари ва фермерлар ихтиёридаги жами экин майдонлари 239 526 гектарни ташкил этган бўлса, 2003 йилда келиб бу кўрсаткич 246 147 гектарга етди<sup>53</sup>.

Сурхондарёда фермер хўжаликларига ажратилаётган ер майдонлари ўсиб бораётган вақтда Қашқадарё вилоятининг Ғузор туманида аксинча, қисқариб борганлиги кузатилди. Чунончи, фермерлар ихтиёридаги жами экин майдонлари 1991 йилда 15682 гектар, 1995 йилда 15298 гектар, 1998 йилда 15769 гектар, 2000 йилда 15479 гектар, 2002 йилда эса 15126 гектарни ташкил этди<sup>54</sup>. Бунинг асосий сабаби, ирригация ва мелиорация ишларининг тўғри йўлга қўйилмаганлиги эди. Ерларнинг шўрланиши, сув етишмовчилиги экин майдонлари ҳажмининг қисқартирилишига олиб келди.

Фермер ва ширкат хўжаликлари бир вақтда фаолият юритган даврда фермер хўжаликлидаги меҳнат ва маҳсулот етиштириш ширкат хўжалигига нисбатан анча ўсишга эришганлиги қуйидаги рақамларда кўриш мумкин. Сурхондарё вилоят ширкат хўжаликлари 2001 йилда 64095 тонна полиз маҳсулотлари етиштирган бўлса, 2005 йилда келиб 63548 тоннага пасайди. Фермер хўжаликлари 2001 йилда 3211 тонна полиз маҳсулотлари етиштирган бўлсалар, 2005 йилда келиб бу рақам 3788 тоннага етказилди. Ширкат

<sup>51</sup> Қашқадарё вилояти хокимлиги жорий архиви материаллари: Халқ депутатлари Қашқадарё вилояти Кенгашининг сессияси материаллари. 2006 йил, 26 январь. –Б. 4.

<sup>52</sup> Каримов И. Қашқадарё воҳасининг зумрад гавҳари. Шахрисабзнинг 2700 йиллигига бағишиланган тантанали маросимдаги нутқи. 2002 йил 1 ноябрь //Биз танлаган йўл — демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. Асарлар тўплами, 11-жилд. –Тошкент: Ўзбекистон, 2003. –Б. 37.

<sup>53</sup> Сурхондарё вилоят хокимлиги Иктисадиёт ва статистика бош бошқармаси. Иккинчи китоб. –Термиз, 2010. –Б. 9.

<sup>54</sup> Косон туман ҳокимияти жорий архиви. 1991-2008 йиллар, 9-жилд, 37-хужжат. –Б. 16.

хўжаликлари 2001 йил вилоятда 48941 тонна хўл мева топширишган бўлса, 2005 йилга келиб 44814 тоннага камайган. Фермер хўжаликларида 2001 йил 14489 тонна хўл мева етиштирган бўлсалар, 2005 йилга келиб 16632 тоннадан ошди<sup>55</sup>.

Шу билан бирга, ширкат хўжаликлари хам ўз фаолиятларини яхшилаб, давлатга кўпроқ маҳсулот етказиб бера бошладилар. Чунончи, 2003 йилда Сурхондарёдаги ширкат хўжаликларида 522857 тонна дон маҳсулотлари етиштирилган бўлса, фермер хўжаликларида бу кўрсаткич 422946 тоннани ташкил қилди. 2005 йилда ширкат хўжаликлари 571625 тонна дон, 86672 тонна картошка, 235892 тонна сабзавот, 36548 тонна полиз маҳсулотларини етказиб беришган бўлсалар, фермер хўжаликлари 466819 тонна дон, 659 тонна картошка, 11029 тонна сабзавот, 3788 тонна полиз маҳсулотларини топширишди<sup>56</sup>.

Гарчи, 2003-2007 йилларда ширкат хўжаликлари маҳсулот етиштиришни кўпайтирган бўлсаларда, бу тармоқ ривожланмай қолди. Сабаби, ширкат хўжаликлари эскича иш юритишдан воз кечмаган, рентабеллик даражаси паст, бунинг устига давлат учун анча қимматга тушар эди. Шунинг учун асосий эътибор фермер хўжаликларига қаратилди.

Фермер хўжаликларини янада юксалтиришда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 5 январдаги «Қишлоқ хўжалиги корхоналарини фермер хўжаликларига айлантириш чора-тадбирлари тўғриси»даги 8-сонли<sup>57</sup> ҳамда 2003 йил 30 октябрдаги «2004-2006 йилларда фермер хўжаликларини ривожлантириш концепциясини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 476-сонли<sup>58</sup> қарорлари муҳим аҳамиятга эга бўлди. Чунончи, Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 5 январдаги 8-сонли қарорига асосан Сурхондарёда 4 та: Шеробод туманининг «Истиқбол», Бандиҳон туманининг «Хўжаипок», Музработ туманининг «А.Икромов» ва Шўрчи

<sup>55</sup> Сурхондарё вилоят ҳокимлиги Иктисадиёт ва статистика бош бошқармаси. Иккинчи китоб. –Термиз, 2010. –Б. 48.

<sup>56</sup> Сурхондарё вилоят ҳокимлиги Иктисадиёт ва статистика бош бошқармаси. Иккинчи китоб. –Термиз, 2010. –Б. 32, 52.

<sup>57</sup> Ўзбекистон Республикаси конун хўжатлари тўплами, 2002 й., 1-сон, 8-модда

<sup>58</sup> Ўзбекистон Республикаси конун хўжатлари тўплами, 2003 й., 20-сон, 200-модда.

туманининг «Г.Ниёзов» хўжаликлари негизида 69 та фермер хўжаликлари ташкил этилди. Янгидан ташкил этилган фермер хўжаликларига хизмат қилиш учун иккита мини банк, тўртта ёнилғи қўйиш, тўртта кимёвий маҳсулотлар сотиши шохобчаси, тўртта муқобил МТП ва тўртта сувдан фойдаланувчилар уюшмаси ташкил этилди<sup>59</sup>.

Фермер хўжаликларининг афзалиги Сурхондарё вилоятидаги «Сурхон» сувдан фойдаланувчи фермерлар уюшмаси (СФУ) мисолида кўринди. Уюшма аъзолари 2003 йилда пахтачилик, ғаллачилик, умуман барча тармоқлардан 2 миллиард сўмдан кўпроқ даромад кўришиди. «Сурхон» СФУ давлат тасарруфида бўлган кезларда 8 минг тоннадан кўпроқ пахта етиштиришган бўлса, фермерлик жамоаларига ўтилганидан сўнг ҳам маҳсулот ишлаб чиқариш хажми камаймади. 2003 йили 2284 гектар майдонда ғўза ўстирган 117 та фермерлик жамоаларининг баракали меҳнати туфайли далалардан режалаштирилган 7750 ўрнига 9850 тонна сифатли хом-ашё йиғишириб олинди<sup>60</sup>.

«Сурхон» СФУ меҳнаткашлари ғаллачиликда ҳам сезиларли ютуқларни кўлга киритишиди. 2003 йилда 5900 тонна дон етиштирилиб, белгиланган режа ортиғи билан уddaланди. Доннинг бир қисми уни яратган деҳқонларга бўнак сифатида, бир қисми эса иш ҳақи сифатида тарқатилди. Фақат ғаллачиликнинг ўзидан 347 миллион сўмдан кўпроқ даромад кўрилди<sup>61</sup>.

Фермер хўжаликлари эришаётган ютуқлар Республика жанубий худудларида фермер хўжаликларини ташкил этиш суръатларини тезлаштириди. Сурхондарё вилоятида 2001 йили 3438 та фермер хўжалиги ташкил этилган бўлса, бу кўрсаткич 2005 йилда келиб 6677 тага етди. Вилоятда фермер хўжаликларининг ер майдони ҳам кўпайиб, 2001 йилги 69827 гектардан 2005 йилги 256865 гектарга етди. Статистик маълумотларга қараганда, 2005 йилда фермер хўжаликларининг жами суғориладиган экин майдонлари 135516

<sup>59</sup> Сурхондарё вилоят ҳокимлиги жорий архиви. 6-баённома, 2-хужжат, 2006 йил, 13 февраль. –Б. 19.

<sup>60</sup> Жарқўргон туман ҳокимияти жорий архиви. 2000-2010 йиллар. 4-китоб. –Б.13.

<sup>61</sup> Сурхондарё вилоят ҳокимлиги жорий архиви. 4-баённома, 13-хужжат, 2004 йил, 2 февраль. –Б. 3.

гектарни ташкил этиб, шундан 57034 гектарига донли экинлар, 72141 гектар ерга пахта экилди<sup>62</sup>.

Қашқадарё вилоятида хам фермер хўжаликларини ташкил этиш ишлари жадаллашди. 2005 йилда 791 та фермер хўжалиги ташкил топиб, улар қишлоқ хўжалигининг асосий бўғинига айланди. Яккабоғ туманининг иқтисодий салоҳияти ошиб, 2005 йил якуни бўйича ғалладан олинган даромади 2 млрд 779 млн сўмни, соф фойда 460 млн 900 минг сўмни, рентабеллик даражаси 20 фоизни ташкил килди. Жумладан: «Ишонч» фермер хўжалиги 2005 йил якуни бўйича 32 гектар ғалла майдонидан 65 центнердан, «Шоймардон ўғли» фермер хўжалиги эса 151 гектар ғалла майдонидан 60 центнердан ҳосил этиштириб, ишлаб чиқариш режасини 845 тоннага бажарди<sup>63</sup>.

Сурхондарё ва Қашқадарё фермерлари Ўзбекистон ғалла мустақиллигини таъминлашда катта ҳисса қўшишди. Маълумки, юртимиз мустақилликка эришган кундан бошлаб озиқ-овқат хавфсизлигига алоҳида эътибор қаратди. Бунинг учун аграр соҳада пахта якка ҳокимлигидан воз кечилиб, пахта майдонлари 2 миллион гектардан 1,5 миллион гектарга қисқартирилди, донли экинлар майдони 1,2 миллионга гектарга кенгайтирилди<sup>64</sup>.

2006 йилнинг 19 июль ҳолатига кўра, Ўзбекистонда 6,1 миллион тоннадан зиёд ғалла ҳосили олинди. Мамлакатимизда 1991 йилга нисбатан ғаллачиликдаги ҳосилдорлик 4,5 баробар, ялпи ҳосил миқдори эса 6,5 баробар ошиди. Етиштирилган ҳосилнинг 84 фоизи фермер хўжаликларига тўғри келди<sup>65</sup>. 2007 йилда эса ғалла ҳосилдорлигини ошириш ҳисобига 6 миллион 250 минг тонна дон олишга муваффақ бўлинди. Ўзбекистон бўйича суғориладиган ерлардан ҳосилдорлик гектарига ўртacha 48 центнерни ташкил этиб, ўтган йилга нисбатан 4 фоизга ўсади. Ҳосилдорлик даражаси Андижон вилоятида 60

<sup>62</sup> Сурхондарё вилоят ҳокимлиги жорий архиви. 6-баённома, 3-хужжат, 2010 йил, 10 июнь. –Б. 43.

<sup>63</sup> Қашқадарё вилоят ҳокимлиги Иқтисодиёт ва статистика бош бошқармаси. Иккинчи китоб. –Қарши. 2010. –Б. 26.

<sup>64</sup> Ўзбекистон Миллий архиви, 1619-фонд, 2-рўйхат, 62-хужжат, 154-варак.

<sup>65</sup> Каримов И. Ўзбекистон ғаллакорларига // Инсон, унинг хукуқ ва эркинликлари олий кадрият. Асарлар тўплами. 14-жилд. Тошкент: Ўзбекистон, 2006. –Б. 271-273.

центнер, Қашқадарё, Самарқанд ва Фарғона вилоятларида 50 центнердан ортиқ, Сариосиё, Денов, Китоб, Яккабоғ туманларида 55-60 центнердан ортиқ бўлди<sup>66</sup>.

Республикамизда ўтказилган ислоҳотлар натижасида фермер хўжаликлари қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг барча турларини етиштириб, юртимиз дастурхони тўкин бўлишига ҳисса қўшдилар. Фермерлар сон жиҳатдан кўпайиб, 2006 йилда Республика бўйича 190 мингга яқинлашди. Уларда жалб этилган қишлоқ хўжалиги мутахассисларининг умумий сони 1,4 миллион кишига етди. Биргина 2006 йилнинг ўзида 666 та ширкат хўжалигини қайта ташкил этиш ҳисобидан 74 мингта фермер хўжалиги тузилди, уларнинг ярмидан кўпи мева-савзавотчиликка ихтисослашди. Мева-савзавотчилик билан шуғулланадиган 200 та агрофирма ташкил этилди<sup>67</sup>.

Қашқадарё вилояти фермер хўжаликларини моддий – техник таъминлаш ва молиялаш учун катта микдорда моддий ресурс ва маблағлар ажратилди. 2008 йилда қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг энг муҳим турларини етиштириш учун 1 триллион сўм, шу жумладан, пахта тайёрлашга -800 миллиард сўм, ғалла этиштиришга 200 миллиард сўм маблағ аванс тариқасида берилди<sup>68</sup>.

Сурхондарё вилоят фермер хўжаликлари лизинг компанияси хизматларидан унумли фойдаландилар. Биргина 2009 йилнинг 4 ойи ичida вилоятга 800 тадан зиёд техника олиб келинди. Айтиш керакки, лизингга харид қилинадиган техника воситалари тўлов муддати узайтирилди. Фермер оладиган техникаси қийматининг 25 фоизини олдиндан тўлайди. Колган қисмини ўн йил муддатда пешма-пеш узиб боради<sup>69</sup>.

Сурхондарё вилояти фермерлари 2010 йилда 36419 тонна дон, 12608 тонна картошка, 904 тонна узум, 5970 тонна мева, 35148 тонна сабзавот тайёрланиб давлатга топширилди. Шу йили вилоятдаги 600 га яқин фермер хўжалигида

<sup>66</sup> Каримов И. Ўзбекистон ғаллакорларига // Жамиятимизни эркинлаштириш, ислоҳотларни чуқурлаштириш, маънавиятимизни юксалтириш, халқимизнинг хаёт даражасини ошириш – барча ишларимизнинг мезони ва мақсадидир. Асарлар тўплами. 15-жилд. Тошкент: Ўзбекистон, 2007. –Б. 272.

<sup>67</sup> Каримов И.А. Бунёдкор халқимиз азму шиҷоатининг амалдаги ифодаси. Асарлар тўплами, 15 жилд. – Тошкент: Ўзбекистон. –2007. –Б. 162.

<sup>68</sup> Қашқадарё вилоят ҳокимлиги жорий архиви, 5-баённома, 12-хужжат, 2009 йил, 12 февраль. –Б. 13.

<sup>69</sup> «Сурхон тонги» газетаси. 2009 йил 18 май.

18742 киши фаолият кўрсатди ва 81257,3 миллион сўмлик қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқарилди.

2011 йилда Ўзбекистонда рекорд даражада, яъни, 6,8 миллион тоннага яқин ғалла олди. Унинг 6,7 миллион тоннаси суғориладиган ерлардан олинди. 2011 йилги мавсумда Денов, Сариосиё, Китоб туманларида ҳосилдорлик 60 центнердан юқори бўлди. Сариосиё туманидаги «Ҳайитали Боймуҳаммедов» фермер хўжалиги гектаридан 88 центнердан ҳосил олишга муваффак бўлди. Агар 1991 йилда юртимизда 940 минг тонна ғалла етиштирилиб, ҳосилдорлик 17 центнерни ташкил қилган бўлса, 2011 йилда тайёрланган дон маҳсулотининг умумий ҳажми 7 баробардан зиёд, ҳосилдорлик эса 3 карра ошди<sup>70</sup>.

Фермерларнинг бевосита фаолияти натижасида мавжуд боғлар тикланди. Мевали дараҳтларнинг интенсив навлари яратилиши туфайли ҳосилдорлик тўрт-беш баравар ошди. Шу боис Сурхондарё вилоятида 2010 йилда боғдорчиликга ижтисослаштирилган 1500 дан ортиқ фермер хўжаликлари ижобий ютуқларга эришди. Жумладан, Қумқўрғон туманидаги «Чорвадор» фермер хўжалиги «Микро кредит банк»нинг 400 миллион сўмлик кредити эвазига 12 гектар майдонда интенсив боғ яратиб, бу ерда олманинг карлик (пакана) ва ярим карлик навларидан юқори ҳосил олишга эришди. Ушбу навлар маҳаллий тупроқ-иқлим шароитига тезда мослашиб, гектарига 400-500 центнергача ҳосил берди<sup>71</sup>. Шунингдек, Сариосиё туманидаги «Дашнобод» ва «Миробод Сурхон» агро фирмалари ҳам шу усулда янги боғлар барпо этилди. 2010 йил Сурхондарё вилоятида мевали боғ ва токзорлар 603 гектарга кенгайтирилади, жумладан, 263 гектарида янги боғлар яратилиб, 523 гектар ер реконструкция қилинди<sup>72</sup>.

Изчиллик билан амалга оширилаётган ислоҳотлар натижасида кейинги йилларда иқтисодиётнинг ҳам барча тармоқларида барқарор ўсишга эришилди. Бу жараёнда банкларнинг кўмаги катта бўлди. «Агробанк»нинг Қашқадарё

<sup>70</sup> Каримов И. Ўзбекистон ғаллакорларига // Демократик ислоҳотларни янада чукурлаштириш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш-мамлакатимиз тараққиётининг асосий мезонидир. Асарлар. 19-жилд. –Тошкент: Ўзбекистон, 2011. –Б. 193-195.

<sup>71</sup> Сурхондарё вилоят ҳокимлиги жорий архиви. 6-баённома, 3-хужжат, 2011 йил, 27 январь. –Б. 15.

<sup>72</sup>«Халқ сўзи» газетаси. 2011 йил 19 март, №55 (5222).

вилояти бошқармаси вилоят дәхқон ва фермерларининг полиз, мева ва сабзавот етишириш, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш ҳамда экспорт қилиш хажмини янада ошириш, ички истеъмол бозорини турли хил маҳсулотлар билан тўлдириш, янги токзор ва интенсив боғлар ташкил этиш лойиҳаларини молиявий жиҳатдан қўллаб-куватлади. Жумладан, 2010 йилда туманлар худудида 9 та фермер хўжалигига боғ ташкил этиб мевали кўчатлар учун 292 млн. сўм микдорида кредит ажратди<sup>73</sup>.

«Қишлоққурилишбанк»нинг Сурхондарё вилояти минтақавий бўлими 2010 йилда воҳа фермерларига ғалла етиширишлари учун беш миллиард сўм кредит ажратилди. Бошқарма ва унинг филиаллари томонидан қишлоқ хўжалиги ва унга хизмат кўрсатувчи корхоналарга пахта ҳосилини етишириш учун бўнак тариқасида қарийб 16 миллиард сўм имтиёзли кредит берилди. Шунингдек, қишлоқ хўжалиги корхоналарига техника воситалари сотиб олиш учун салкам етти миллиард сўмлик банк кредитлари ажратилди. 2010 йилда вилоят бўйича жами 1229 та фермер хўжаликларига бошқарма томонидан банк хизматлари кўрсатилди ва фермер хўжаликларига 500 млн. сўмга ўн дона «Белорус-Х-80» трактори, 260 млн. сўмга олти дона «БТ-150» занжирли трактори, 620 млн. сўмга 16 дона «МТЗ-80» русумли, 450 млн. сўмга 15 та «ТТЗ-80.11» русумли трактор олиб берилди<sup>74</sup>.

Бойсундаги «Жийдали Бойсун» масъулияти чекланган жамияти 2013 йили 50 миллион сўмлик банк кредити ва 25 миллион сўмлик ўз маблаги хисобидан корхонага Хитойнинг «XINLANG XIRALI INTERNATIONAL LOGISTICS CO. LTD» компаниясидан пластмасса идишлар ишлаб чиқариш технологияси келтирилди. Бу эса воҳадаги боғдорчиликка ихтисослаштирилган фермер хўжаликлари ҳамда ишлаб чиқариш корхоналарига маҳсулот ортиш ва жўнатишда фойдаланиладиган қулай ҳамда ихчам пластмасса идишлар ҳам етказиб бериш учун қулай имкониятлар яратди<sup>75</sup>.

<sup>73</sup> Қашқадарё вилоят хокимлиги жорий архиви, 2-баённома, 3-хўжжат, 2011 йил, 12 февраль. –Б. 3.

<sup>74</sup> «Ўзбекистон овози» газетаси 2011 йил 3-март.

<sup>75</sup> «Халқ сўзи» газетаси, 2013 йил 21 сентябрь №187.

«Қишлоққурилишбанк» ўз фаолияти давомида чорвачилик, балиқчилик, паррандачилик ва асаларичиликка ҳам катта эътибор берди. Хусусан, Шеробод туманидаги «Ўскин Аҳмедов» фермер хўжалиги 2015 йилда банқдан олинган 50 млн. сўмлик кредит эвазига сутни қайта ишлаш цехини қурди. Жарқўрғон туманидаги «Мустақиллик» фермер хўжалигига ҳам ана шундай корхона ташкил қилинди. Унга банк томонидан 65 млн. сўм имтиёзли кредит ажратилди. 2015 йида ҳар икки корхонада 8 турдаги сут маҳсулотлари ишлаб чиқарилди. Бир кеча-кундузда 1,7 тонна сут қайта ишланди. 25 нафар қишлоқ ёшлари иш билан таъминланди<sup>76</sup>.

Банклар томонидан паррандачиликни ривожлантиришга ҳам катта эътибор қаратилди. 2015 йилда Қашқадарё вилоятида жами миқдори 413 млн. сўм бўлган тўртта лойиха амалга оширилди. 2015 йилда 10,9 тонна парранда гўшти ва бир кеча-кундузда 8420 дона тухум етиштиришга мўлжалланган лойихаларнинг 313 млн. сўмини «Агробанк» ОАТБ Қашқадарё вилояти бошқармаси молиялаштириди. Натижада 78 та янги иш ўрни яратилди<sup>77</sup>.

«Қишлоққурилишбанк»нинг Қашқадарё вилояти минтақавий бўлими томонидан 2015 йили Шахрисабз туманидаги «Шахрисабз» фермер хўжалигига тақдим этилган 100 миллион сўм кредит эвазига паррандачилик мажмуаси ташкил этилди. Натижада, кўплаб парҳез гўшт ва тухум етиштирилиб, воҳа ахолисига етказиб берилди.

2015 йили Қашқадарё вилоятидаги мавжуд сув ҳавзаларидан оқилона фойдаланиш, аҳолини арzon балиқ маҳсулотлари билан таъминлаш йўлида ҳам қатор ишлар амалга оширилди. Йилига 60 тонна балиқ етиштиришга мўлжалланган, жами қиймати 120 миллион сўмлик лойиҳанинг 50 миллион сўми банк томонидан молиялаштирилди. Китоб туманидаги «Нурли истиқбол» фермер хўжалигига балиқчиликни ривожлантириш учун 50 млн. сўм кредит берилганди. Шу боис хўжалик фаолияти ривожланди. 10 та янги иш ўрни яратилди<sup>78</sup>.

<sup>76</sup> Сурхондарё вилоят ҳокимлиги жорий архиви, 6-баённома, 3-хужжат, 2015 йил, 12 февраль. –Б. 13.

<sup>77</sup> Қашқадарё вилоят ҳокимлиги жорий архиви, 2-баённома, 3-хужжат, 2015 йил, 3 февраль. –Б. 12.

<sup>78</sup> Қашқадарё вилоят ҳокимлиги жорий архиви, 2-баённома, 3-хужжат, 2015 йил, 3 февраль. –Б. 15.

Муборак туманида эса якка тадбиркор Ҳамидулло Носиров асаларичиликни ривожлантириш учун банқдан 10 млн. сўм кредит олди. Аҳолини қиши мавсумида арzon қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан таъминлаш мақсадида умумий миқдори 600 млн. сўмлик лойиҳа тайёрланди. «Қишлоқкурилишбанк»нинг Қашқадарё вилояти минтақавий бўлими томонидан 2015 йилда унинг 242,5 млн. сўми лойиҳалаштирилди. 5,7 гектарлик иссиқхонада 221 тонна сабзавот маҳсулотлари ва 1,2 тонна цитрус мевалар етиширилди. Натижада 52 та янги иш ўрни яратилди. Яккабоғ туманидаги «Миришкор дехқон» фермер хўжалигига 100 млн. сўм, Гузор туманидаги «Бунёдкор» МЧЖга 60 млн. сўм ва Чироқчи туманидаги «Алимардон Аслидинов» хусусий корхонасига 32,5 млн. сўм кредит берилганлиги натижасида вилоятда кўплаб иссиқхоналар бунёд этилди<sup>79</sup>.

Олиб борилган тадқиқотлар натижасида фермер хўжаликларининг ривожланишига халақит берувчи қуйидаги ҳолатлар аниқланди:

1. Фермер хўжаликларини ташкил этишда кадрлар танловида жиддий хатоликларга йўл қўйилди. Агар 1991-1994 йилларда фермерликка танишибилиш орқали номутахассис кишилар кириб келган бўлса, 2004-2007 йиллардаги танловлар шошма-шошарлик билан ўтказилиши оқибатида бу тармоқка яна аграр соҳага мутлақо алоқаси бўлмаган кишилар жойлашиб олишди. Бу хам етмагандек, аграр соҳа мутахассисларининг катта қисми қишлоқ хўжалик тармоқларидан четлаштириб юборилди. Жойларда танишибилишчилик, порахўрлик, таъмагирлик сингари иллатлар авж олди. Бу ҳолатлар қишлоқ хўжалигининг умумий аҳволига салбий таъсир кўрсатди. Эътиборли томони, Данияда фермер хўжалиги ерларига эгалик қилиш (сотиб олиш) учун камида 5 йиллик маҳсус касбий тажриба талаб этилса, Ўзбекистонда бунга ҳеч ким аҳамият бермади<sup>80</sup>. Бу ҳолат давлат мажбуриятларини бажаришда қийинчиликларни келтириб чиқарди.

<sup>79</sup> Қашқадарё вилоят хокимлиги жорий архиви, 2-баённома, 3-хужжат, 2015 йил, 3 февраль. –Б. 16.

<sup>80</sup> Ражабов Ф.Т. Фермер хўжаликларининг ихтисослашуви ва худудий таркибини такомиллаштириш (Қашқадарё вилояти мисолида). География фанлари бўйича фалсафа доктори (phd) илмий даражасини олиш учун тайёрланган диссертация. –Тошкент, 2018. –Б. 37-38.

2007 йили дала шароитида Музрабод туманидаги Раим Бўриев номидаги ширкат хўжалиги негизида ташкил этилган фермер хўжаликлари фаолияти тадқиқ этилганда бир ариқдан сув ичувчи, тупроқ шароити бир хил бўлган иккита фермер хўжалиги таққослаб кўрилди.

Биринчиси – собиқ ўқитувчи бўлиб, «Юлдуз Махлиё» фермер хўжалигини ташкил этган. Фермер хўжалиги сув бошида жойлашган бўлиб, далаларни сувлашда ҳеч қандай қийинчиликка дуч келмаган. Давлат томонидан берилган минерал ўғитларни ўз вақтида олган. Лекин қишлоқ хўжалигига тажрибаси ва ўқуви бўлмаслиги оқибатида пахта ва ғалла тайёрлаш режасини бажармаган. 2007 йил 9 октябр ҳолати бўйича биринчи теримнинг ўзидан зўрға 30% пахта ҳосилини териб олган. Ҳеч қандай техникаси йўқ. Пахта мавсумида теримчиларга шароит қилиб беришда қийналиб қолган.

Иккинчиси – узок йиллар совхоз ва ширкат хўжалигига бўлим бошлиги бўлиб ишлаган олий маълумотли агроном Бўри Мўминов томонидан ташкил этилган фермер хўжалиги. Унинг даласи ариқнинг охирида жойлашган. Шу боис экинзорини сувлашда анча қийналган. Лекин тажриба ва малакаси юқори бўлганлигидан юқори даражада ҳосил олишга эриша олган. 2007 йил 6 октябрь ҳолати бўйича фермер хўжалиги биринчи теримнинг ўзидан 90% га бажарган. Диққатга сазовор томони, биринчи терим тугамай туриб, далада иккинчи терим пахталари ҳам очилиб тайёр бўлиб турган. Фермер ўша йили ғалла тайёрлаш режасини ҳам ортиғи билан бажарган. Фақат ғалладан олинган даромадидан 2007 йилда битта трактор ва иккита тиркама сотиб олган<sup>81</sup>.

Ушбу хўжаликдаги яна бир нечта фермер фаолияти ўрганилганда, уларнинг айримлари 8 синф маълумотига эга, қишлоқ хўжалиги, агрономия, бухгалтерия тугул, оддий математик ҳисобни ҳам тушунмайдиган кишилар эканлиги маълум бўлди. Бундай ҳолат ҳокимият вакилларида фермерлар ҳақида салбий фикрлар уйғонишига олиб келган.

2. Тайёрлов ва хизмат кўрсатувчи, таъминот идораларининг қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш юзасидан тузилган контрактация

<sup>81</sup> Дала маълумотлари. 2007 йил 6-9 октябрь. Сурхондарё вилояти Музработ тумани, Р.Бўриев номли ширкат хўжалиги.

шартномаларини ўз вақтида ижро этишмаган. Бунда фермерлар ўз вақтида ва етарли миқдорда ёқилғи ололмасликлари ишни ташкил этишда жиддий қийинчиликларни туғдирган. Бу эса, охир-оқибат ҳосилдорлик даражасига таъсир қилган. Айниқса, 2011-2016 йилларда кимёвий ўғитлар билан таъминловчи ташкилотлар йил бошида атайлаб минерал ўғитлар ва хизмат нархларини кўрсатмай фермерлар билан шартномалар тузишар, йил тугаган вақтда эса сифатсиз бажарилган ишлари учун фермерларга жуда катта суммадаги тўловларни юборишар эди. Ўз ҳақини талаб қилган ёки бунча катта тўловни рад қилган фермерларни судга бериш одатий ҳолга айланди. Оқибатда фермер хўжаликларида сунъий равища қарздорлик юзага келди.

3.Айрим вилоят ва туман ҳокимларининг фермер хўжаликлари ишига зўравонларча аралашуви. Бу ҳолат айниқса, пахта мавсуми вақтида яққол кузатилди. Одатда, биринчи теримдан сўнг одатда дала сувланиб, 20 кун давомида иккинчи теримга тайёрлаб қўйилади. Яхши пишириб терилган пахта 2 сортга қабул қилинади. Аммо фермерларга жуда кучли босим ўтказилиб, хали тайёр бўлмаган далага теримчилар туширилган ва давлат режасини бажаришга харакат қилинган. Оқибатда терилган пахта 5 сортга қабул қилинган. Шундан кейинги топширилган пахта учун ҳашарчилар мутлақо пул олишмаган. Чунки, улар терган пахта пишмаган, асосан хом кўрақдан иборат бўлган;

4.Банкларнинг фермерларга пул маблағлари ва кредитлар беришда ва улардан эркин фойдаланишда тўсиқларнинг мавжудлиги. Ачинарли томони, фермер банқда қанча пули бўлмасин, уни эмин-эркин тасарруф эта олмаган.

5.Фермерларнинг каттагина қисми бозор иқтисодиёти, банк-молия, савдо-сотик ва замонавий бошқарув ишлари бўйича етарлича билим, малака ва тушунчага эга эмас эдилар. Кўп ҳолларда, фермер хўжаликлари пухта режа тузмасдан ҳамда ўз имкониятларини ҳисобга олмаган ҳолда банклардан йирик миқдорда кредит олишган. Банк маблағларини нотўғри ишлатишлари оқибатида улар қарзини вақтида қайтара олмай, касод бўлиб қолишган. Бундай фермерларнинг айримлари олий маълумотли қишлоқ хўжалиги мутахасислари бўлганлиги алоҳида ташвиш уйғотар эди. Баъзи фермерлар банклардан олинган

кредитларни қишлоқ хўжалигига алоқаси бўлмаган бошқа ишларга сарфлаб, тўлолмай қолиш ҳолатлари ҳам учради.

6. Тоғли ҳудудларда чорвачилик фаолиятини бошлиётган фермерлар давлат томонидан етарлича қўллаб-куватланмади. Негаки, тоғли ҳудудларда об-ҳаво қулай бўлгандагина бемалол чорвачилик билан шуғулланиш мумкин. Курғоқчилик йиллари ёки қаттиқ совуқ бўлганда тоғли ҳудудларда чорвачилик килиб бўлмайди. Илгариги колхоз ва совхозлар ихтиёрида кенг яйловлар, суғориладиган майдонлар, ишчи кучи ҳамда транспорт воситалари бўлганлиги учун қийинчиликлар нисбатан осон бартараф этилар эди. Лекин колхоз ва совхозлар тугатилган вақтда улардаги мавжуд чорвачилик комплекслари ҳам тугатиб юборилди. Фермаларда боқилаётган чорва моллари кўп ҳолларда талон-тарож килинди. Бу боис янги ташкил этилаётган хўжаликлар ишни нолдан бошлашга мажбур бўлишган. Ушбу хўжаликларга ажратилган кредит маблағлари бир вақтнинг ўзида ферма биносини қуриш, юқ машиналари, чорва молларини сотиб олиш ва озукани тўплашга имкон бермаган. Бу маблағлар юқоридагилардан фақат бирига етар эди. Тоғдаги чорвадор хўжаликларга озуқа тўплаш учун суғориладиган майдонлардан ер ажратилмаган. Оқибатда, чорвадор фермерлар сотиб олинган чорвани сақлаш ва зарур бўлган озуқа билан таъминлай олмай қийналиб қолишган. Хусусан, 2008 йилги қаҳратон қишида Сурхондарё ва Қашқадарёнинг тоғли ҳудудларидағи қўргина чорвадорлар жуда қаттиқ азият чекишган. Ҳокимиятлар томонидан уларга ҳеч қандай амалий ёрдам кўрсатилмаган.

Фермерлик фаолиятидаги тўсиқлар хўжаликнинг ушбу турини тўлақонли ишлашига йўл қўймади. Натижада қишлоқдаги меҳнатга лаёқатли аҳолининг ярмига яқини қишлоқ хўжалигига меҳнат қилиш имкониятидан маҳрум бўлди. Қишлоқда ишсизлик кучайди. Қишлоқ хўжалигига олиб борилаётган ислоҳотлар жанубий ҳудудларда самарали натижаларини кўрсатмади. Жанубий ҳудудлар қишлоқ хўжалиги маҳсулоти ишлаб чиқаришни кучайтириш орқали аҳоли турмуш фаровонлиги ортишини тўлиқ таъминламади<sup>82</sup>. Сурхондарё ва

<sup>82</sup> Сурхондарё вилоят ҳокимлиги жорий архиви. 2-баённома, 13-хужжат, 2007 йил, 5 май. –Б.11.

Қашқадарё вилоятларидағи күплаб фермер хўжаликлари заарар кўриб ишлаганлиги боис хўжалик ишчиларига йиллаб иш ҳақи бера олмадилар. Ишчилар далага фақат ғўзапоя, озгина дон олиш ҳамда ғалладан бўшаган майдонда ёзги экинлар экиш умидида ишга чиқишар эди. Республика жанубидаги вилоятлар қишлоқ аҳолисининг турмуш даражаси пасайди. Буларнинг ҳаммаси жанубий вилоятлар қишлоқ хўжалигида инқирозли вазиятлар юзага келишига олиб келди.

Хулоса қилганда, бугунги қишлоқ хўжалик тараққиётида фермер хўжаликларининг ўрни бекиёс эканлигини таъкидламоқ лозим. Зеро хўжаликнинг ушбу шакли моддий манфаатдорлик асосида қурилиб, жамиятнинг иқтисодий ривожланишига муҳим ҳисса қўшади.

Ўзбекистонда ўtkазилган аграр ислоҳотлар босқичма-босқич амалга оширилди. Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларда эскича маъмурий-буйруқбозлик усулларидан воз кечилиб, янги типдаги хўжаликка ўтиш бошланди. Олдинги колхоз ва совхозлар ўрнига дехқон, ширкат ва фермер хўжаликлири ташкил этилди. Аҳолига томорқа учун ер тарқатила бошланди. Қишлоқ хўжалиги кооперативида оиласиб пудратдан кенг фойдаланилди. Аграр тармоқни техника билан таъминлаш учун лизинг хизматлари йўлга қўйилди. Янги ташкил этилаётган хўжаликларни молиявий жиҳатдан қўллаб-куватлаш учун уларга имтиёзли кредитлар тақдим этилди. Солик тўлашда хам фермер хўжаликлариға қатор имтиёзлар берилди. Энг муҳими, одамларнинг онгода ўзгаришлар содир бўлди. Дехқон келажакка умид билан қарай бошлади. Аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш анча яхшиланди.

Шу билан бирга, аграр ислоҳотларни ўтказишида муайян қийинчиликларга дуч келинди. Бунга эски тузумдан сақланиб қолган маъмурий-буйруқбозлик тизими сабаб бўлди. Бозор муносабатларига ўтиш шароитида хўжаликларнинг кўпчилиги инқироз ёқасига келиб қолди. Қишлоқ хўжалиги мутахассислари ойлаб, йиллаб иш ҳақи ололмасликлари туфайли бошқа ишга ўтиб кетишга мажбур бўлдилар. Қишлоқда оммавий ишсизлик юзага келди. Қишлоқ хўжалиги мутахассислари тириқчилик илинжида бошқа ишларга ўтиб кетишга,

кўпчилик ҳолларда, узок ҳорижга кетишга мажбур бўлдилар. Қолаверса, фермер хўжаликларини ташкил этиш тезлик билан амалга оширилганлиги боис, унга қишлоқ хўжалигига мутлақо алоқаси бўлмаган кишиларнинг кириб келди. Буларнинг барчаси ҳосилдорликнинг пасайишига, давлат режалари бажарилмаслигига, аҳоли фаровонлиги тушиб кетишига сабаб бўлди.

Бундан ташқари, дехқонлар ва фермерларнинг мулк ҳукуки жуда заиф ҳимояланган. Уларнинг фаолиятини тартибга солиш усуллари аслида совет тузумидан олинган бўлиб, бугунги бозор муносабатлари талабларига мутлақо жавоб бермайди. Шуларни ҳисобга олиб, Республика ҳукумати дехқон-фермер хўжаликлари ишини такомиллаштириш, уларга ҳукукий ёрдам кўрсатиш, молиявий-техник жиҳатдан кўмаклашиш учун зарур бўлган барча чораларни кўрмоқда. Фермерларнинг касбий малакасини ошириш мақсадида ҳар бир вилоят ва туманларда семинар ўқув машғулотлари ташкил этилмоқда. Фермер, дехқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларига қишлоқ хўжалик маҳсулотларини этиштириш ва сотиш ишларида, агротехник тадбирларни амалга ошириш ва шартномалар тузишда, маҳсулотларни хорижий мамлакатларга экспорт қилишда ҳар томонлама кўмаклашмоқда. Кўрилаётган чоралар қишлоқ хўжалигидаги ислоҳотларни изчил давом эттириш ва қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари турмушининг яхшиланишига хизмат қилмоқда.

## **II БОБ. АГРАР СОҲАДА МУТАХАССИСЛАР ТАЙЁРЛАШ ЖАРАЁНИ ВА УНДАГИ ТАРКИБИЙ ЎЗГАРИШЛАР**

### **2.1.Аграр соҳада ўрта бўғин мутахассисларини тайёрлаш механизмидаги ютуқлар ва муаммолар**

Мустабид тузум шароитида аграр соҳа мутахассисларига бўлган муносабат мустақилликнинг дастлабки йилларда ҳам сақланиб қолди. Мутахассисларни жой-жойига кўйиш, тарқатилган колхоз ва совхозлардаги ишчи-ходимларни иш билан таъминлаш ўз ҳолига ташлаб кўйилди. Ишсизликни олдини олиш учун деярли ҳеч қандай амалий тадбир ўтказилмади. Оқибатда, Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларида экин майдонларининг ҳосилдорлиги пасайди. Натижада, жамоа хўжаликларининг даромади кескин камайди. Бу ҳолат иш ҳақи беришни анча мураккаблаштириб, қишлоқ хўжалик ходимларининг моддий аҳволига салбий таъсир кўрсатди. Қишлоқ мутахассислари оғир меҳнати эвазига олган даромади билан рўзгорни тебратади. Қишлоқ хўжалик мутахассислари ўз ишидан манфаатдор бўлмаганлиги сабаб республика аҳолисини мева-полиз-сабзавот маҳсулотлари билан таъминлаш қийинлашди.

Ўзбекистон жанубидаги вилоятларда қишлоқ хўжалигининг инқизорига кўп жиҳатдан кадрлар етишмовчилиги ва уларни етарли даражада қўллаб-куватланмаслиги сабаб бўлди. Ўзбекистонда қишлоқ хўжалигини тараққий эттириш учун аграр соҳадаги олий ва ўрта маҳсус билим юртларида таълимни замон талаблари асосида юритиш зарур эди. Давр талабидан келиб чиқкан ҳолда 1994 йилда Термиз аграр коллажи ташкил этилди. Унда қишлоқ хўжалиги учун зарур бўлган ҳисобчилар, иқтисодчилар, ветеринар-врачлар, механизаторлар тайёрлаш йўлга кўйилди. Бироқ бу қишлоқ хўжалик кадрларини таъминлаш учун етарли эмас эди.

1991-1997 йилларда халқ таълимидағи энг катта муаммо 9-синфни битираётган болалар бўлди. 1997 йилги маълумот бўйича Республикаизда 9-синфни битираётганлар 450 минг нафар болани ташкил қилган. Уларнинг 250 минг нафарга яқини, яъни 55 фоизи 10-синфда ўқиши давом эттиради,

тахминан 100 минг нафари ҳунар-техника ёки маҳсус ўкув юртларига киради. Қолган 100 минг бола эса, умуман кўчада қолар эди. 11-синфни битираётганлардан 20-25 минг нафари, яъни ҳаммаси бўлиб, 10 фоизи олий ўкув юртларига ўқишига киради, қолган 90 фоизи эса на бир аниқ ихтисос, ва на бир касб-ҳунарни эгаллай олар эди<sup>83</sup>. Агар 1997 йилда Республика аҳолисининг ярмидан кўпроғи қишлоқ ҳудудларида яшashi инобатга олинса, аҳвол нечоғлик ташвишли бўлганлиги ўз-ўзидан маълум бўлар эди.

Кўрсатиб ўтилган муаммоларни ҳал этиш мақсадида 1997 йил 29 августда «Таълим тўғрисида»ги Қонун ва Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури қабул қилинди. Ушбу қонун ва Миллий дастурда белгиланган вазифаларни бажариш мақсадида республика бўйича академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларини барпо этиш ишлари жадаллик билан олиб борилди<sup>84</sup>.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 13 майдаги «Ўзбекистон Республикасида ўрта маҳсус, касб-ҳунар таълимини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 204-сонли қарори асосида «Ўзбекистон Республикасида ўрта маҳсус, касб-ҳунар таълими тўғрисида»ги низом тасдиқланди. Мазкур қарор бўйича академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларини ташкил этиш ишлари олиб борилди<sup>85</sup>.

Дастлабки касб-ҳунар коллежлари техникумлар, касб-ҳунар лицейлари, бизнес-мактаблар базасида очилди. 1998 йилда Термиз шаҳрида собиқ қурилиш лицейи ўрнида ташкил этилган Термиз озиқ-овқат саноати касб-ҳунар коллежи қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишловчи саноат корхоналари учун мутахассис тайёрлашга ихтисослаштирилди.

Республика миқёсида касб-ҳунар коллежларининг қурилиши авж олди. Уларнинг асосий қисми қишлоқ жойларига тўғри келди. Қишлоқларда асосий

<sup>83</sup> Каримов И. Баркамол авлод - Ўзбекистон тараккиётининг пойдевори // Хавфсизлик ва баркарорлик йўлида. Асарлар. 6-жилд. –Тошкент: Ўзбекистон, 1998. –Б. 309.

<sup>84</sup> «Таълим тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. 464-І-сон 29.08.1997. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 й., 9-сон, 225-модда; Кадрлар тайёрлаш Миллий Дастури. 1997 йил 29 август. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 й., 11-12-сон, 295-модда.

<sup>85</sup> Назарова Ҳ.М., Ҳамроқулов Ж. Ахолининг маълумотлилик даражаси ва уни жамиятнинг иқтисодий ва ижтимоий тараккиётидаги ўрни // Иқтисод ва молия. 2011, №8. –Б. 82.

ишлаб чиқарувчи тармоқ аграп соҳага тўғри келганлиги боис ҳар бир туманда қишлоқ хўжалиги ёки агросаноат қасб-хунар коллежлари ташкил этилди. Айрим йўналишлардаги коллежлар жойлардаги шарт-шароит йўқлиги боис қишлоқ хўжалик коллежларига айлантирилди. Жумладан, 1999 йилда Денов тумани Ўзбекистон жамоа хўжалиги Тортувли қишлоғида янги қуриладиган қурилиш йўналишидаги 450 ўринли қасб-хунар коллежи қишлоқ хўжалигига ўзгартирилди. Олтинсой туманидаги 10-сонли бизнес мактаби базасида қурилиш йўналиши бўйича барпо этилаётган 750 ўринли коллеж ҳам қишлоқ хўжалиги соҳасига айлантирилди<sup>86</sup>.

Янги ташкил этилаётган академик лицейлар ва қасб-хунар коллежларини юқори малакали мутахассислар билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратилди. Хусусан, 1999 йил 31 август ҳолати бўйича Деновдаги Юрчи қишлоқ хўжалик қасб-хунар коллежида 20 нафар ўқитувчи фаолият крсатиб, улардан 17 таси олий маълумотли, 3 киши ўрта маҳсус маълумотли мутахассис бўлган. Шунингдек, Термиз озиқ-овқат саноати коллежидаги 21 нафар ўқитувчидан 20 нафари олий маълумотли, 1 нафари ўрта маҳсус маълумотли; Кумкўрғон қишлоқ хўжалик коллежининг 14 нафар ўқитувчининг 13 таси олий, 1 нафари маълумотли; Кумкўрғон туманидаги Сайхон қишлоқ хўжалиги коллежида 27 нафар ўқитувчининг ҳаммасини олий маълумотли ўқитувчилар ташкил этган<sup>87</sup>.

Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятлари бўйича қасб-хунар коллежларининг сони йилдан-йилга ортиб борди. 1999 йил 18 июнь ҳолати бўйича Сурхондарё вилояти ўрта маҳсус қасб-хунар таълими тизимида 25579 нафар ўқувчи билим олган. Шундан 9384 нафари битирувчи бўлган. 1999/2000 ўкув йили учун 9685 ўрин ажратилган<sup>88</sup>. 2000 йил 1 сентябрь ҳолати бўйича Сурхондарё вилоятида 3090 ўринли 1 та академик лицей, 6 та коллеж (шундан 5 таси қишлоқ ва ўрмон хўжалигига ихтисослашган) биноси қурилиб ишга

<sup>86</sup> Сурхондарё вилояти давлат архиви, 564-фонд, 1-рўйхат, 17-иш, 178-варак.

<sup>87</sup> Сурхондарё вилояти давлат архиви, 564-фонд, 1-рўйхат, 17-иш, 168-171-вараклар.

<sup>88</sup> Сурхондарё вилояти давлат архиви, 564-фонд, 1-рўйхат, 17-иш, 165-варак.

туширилди. Улардаги ётоқхона ўринлари сони 675 та бўлиб, шундан 500 ўрин қишлоқ хўжалик касб-хунар коллежларига тўғри келди<sup>89</sup>.

Қишлоқ хўжалик коллежлари сони кўпайиши уларда ишловчи ходимлар сонининг ортишига имкон берди. Жумладан, 2000 йилда Сурхондарё вилоятининг янги очилган қишлоқ хўжалик коллежларига жами 395 нафар, 2001 йилда 726 нафар, 2002 йилда 236 нафар, 2003 йилда 542 нафар, 2004 йилда 578 нафар, 2005 йилда 307 нафар ўқитувчи қабул қилинди<sup>90</sup>. Амалга оширилган ишлар натижасида қишлоқларда олий маълумотли мутахассисларнинг сони кўпайиши ва ишсизликнинг маълум даражада пасайишига эришилди.

2010 йилда Сурхондарё вилоятининг Шеробод, Музробод, Қизириқ, Кумқўрғон, Жарқўрғон ва Олтинсой туманларидағи агросаноат касб-хунар коллежлари томонидан қишлоқ хўжалиги учун 1200 та кичик техник ходимлар тайёрлаб берилди<sup>91</sup>. 2010-2011 ўқув йилида Қашқадарё вилоятида 130 та касб-хунар коллежлари ва 7 та академик лицей фаолият юритди. Шулардан Ғузор, Яккабоғ, Муборак, Қамаши, Косон, Шахрисабз туманларидағи агросаноат касб-хунар коллежлари томонидан 1480 та кичик техник ходимлар тайёрланди<sup>92</sup>.

2012 йилда ўрта маҳсус, касб-хунар тизимида 1685,9 минг ўқувчи таҳсил олган бўлиб, бу кўрсаткич 2000 йилга нисбатан 5 бараварга ошди. 9-синф бити्रувчиларининг деярли 100 фоизи ўрта-маҳсус, касб хунар таълими билан қамраб олинди. 2012–2013 ўқув йилида Ўзбекистондаги касб-хунар коллежларидан 298 таси қишлоқ хўжалиги соҳаси бўйича кадр тайёрлади. 2001 йили энг кўп битирувчилар сони соғлиқни саклаш тармоғига (24%) тўғри келган бўлса, 2012 йилга келиб битирувчиларнинг энг катта қисми қишлоқ хўжалиги (19%) тармоғига тўғри келди<sup>93</sup>. 2015-2016 ўқув йилида Сурхондарё вилоятида 14 та, Қашқадарё вилоятида эса 13 та касб-хунар коллежлари қишлоқ хўжалик соҳаси бўйича мутахассис тайёрлади<sup>94</sup>.

<sup>89</sup> Сурхондарё вилояти давлат архиви, 564-фонд, 1-рўйхат, 17-иш, 69-варак.

<sup>90</sup> Сурхондарё вилояти давлат архиви, 564-фонд, 1-рўйхат, 17-иш, 70-71-вараклар.

<sup>91</sup> Сурхондарё вилоят ҳокимлиги жорий архиви, 2-баённома, 6-хужжат, 2010 йил, 20 декабрь. –Б. 15.

<sup>92</sup> Қашқадарё вилоят ҳокимлиги жорий архиви, 2-баённома, 9-хужжат, 2011 йил, 22 январь. –Б. 34.

<sup>93</sup> Ахмедова М.А. Ўзбекистон Республикасида Кадрлар тайёрлаш Миллий Дастури: эришилган натижалар ва истиқболли йўналишлар // Замонавий таълим / Современное образование. 2014. № 8. –Б. 5-6.

<sup>94</sup> Ўзбекистон Республикаси конун ҳужжатлари тўплами, 2016 й., 17-сон, 174-модда.

2001 йилга нисбатан 2013 йилда ўрта маҳсус қасб-хунар таълим муассасалариға кираётганлар сони Тошкент шаҳри, Сирдарё, Жиззах вилоятларида икки мартадан, Андижон, Наманган, Хоразм, Фарғона вилоятларида уч мартадан ортиқроққа кўпайди, Бухоро, Қашқадарё, Навоий, Самарқанд, Сурхондарё ва Тошкент вилоятларида 4–5 марта ошди. Чунончи, 2013/14 ўкув йилида Сурхондарё вилоятида 116 та қасб-хунар коллежда 134,3 минг нафар, Қашқадарё вилоятидаги 137 та коллежда 145,7 минг нафар ўкувчи таҳсил олди<sup>95</sup>.

Бу рақамларни совет даври билан таққослайдиган бўлсак, 1976/77 ўкув йилида Сурхондарё вилоятида 10 та, Қашқадарё вилоятида 12 та ўрта маҳсус билим юртлари бўлган. Ушбу ўкув юртларида Сурхондарёда 5,5 минг, Қашқадарёда 10,1 минг талаба ўқиган<sup>96</sup>. Ёки 1985/86 ўкув йилида Сурхондарё вилоятида 15 та, Қашқадарёда ҳам 15 та ўрта маҳсус билим юртлари фаолият кўрсатган. Уларда таҳсил олувчи талабалар сони Сурхондарёда 10,4 минг, Қашқадарёда 15,1 минг кишини ташкил этган<sup>97</sup>.

Ўз навбатида чет эл инвестицияларининг таълим соҳасига киритилиш хажми ошиб борди. Агар 2008 йилда Ўзбекистонга киритилган жами чет эл инвестицияларининг 1,6 фоизи таълим соҳаси учун ажратилган бўлса, бу кўрсаткич 2009 - 2010 йилларда 2,2 фоизни ташкил этди<sup>98</sup>.

Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида қишлоқ ёшлирини хунармандчилик соҳасига тайёрлаш учун алоҳида эътибор қаратилди. Ангор, Музработ, Шеробод, Узун, Сариосиё, Олтинсой, Бойсун туманларида «Устозшогирд» услуби бўйича 2 минг кишига ҳалқ хунармандчилиги сирлари ўргатилди. Музработ, Жарқўрғон, Кумқўрғон, Қизириқ, Шўрчи туманларида

<sup>95</sup> Ахунова Ш. Ўзбекистонда умумий ўрта ва ўртамаҳсус, қасб-хунар таълими сифатини ошириш масалалари // Замонавий таълим / Современное образование. 2015. № 9. –Б. 11.

<sup>96</sup> Народное хозяйство Узбекской ССР за 60 лет Советской власти. Юбилейный статистический ежегодник. – Ташкент: Узбекистан, 1977. –С. 285.

<sup>97</sup> Народное хозяйство Узбекской ССР в 1985 г. –Ташкент: Узбекистан. 1986. –С. 308.

<sup>98</sup> Назарова Ҳ.М., Ҳамроқулов Ж. Ахолининг маълумотлилик даражаси ва уни жамиятнинг иктисадий ва ижтимоий тараккиётидаги ўрни // Иктисад ва молия. 2011, №8. –Б. 82.

қишлоқ хўжалиги учун мутахассислар тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ишларига амалий ёрдам кўрсатилди<sup>99</sup>.

Қашқадарё вилоятидаги Шахрисабз, Китоб, Ғузор, Дехқонобод, Муборак, Касби туманларидағи ўрта маҳсус қасб-хунар коллажларида минтақавий шароитдан келиб чиқиб мутахассислар тайёрлаш ишларига алоҳида эътибор қаратилди. Корхона ва ташкилотларнинг эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда З минг киши анъанавий ҳунармандчилик курсларида таҳсил олди<sup>100</sup>.

Қишлоқ хўжалиги мутахассислари учун муносиб турмуш тарзини шакллантириш борасида Термиз, Жаркўрғон, Қумкўрғон, Сариосиё, Касби, Китоб, Муборак ва Ғузор туманларида олиб борилган ишлар ўз натижаларини берди. Манфаатдор вазирлик, корхона ва идоралар ҳамкорлигига Ишчи гурухи аъзолари томонидан Дехқонобод, Китоб, Шахрисабз, Коғон, Муборак, Чироқчи, Қамаши, Ғузор ва Китоб туманларида банд бўлмаган аҳолини аниқ қасб ва иш кўниммалари бўйича ўқитиш ва қайта тайёрлаш курсларини ташкил этиш юзасидан комплекс чора-тадбирлар ишлаб чиқилди<sup>101</sup>.

Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларида бўлғуси мутахассисларни анъанавий ҳунармандчилик қасблариға ўқитиш ва қайта тайёрлаш учун ўқув-меърий ҳужжатлар ишлаб чиқилди. Мутахассис ўқитувчилар томонидан ўқув режа ва дастурлари ишлаб чиқилди, ўқув қўлланмалар ва электрон дарсликлар яратилди. Шахрисабз, Ғузор, Китоб, Яккабоғ, Муборак ва бошқа туманларда «Усто-шогирд» усули бўйича кам таъминланган оиласлар ҳисобидан 1500 киши анъанавий ҳунармандчилик қасблариға ўқитилди<sup>102</sup>.

Коллеж битирувчиларини иш билан таъминлаш мақсадида меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, шунингдек, тегишли вазирлик ва идоралар, вилоят, туман ва шаҳар ҳокимликлари томонидан меҳнат ярмаркалари ўтказиб турилган. Бундай ярмаркалар турли вақтларда, кўпинча май-июнь ҳамда август ойларида ташкил этилган. Уларга битирувчи З курс ўқувчилари ва ишга жойлаша олмаган собиқ битирувчилар ўз кураторлари

<sup>99</sup> Сурхондарё вилоят ҳокимлиги жорий архиви, 2011 йил 15 январь, 2-баённома. –Б. 19.

<sup>100</sup> Қашқадарё вилоят ҳокимлиги жорий архиви, 2-баённома, 3-хужжат, 2011 йил, 3 февраль. –Б. 21.

<sup>101</sup> Қашқадарё вилоят ҳокимлиги жорий архиви, 2-баённома, 3-хужжат, 2011 йил, 3 февраль. –Б. 28.

<sup>102</sup> Қашқадарё вилоят ҳокимлиги жорий архиви, 2-баённома, 3-хужжат, 2011 йил, 3 февраль. –Б. 32.

билин келиб, ўзларига иш танлашган. Ушбу ярмаркаларнинг ижобий томонларини тан олган ҳолда шуни ҳам таъкидлаш керакки, жуда кўп ҳолларда битиравчилар меҳнат ярмаркаларида ўзлари учун зарур бўлган бўш ишларни топа олишмаган. Айниқса, педагогика, молия, банк, тиббиёт, кинология йўналишлари бўйича касб-хунар коллежларини битирган ёшлар ўз касблари бўйича иш йўқлигидан қийналишар эди. Қишлоқ хўжалиги, агросаноат ва енгил саноат соҳаларида ўқиган коллеж битиравчилари гарчи иш кўп бўлсада, оз иш тўланганлиги боис, ўзларига таклиф қилинган жойларда ишлашни исташмас эди.

Юқорида кўрсатилган камчиликларни бартараф этиш учун коллежларда касбий таълимни яхшилаш, ўқув юртлари ва ташкилотлар ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантириш зарур эди. Шу мақсадда тегишли корхоналарда касб-хунар коллежлари ўқувчиларининг ишлаб чиқариш амалиёти ташкил этилди.

Ўрта маҳсус ўқув юртлари ўқувчи-ёшларга билим бериш билан бир қаторда ишлаб чиқариш жараёнларига ҳам фаол қатнашиб, каттагина даромад кўрдилар. Жумладан, Сурхондарё вилоят ўрта маҳсус касб-хунар таълими бошқармаси ўз тасарруфидаги ўқув юртларининг ишлаб чиқариш имкониятларини хисобга олиб, «Амероз-Индустрис» Ўзбекистон-Америка қўшма корхонасининг Термиз бўлими билан ҳамкорликда 15 млн. сўм миқдорида саноат, тикувчилик ва қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқаришга мўлжалланган бизнес-режалар тайёрланди. Натижада 1999 йилнинг биринчи ярим йиллик якунлари бўйича ихтиёридаги коллежларда товар ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш режалаштирилган 3 466 200 сўм ўрнига 4 744 500 сўмга бажарилди. Жумладан: саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича режада кўрсатилган 2 650 000 сўм ўрнига 2 997 000 сўмга, яъни 113% га бажарилди. Ишлаб чиқариш амалиёти учун белгиланган 795 минг сўмлик режа 1 351 700 сўмга, яъни 170 фоизга бажарилди. Пуллик хизмат кўрсатиш режада

белгиланган 345 минг сўмга адо этилди. Биринчи ярим йилликда бошқарма махсус ҳисобига ўкув юртларидан 739234 сўм пул келиб тушди<sup>103</sup>.

Касб-хунар коллажларининг қурилиши билан бир қаторда мактаблар хам модернизация қилинди. Агар соҳа мутахассисларни фарзандларини таълим тарбия соҳасидаги имкониятларини яхшилаш мақсадида 2004-2009 йилларда Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятлардаги қишлоқ мактабларнинг моддий-техника базасини яхшилаш учун кўпгина ишлар амалга оширилди. Чунончи, кўпгина мактаблар қайтадан қурилди. Деярли барча мактаблар капитал реконструкция ва жорий таъмирга тушди. Ҳатто олис тог қишлоқларида хам эски мактаблар ўрнида замонавий мактаблар барпо этилди. Мактабларнинг педагог кадрлар билан таъминланиши анча яхшиланди.

Ўзбекистонда Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг амалиётга жорий этилиши кадрлар тайёрлашда узвийлик ва узлуксизликни тақозо этар эди. Жойларда қурилган касб-хунар коллажларида таълим-тарбия бериш жараёнларини янада фаоллаштириш, педагоглар сифатини ошириш, ёшларга яратилган қулайликларни ўрганиш мақсадида доимий равишда мониторинг ишлари олиб борилди. 2007 йилнинг февралида Сурхондарё вилоят Ўрта махсус, касб-хунар бошқармаси томонидан Шеробод туманидаги касб-хунар коллажлари фаолияти ўрганилганда эришилган ютуқлар билан бир қаторда қуидаги жиддий муаммолар борлиги аниқланди. Коллежларда соҳа мутахассисларининг етишмовчилиги, давоматнинг пастлиги, жиҳозланиш даражасининг яхши эмаслиги, ўрнатилган жиҳозларни ишлатадиган мутахассисларнинг етишмаслиги бош муаммо бўлиб қолди<sup>104</sup>.

Жумладан, Шеробод агросаноат касб-хунар коллежи 2005 йилда ташкил этилган бўлиб, Шеробод туманининг барча қишлоқларидан ўқувчиларнинг келиб ўқиши қўзда тутилган эди. Коллеж барча зарурий жиҳозлар билан таъминланган бўлишига қарамай, уларни ишлатадиган мутахассисларнинг озлиги боис, айrim асбоб-ускуналар ва компьютерлар ишлатилмай қолган. Қолаверса, қишлоқлардан коллеж билан бogglovchi автобус йўқлиги

<sup>103</sup> Сурхондарё вилоят давлат архиви, 564-фонд, 1-рўйхат, 17-иш, 250-варак.

<sup>104</sup> Сурхондарё вилоят ҳокимлиги жорий архиви, 1-баённома, 4-хужжат, 2007 йил, 12 февраль. –Б. 6.

давоматнинг кескин пасайишига сабаб бўлган. Кунлик давомат 34% ни ташкил этган. 50 ўринли ётоқхонада бор-йўғу 10 нафар ўкувчи жойлашган. Ётоқхона биноси иситилмаган. Шу сабаб, коллеждаги таълим бериш сифати жуда паст<sup>105</sup>.

Олий ва ўрта маҳсус таълим Вазирлигининг 2011 йил 14 марта даги «Ўрта маҳсус, касб-хунар таълими муассасаларига амалий услубий ёрдам қўрсатиш юзасидан олий таълим муассасалари билан ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш тўғрисида»ги 109-сонли буйруғи, Қашқадарё вилоят ҳокимининг 2011 йил 21 февралдаги 72/м сонли буйруқларини бажариш юзасидан Қарши мұхандислик иқтисодиёти институти ректорининг 8-апрелда №183/м сонли буйруғи чиқарилди. Ушбу буйруққа асосан вилоятдаги 75 та касб-хунар колледжлари (шундан 13 таси қишлоқ хўжалик касб-хунар колледжлари) билан ҳамкорлик алоқаларини янада ривожлантириш мақсадида институтнинг тажрибали профессор-ўқитувчиларидан 78 нафари мазкур таълим муассасаларига бириктириб чиқилди. Профессор-ўқитувчилар томонидан колледжлар фаолияти ўрганилиб, Қарши тумани Хушвақт агробизнес коллеки, Яккабоғ хизмат қўрсатиш ва сервис коллеки, Қарши Саноат коллеки, Ғузор саноат транспорт коллеки, Яккабоғ агробизнес коллеки, Қамаши қишлоқ хўжалик коллеки, Қарши Политехника коллекининг ишни тўғри йўлга қўйганлиги аниқланган. Шу билан бирга, қуйидаги муаммолар борлиги аниқланган. Булар:

1. Касб-хунар колледжларида малака ошириш ва қайта тайёрлов курсларидан ўтмаган ўқитувчи мутахассислар тахминан 40 фоизни ташкил этган, бу эса таълим сифатига салбий таъсир кўрсатган.
2. Ўқитувчиларга бўлган эҳтиёж тахминан 46,8 фоизни ташкил қилган, бу асосан тилчилар, информатиклар, ижтимоий фан ўқитувчилари ҳисобига тўғри келган.
3. Касб-хунар колледжларининг лаборатория жиҳозлари ва ўқув ишлаб чиқариш устахоналари, ўқув адабиётлари билан таъминланганлик даражаси тахминан 35.8 фоизга тўғри келган<sup>106</sup>.

---

<sup>105</sup> Сурхондарё вилоят ҳокимлиги жорий архиви, 1-баённома, 4-хужжат, 2007 йил, 12 февраль. –Б. 8.

Бундан ташқари, қишлоқ хўжалик ва агросаноат касб-хунар коллежларида мутахассис ўқитувчиларнинг етишмовчилиги, коллежларнинг интернетга уланмаганлиги, мавжуд устахоналарга олиб келинган асбоб-ускуналарнинг ўрнатилмаганлиги ёки ишлатилмаслиги, хом ашё етишмовчилиги, компьютер хоналарида жиҳозларнинг эскириб, замон талабларига жавоб бермаслиги, қишлоқ хўжалик коллежларига қатнаб ўқишининг ноқулайлиги, курилишдаги камчиликлар ва бошқалар таълимнинг сифатига салбий таъсир кўрсатган. Жумладан, Китоб агросаноат касб-хунар коллежи ўрганилганда жами 30 нафар ўқитувчиси малака ошириш ва 2 нафар ўқитувчиси қайта тайёрлашдан ўтмаганлиги аниқланган. Умумтаълим фанлари бўйича адабиётлар 12% ни, тикувчилик мутахассислиги бўйича адабиётлар 10% ни, автотроанспорт мутахассислиги бўйича 2 %ни ташкил этган. Таълим муассасасининг ўкув–услубий мажмуа билан таъминланганлиги қониқарсиз деб топилган. Транспорт воситаларини таъмирлаш ва ишлатиш, тикувчилик қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш мутахассислиги бўйича жиҳозлар етишмаслиги, электр таъминотининг ёмонлиги, коллеж ўкув биносининг исимаслиги каби муаммоларнинг мавжудлиги таълим сифати ва давоматнинг пасайишига сабаб бўлган<sup>107</sup>.

Ўрта маҳсус, касб-хунар таълими тизимидағи муаммо ва камчиликларни бартараф этиш мақсадида Республика ҳукумати бир қатор чораларни кўриб борди. Хусусан, 2012 йил 28 майида Ўзбекистон Президентининг «Малакали педагог кадрлар тайёрлаш ҳамда ўрта маҳсус, касб-хунар таълими муассасаларини шундай кадрлар билан таъминлаш тизимини янада такомиллаштиришга оид чора-тадбирлар тўгрисидаги» қарорига мувофиқ ўрта маҳсус касб-хунар таълими тизимида замонавий ва илгор педтехнологиялардан фойдаланиш йўлга қўйилди. Қарор ижросини таъминлаш учун 2012 йил 25 июнь – 5 июль кунлари Ўзбекистон Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги, «Истеъодод» жамгармаси, Тошкент давлат иқтисодиёт университети ҳамда

<sup>106</sup> Қашқадарё вилояти ҳокимлиги жорий архиви, 2011 йил, 27 июнь, 2-сонли баённома. –Б. 1-6.

<sup>107</sup> Қашқадарё вилояти ҳокимлиги жорий архиви, 2011 йил, 27 июнь, 2-сонли баённома. –Б. 7-15.

Инновацион таълим технологиялари маркази ҳамкорлигига семинар-тренинг ташкил этилди. Семинарга Республиканинг барча ҳудудларидаги академик лицейлар ва касб-хунар коллежларининг энг яхши ва энг тажрибали 64 нафар ўқитувчиси таклиф этилди. Семинар давомида тингловчиларга коллеж ўқувчиларига янги педтехнологиялар асосида таълим бериш, уларнинг тафаккурини ривожлантириш, коллежлар томонидан тайёрланган мутахассисларнинг қишлоқ хўжалигини тараққий эттиришдаги ролини ошириш бўйича жаҳон мамлакатларида тўпланган тажрибалар ўргатилди. Диққатга сазовор томони, семинар машғулотларини ўзлаштириш ва оммалаштиришда Сурхондарё вилоятидан борган тингловчилар Республика бўйича энг яхши натижаларга эришдилар<sup>108</sup>.

2013 йилда ижтимоий соҳага йўналтирилган маблағлар давлат бюджети ҳаражатлари таркибининг 59,3 фоизини ташкил этди. Шу ҳаражатлардан 33 фоиздан ортиги айнан таълим соҳасига йўналтирилди<sup>109</sup>.

Республикада касб-хунар коллежлари битирувчиларини иш билан таъминлаш долзарб вазифага айланди. 2012 йили коллежларни тугатган 450 минг нафардан ортиқ битирувчи иш билан таъминланди, уларнинг 43 фоизи ўзлари ишлаб чиқариш амалиётини ўтаган корхоналарга ишга жойлашди<sup>110</sup>. 2014 йилда касб-хунар коллежларининг 495 минг нафарга яқин битирувчисининг бандлиги таъминланди. Уларнинг 423,1 минг нафари ишга жойлашди, 56 минг нафари тадбиркорлик фаолияти билан банд этилди, 14,3 минг нафари олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилинди. Тадбиркорлик қилиш истагини билдирган коллеж битирувчиларига банклар томонидан 200,0 млрд сўмдан зиёд имтиёзли кредитлар тақдим этилди<sup>111</sup>.

Шу билан бирга, 2012-2014 йилларда касб-хунар коллежлари битирувчиларининг ишга жойлашуви бўйича олиб борилган текширувлар

<sup>108</sup> Шукурова М. Муштарак мақсад сари // Касбий фанлар методикаси. 2012 йил / июль. 7 (19)-сон. –Б. 8-9.

<sup>109</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2013 йилда республикада ижтимоий-иктисодий ривожлантириш якунлари ва 2014 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор вазифаларига бағищланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг мажлисидаги маърузаси. // «Тошкент оқшоми», 2014 йил 20 январь.

<sup>110</sup> Рустамова Д. Д. Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида таълим тизимиning ўрни ва аҳамияти // Замонавий таълим / Современное образование. 2014. № 2. –Б. 7.

<sup>111</sup> Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2015 й., 10-сон, 115-модда.

тизимда бир қатор хато ва камчиликлар борлигини кўрсатди. Жумладан, ишга жойлашган деб ҳисобот берилган битиувчилардан баъзиларининг ишга жойлашгани ўз тасдиғини топмаганлиги, меҳнат дафтарчаларининг очилмаганлиги, меҳнат қонунчилигига зид равишда ишга қабул қилинганлигини кўрсатди. Мана шундай камчиликларни бартараф этиш, битиувчиларни эгаллаган касблари бўйича ишга жойлаштиришда мутасадди раҳбарларнинг жавобгарлигини ошириш мақсадида 2015 йил 10 марта Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Касб-хунар коллежлари битиувчиларини ишга жойлаштириш тизимини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 52-сонли Қарори қабул қилинди. Қарорда касб-хунар коллежлари битиувчиларини иш билан таъминлашда уч томонлама шартномалар тузиш ва маҳаллий ҳокимликларнинг жавобгарлигини ошириш кўзда тутилди. Шунингдек, ҳар бир туманда жойлашган корхоналарда коллеж битиувчиларини иш билан таъминлаш жадваллари ишлаб чиқилди. Битиувчиларга деҳқончилик, чорвачилик ва тадбиркорликнинг бошқа соҳалари билан шуғулланишлари учун имтиёзли кредитлар ажратила бошланди. Унга асосан, Сурхондарё вилоятидаги касб-хунар коллежлари битиувчилари учун 13800 млн. сўм, Қашқадарё вилояти касб-хунар коллежлари битиувчилари учун 14000 млн. сўм миқдорида имтиёзли кредит ажратилиши белгилаб қўйилди<sup>112</sup>.

Шундай бўлсада, Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 10 мартағи 52-сонли қарорини тўлиқ бажариб бўлмади. Бунга аввалимбор, корхона ва ташкилотларнинг иқтисодий ва молиявий имкониятлари пастлиги сабаб бўлди. Уларнинг ўзида бўш иш ўринлари етарли эмас эди. Жанубий вилоятларнинг иқтисодий ривожланиш жиҳатидан Республикасининг бошқа вилоятларидан ортда қолганлиги янги ишлаб чиқариш қувватларининг яратилишига имкон бермади. Айниқса, фермер хўжаликларида иш хақининг пастлиги, кўп ҳолларда умуман маош тўланмаслиги касб-хунар коллежлари битиувчиларини кишлоқ хўжалик корхоналарида ишлаш иштиёқини йўққа чиқарди. Шу боис 2015-2017

<sup>112</sup> Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2015 й., 10-сон, 115-модда; 2017 й., 15-сон, 249-модда, 19-сон, 345-модда, 37-сон, 996-модда, 14.05.2019 й., 09/19/397/3123-сон).

йилларда касб-хунар колледжлари битириувчиларини иш билан таъминлаш жуда мураккаб масалага айланди.

Касб-хунар колледжларнинг ташкил этилиши ўз даврида ижобий ҳодиса эди. Бу қуйидагиларда кўзга ташланади:

1.Ўзбекистон таълим тизими жаҳон стандартларига эришди. Яъни 12 йиллик узлуксиз таълим тизим тўлиқ жорий этилди.

2.Миллионлаб ёшлар бепул касб-хунар олиш имкониятига эга бўлдилар. Колледждан олинган дипломи туфайли улар нафақат Ўзбекистонда, балки чет элларда ҳам ўзига иш топа олдилар. Аксинча, 10-11 синфларни тутатган кишилар кўп қийинчиликларга дуч келдилар.

3.Қишлоқ жойларида кўпгина иш ўринлари яратилди. Қишлоқларни ривожлантириш имконияти юзага келди.

4.Мактаблардан келаётган тарбияси оғир болаларнинг кўпчилиги айнан колледжларда тўғри йўлга тушиб, ўз келажагини топиб кетдилар.

Шу билан бирга колледжларни ташкил этишда қуйидаги омиллар хисобга олинмади:

1.Аҳолининг психологияси ва менталитети 12 йиллик таълим тизимига тайёр эмас эди. Негаки, 1990 йилларнинг бошида 8 ва 10 йиллик мактаблар мавжуд бўлган. Мактаб битириувчиларининг ота-оналари 7, 8 ва 10 йиллик таълимни тугатишган, 11 йиллик таълим эндиғина йўлга қўйилган эди. Ғарб мамлакатларида ҳар бир босқич ўртача 30-40 йилни, сабик совет даврида ўртача 30 йилни ўз ичига олган бўлса, Ўзбекистон шароитда қиска 10-15 йил ичida ўтилиши кўзда тутилди.

2.Аҳолининг моддий имкониятлари инобатга олинмади. Сабаби, олис қишлоқлар аҳолиси ўз болаларини узоқдаги колледжларга ўқишига юбориш учун маблаги етарли эмас эди. Масалан, тогли қишлоқлар аҳолиси фарзандларини колледжга юбориш учун кунига ўртача 10-12 минг сўмдан (2012 йилги нархларда) пул сарфлашига тўғри келди. Бунга кўпчиликнинг қурби етмади.

3. Колледж битириувчиларини иш билан таъминлаш масаласи ҳал этилмади. Колледжларни вужудга келтириш янги иш ўринларини ташкил этиш билан бирга олиб борилмади.

Мана шундай муаммолар яққол кўриниб қолганига қарамай, Республикада колледжларнинг қурилиши жадаллик билан олиб борилди. Афсуски, колледжларни қуриш ва уларнинг фаолиятини ташкил этишда жиддий хатоликларга йўл кўйилди. Бу қуйидагиларда кўзга ташланди:

1. Касб-хунар колледжларини ташкил этиш ва кадрлар тайёрлаш масаласида халқаро тажрибалардан фойдаланилмади. Совет тузуми даврида шакллантирилган техникумларнинг илгор тажрибаларидан воз кечилди, ўкув дастурлари, дарслеклари яратилмай туриб тез суръатларда колледжларни очишга киришилди.

2. Колледжларни қуришда уларнинг жойлашув ўрнига аҳамият берилмади. Янги колледжлар кўп ҳолларда аҳоли пунктларидан чекка жойларда қурилди. Тогли ва олис қишлоқ жойларида ташкил этилган колледжларда маҳсус кўрсатма асосида номига ўқувчилар рўйхати шакллантирилди. Айрим колледжларнинг бинолари ярим тайёр ҳолда қуриб топширилиш натижасида иситиш, ёруглик, ётоқхоналар, овқатланиш, тиббий ёрдам кўрсатиш мутлақо талаб даражасида бўлмай қолди. Ўқувчиларнинг узоқ қишлоқлардан колледжларга қатнаб ўқишлиари учун автобуслар ажратилмади. Айрим колледжларда ётоқхона ва ошхоналарнинг мавжуд бўлмаслиги ўқиш жараёнига салбий таъсир кўрсатди.

3. Колледжларни ўқув ва амалиёт учун зарур бўлган жиҳозлар билан таъминланиш даражаси етарлича бўлмади. Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларида факат тиббиёт, педагогика, иқтисодиёт ва банк йўналишидаги колледжларда кадрлар тайёрлаш жараёнида замонавий ўқув жиҳозлари ва четдан келтирилган жиҳозлар амалиётда қисман фойдаланилди. Олис қишлоқлар ва тог худудларида жойлашган колледжларда ўқув жиҳозлари билан таъминлаш даражаси паст бўлиши билан бирга, мавжуд ускуналардан деярли

фойдаланилмай қолди. Кўп ҳолларда янги олиб келинган асбоб-ускуналар ишлатилмай қолиб кетди.

4. Коллежлар ташкил этилар экан, уларни битирадиган кадрлар учун зарур бўлган инфратузилма яратилмади. Масалан, Термиз, Шеробод ва Касби туманларида агросаноат касб-хунар коллежлари ташкил этилди-ю, аммо ушбу ҳудудларда бу соҳага алоқадор бўлган тармоқлар ривожлантирилмади. Деярли ҳар бир вилоятда бир нечтадан ахборот технологиялари касб-хунар коллежлари очилди. Уларнинг хизматларидан ҳокимликлар ва бошқа ташкилотлар ҳам унумли фойдаланишди. Лекин вилоятларда ахборот технологиялари тараққиёти учун ҳеч қандай ғамхўрлик кўрсатилмади. Аксинча, йирик дастурчиларни тазийққа олиш авж олиб кетди. Оқибатда Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларида қишлоқ хўжалигига хизмат кўрсатиши лозим бўлган йирик дастурчиларнинг деярли ҳаммаси чет элларга кетиб қолишиди.

5. Ўқитувчилар фаолиятида бола билан эмас, ҳужжат билан ишлаш муҳим қилиб қўйилди. Бу борадаги энг катта хатолик, 2008 йилда ўрта маҳсус, касб-хунар таълими тизимида педагогик юкламанинг жорий этилиши бўлди. Унга кўра, ўқитувчи илгари олиб келган 100 % ойлигининг 50 % ини химоя қилиб оладиган бўлди. Педюклама педагогнинг вақтини чегаралаб, ижодий имкониятини деярли йўққа чиқарди. Ўқитувчининг бутун вақти фақат педюклама ҳужжатларини тўлдириш билан банд бўлиб қолди. Таълимда сифат ўрнида сон, яъни болани ушлаб туриш талаб этилди.

6. Коллежлардаги давоматни таъминлаш учун таъсирчан механизм яратилмади. Давомат учун ота-она эмас, ўқитувчи масъул қилиб қўйилди. Оиладан ажralиб чиқсан ёш ўқувчиларни ҳуқуқий ва моддий химоя қилинмаганлиги давоматга жиддий таъсир қўрсатди. Уч йиллаб ўқишга келмаган ўқувчи дарсга келганлар қатори коллежни тугатиб дипломини олиб кетиши ўқитувчиларнинг обрўйини туширди. Таълимнинг сифати пасайиб, жиноятчилик учун муҳит яратилди.

7. Ўқув дастурларининг барқарор эмаслиги. Масаланинг эътиборли томони шуки, битта ўқув дастури қабул қилингач, уни тўлиқ ўзлаштириб олиш учун

камиди 3-4 йил зарур бўлади. Ундан кейин эса у ўз натижасини бера бошлайди. Ўзбекистон коллекларида эса, ўқув дастурлари ҳар 2-3 йилда ўзгариб турди. Яъни, олдинги ўқув дастурини тўлиқ ўрганиб, муайян малакага эга бўлган ўқитувчи яна бошқатдан янги дастурга мослашишга мажбур бўлди. Бу ҳам етмагандек, 2016 йилда қабул қилинган ўқув дастурларининг катта қисми мавжуд дарсликларга умуман тўғри келмади. Таҳлил шуни кўрсатдики, бундай дастурлар шоша-пиша қабул қилинган, уни ишлаб чиқсан кишилар вилоятлар ва чекка худудларда жойлашган туманлар аҳволи билан танишмаган, ёки, ўртамахсус касб-хунар таълимни тизимида ишлаб кўрмаган кишилардир.

8. Ўрта маҳсус, касб-хунар таълимини ривожлантириш хорижий мамлакатлар билан ҳамкорликни талаб қиласди. Тўғри, Ўзбекистон касб-хунар коллеклари ўқитувчилари АҚШ, Корея Республикаси, Германия, Австралия сингари давлатларга малака ошириш ва тажриба ўрганиш учун юборилди. Уларнинг асосий қисми агросаноат соҳаси бўйича мутахассислар эди. Афсуски, чет элларда ўқиб келган мутахассисларнинг тажрибасидан деярли фойдаланилмади. Кўп холларда номигагина семинар машгулотлари ташкил этиш билан чегараланди. Қолаверса, 2006 йилдан бошлаб, Ўзбекистон таълим соҳасида халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликни анча сусайтирди. Натижада, таълим тизими жаҳон янгиликларини қабул қилолмай, бюрократия ботқогига ботиб кетди.

9. Коллекларда илмий тадқиқот олиб борадиган ўқитувчилар ва илмий ходимлар учун ҳеч қандай шароит яратилмади. Уларни қўллаб-қувватлаш учун бирон-бир амалий чора кўрилмади. Бу эса, коллекларнинг фан ва техника тараққиётидан, ишлаб чиқаришдан узилиб қолишига сабаб бўлди. Коллеклар ўзларига қилинган сарф-харажатларни оқлай олмадилар.

10. Таълим тизимидаги турли ҳашарларнинг кўплиги таълим сифатининг кескин пасайишига сабаб бўлди. Коллек ўқувчи ва ўқитувчилари 2007-2016 йилларда сурункасига кўча ишларига оммавий сафарбарлик этилдилар. Уй бузиш, тупроқ элаш, чиқинди тозалаш, bog ва хиёбонларни ободонлаштириш тўлигича ўқувчи ва ўқитувчилар зиммасига юкланди. Пахта кампанияси

бошланиши билан барча касб-хунар коллажлари ёппасига ёпилиб, барча мажбурий равишда далага, пахта теримига сафарбар қилинди. Буларнинг бариси коллажлар давоматига салбий таъсир кўрсатди. Ота-оналар ўз болаларини коллажга ўқишга юборишса, албатта ҳашарга жалб қилинишини билганликлари учун ҳам уларни ўз уйларида олиб ўтиришни маъкул кўришди. Тўғри, хукумат ҳашарларни тартибга келтирди, ўқувчиларни пахтага олиб чиқиши тўхтатилди. Лекин унинг асорати ҳанузга қадар сезилади.

11. Коллажларда ишбилармонликни ривожлантиришга ҳеч ким эътибор бермади. Ишбилармон ўқувчилар етарли даражада қўллаб-кувватланмади. Битирувчиларни ишга жойлаштириш билан факат коллаж ўқитувчилари шуғулланиб қолиши. Ҳокимликлар бу борада номигагина бўш иш ўринлари ярмаркаларини ташкил этиш билан кифояландилар, холос.

12. Барча коллажларда ўқувчиларни дарс вақтида турли маданий тадбирлар – концертлар, кино, раҳбарлар билан сухбатга мажбурий жалб этиш авж олиб кетди. Ўтказилган юзлаб, минглаб тадбирлар асосан номига ташкил этилиб, ўқувчиларнинг ёши ҳамда қабул қилиш салохиёти ҳисобга олинмади. Коллажлар маъмурияти вилоят ва туман ҳокимликларидан келган буйруқлар асосида ўз ўқувчиларига ҳар хил концерт, цирк ёки қизиқчиларнинг томошасини кўрсатиш учун билет сотиши билан банд бўлиб қолиши. Оқибатда коллажларда пул йиғиш ниҳоят даражада кучайди.

Юқорида кўрсатилган муаммолар ўрта маҳсус, касб-хунар билим юртларида давомат ва таълим сифатининг кескин тушиб кетишига сабаб бўлди. Ўқувчилар коллажларга келиб билим олиш ўрнига тайёрлов курслари – репетиторликка бориб ўқишини афзал кўриши. 2010-2015 йилларда Сурхондарё ва Қашқадарёдаги қишлоқ хўжалигига ихтисослашган деярли барча коллажларнинг юзларча ўқувчилари Тошкент ва Бухородаги репетиторлик курсларига бориб, ўша ерда олий ўқув юртига кириш учун зарур бўладиган билимларни олиши. Касб-хунар коллажларининг обрўйи кескин тушиб кетди. Одамларнинг назарида коллаж – ҳеч қандай билим бермайдиган, болалар

вақтини беҳудага ўтказадиган, жамиятга бирон-бир фойдаси тегмайдиган кераксиз ташкилотга ўхшаб қолди.

Республика иқтисодиёти, шу жумладан, аграр соҳадаги инқирозли аҳвол касб-хунар таълимини қайта қўриб чиқиши талаб килди. 2017 йил 14 январда Вазирлар Маҳкамасининг йигилишида ўрта маҳсус камб-хунар таълими тизимидағи камчиликлар муҳокама қилинди ва зарур бўлган чоралар қўрилди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ташаббуси билан 2017-2018 ўкув йилидан бошлаб яна 11 йиллик таълим жорий этилди. Коллежларга ўқиш ихтиёрий қилиб қўйилди. Ота-оналар ўз болаларининг 12 йил ўрнига 11 йил ўқишини афзал қўришди.

Ўзбекистонда ўрта маҳсус касб-хунар таълимини жаҳон талаблари асосида қайта қуриш бошланди. Ўзини оқламаган касб-хунар коллежлари тугатилиб, уларнинг бинолари мактаблар ва олий таълим муассасаларига берилди. Қолган коллежларни давр талабидан келиб чиқкан ҳолда янгилашга киришилди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Профессионал таълим тизимини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2019 йил 6 сентябрдаги ПФ-5812-сонли Фармонига кўра, 2020-2021 янги ўкув йилидан бошлаб халқаро классификаторга мос келувчи таълим дастурлари бўйича касб ўргатадиган 339 та касб-хунар мактаблари, 211 та коллеж ҳамда 176 та техникумлар ташкил этилиши белгиланган. Жумладан, Сурхондарё вилоятида 28 касб-хунар мактаблари, 11 та коллеж, 9 та техникум, Қашқадарё вилоятида 34 та касб-хунар мактаблари, 12 та коллеж, 10 та техникум ташкил этилиши кўзда тутилди<sup>113</sup>.

Хулоса қиладиган бўлсак, мустақиллик йилларида республикамиз жанубий вилоятларида ўрта бўгиндаги қишлоқ хўжалик мутахассисларига бўлган талаб анча ошди. Мутахассисларнинг касбий билим даражаси, замонавий техникани бошқарув ва уни таъмирлашга оид тажрибалари умумлаштирилди. Бу борада эришилган ютуқлар, юзага келган хато ва камчиликлар доимий равишда

---

<sup>113</sup> Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2019 йил 16 сентябрь, 37-сон, 672-модда.

ўрганилди. Касб-хунар таълими давр талабидан келиб чиқкан ҳолда такомиллаштириб борилди.

## **2.2. Аграр соҳада олий маълумотли мутахассисларни тайёрлаш жараёнидаги ютуқ ва муаммолар**

Маълумки, аграр тармоқни юксалтиришда юқори малакали мутахассисларнинг ўрни бекиёс ҳисобланади. Зеро, қишлоқ хўжалиги таракқиёти кўп жиҳатдан олий маълумотли кадрлар билан боғликдир. Шуни ҳисобга олган илғор давлатлар юқори малакали аграр соҳа кадрларини тайёрлашга алоҳида эътибор қаратадилар. Уларнинг билим олишлари ва амалиёт ўташлари учун зарур бўлган барча чора-тадбирларни яратадилар. Шу билан бирга, ўз мутахассисларини бошқа давлатларга тажриба алмашиш учун ҳам юборадилар.

Азал-азалдан Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятлари машҳур пахтакорлар, қишлоқ хўжалик ходимлари, фидоий меҳнаткаш дехқонлари билан донг таратган. Ушбу ҳудудларда пахтачилик, ғаллачилик, боғдорчилик, узумчилик, полиз-сабзавотчилик ҳамда чорвачилик соҳасида катта тажриба тўпланган эди. Лекин совет тузуми даврида Ўзбекистон қишлоқ хўжалигига пахта монополияси ўрнатилганлиги боис, қишлоқ хўжалик мутахассисларининг асосий қисми пахтачилик соҳасига йўналтирилган эди. Республиkanинг аграр соҳага ихтисослашган олий ўқув юртлари ҳам ўз кадрларини тайёрлашда кўпроқ пахтачилик тармоғига эътибор қаратишган эди. Қишлоқ хўжалигидаги йирик илмий тадқиқотлар асосан пахтачилик соҳасида ўтказилган. Бунинг устига, тайёрланган қишлоқ хўжалик кадрлари бозор иқтисодиёти, замонавий бошқарув ҳакидаги тушунчаларга эга эмас эдилар. Қолаверса, 1970-80 йилларда Ўзбекистон олий ўқув юртлари талабаларида билим олиш эмас, балки диплом олишга бўлган қизиқиш тобора кучайиб борган эди. Буларнинг ҳаммаси қишлоқ хўжалигининг кейинги таракқиётида салбий роль ўйнаганлигини эътироф этиш лозим.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги таракқиёти бевосита сув хўжалиги билан боғлик. Хусусан, жанубий вилоятлар қишлоқ хўжалиги

тўлигича сунъий сугориш иншоотлари ёрдамида сув билан таъминланади. Айниқса, Сурхондарё вилоятининг Ангор, Бандиҳон, Музрабод, Шеробод, Қизириқ туманлари, Қашқадарёнинг Косон, Муборак, Яккабог, Ғузор ва Қамаши туманларида юқори малакали мутахассисларсиз сугориш тизимини мукаммал ташкил қилиб бўлмас эди. Совет давридаги мураккаб гидротехник қурилмалар ва йирик сув иншоотларида ўрнатилган техник жиҳозларни Россия, Украина ва Белоруссиядан келган мутахассислар ишлатишган. Туб ахолини гўёки муҳандислик тажрибаси ҳамда етарли билимга эга эмас, деган тушунча билан атайлаб ушбу соҳага жалб этишмаган. Сугориш тизимида ўрнатилган насослар асосан Россия, Украина ва Белоруссияда ишлаб чиқарилар, уларни ишлатишга оид йўриқномалар ва услубий кўрсатмалар рус тилида бўлар эди. Энг ачинарлиси, йўриқномлар кўпинча маҳаллий муҳандислардан сир тутилар, қолаверса, Ўзбекистон олий ўқув юртларини тугатган мутахассислар бу насосларни ишлатиш бўйича назарий-амалий билимларга эга бўлмас эдилар<sup>114</sup>. Натижада кўпгина мутахассислар ўз билим доираси пастлиги, насосларни ўрнатиш ва бошқаришдаги тажрибаси камлиги, рус тилини мукаммал билмаслиги туфайли ўз муҳандислик касбига эмас, бошқа соҳаларга оддий ходим бўлиш ишлашга мажбур бўлган эдилар.

Аммо мустақилликнинг ilk йилларида кўплаб рус тилли мутахассисларнинг Россияга кўчиб кетиши йирик ирригацион қурилмалар ва насосларни ишлатиш, бошқариш, таъмирлаш, янгиларни ўрнатиш борасида катта муаммоларни юзага келтирди. Ирригация соҳасидаги бундай ҳолат қишлоқ хўжалигини сув билан таъминлашда муайян қийинчиликларни келтириб чиқарди.

Ўзбекистонда бозор муносабатларига ўтилар экан, қишлоқ хўжалигини замон талабларига мослаштириш, соҳани юқори малакали кадрлар ва илгор техника билан таъминлаш долзарб вазифага айланди. Шуларни ҳисобга олиб, Ўзбекистонда қишлоқ хўжалиги кадрларини тайёрловчи бир қатор ўқув юртлари ташкил этилди. Улар орасида Тошкент давлат аграр университети,

<sup>114</sup> Сурхондарё вилоят давлат архиви, 313-фонд, 2-рўйхат, 13-иш, 72-варақ.

Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалиги механизациялаш муҳандислари институти, Бухоро озиқ-овқат ва енгил саноат технологияси институти, Самарқанд қишлоқ хўжалик институти, Термиз давлат университети, Қарши муҳандислик иқтисодиёти институти ва Қарши давлат университети Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятлари учун энг кўп мутахассис тайёрлаб берган олий ўқув юртлари ҳисобланишади.

Тошкент давлат аграр университети Ўзбекистонда қишлоқ хўжалик кадрларини тайёрлаб берувчи тўнгич олий ўқув юртидир. Ушбу олийгоҳ 1930 йил 26 май куни Ўрта Осиё қишлоқ хўжалик институти номи билан ташкил этилган. 1934 йил октябрда Тошкент қишлоқ хўжалик институти деб номи ўзгартирилган. 1991 йил апрелида Тошкент давлат аграр университети мақомини олди.

1992 йилда Тошкент давлат аграр университети Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги қарамоғига берилиши билан бюджетдан ташқари молиявий аҳволи яхшиланиб, ўқув жараёни, тарбиявий ва илмий ишларни ташкил этишга кўпроқ мустақиллик берилди. Ташкилий, ўқувтарбиявий ва илмий-тадқиқот ишлар масалаларини ҳал этишда олий ўқув юрт раҳбариятининг ҳуқуқи янада кенгайди.

Айни пайтда Тошкент давлат аграр университети Ўзбекистон Республикасидаги қишлоқ хўжалик олий ўқув юртлари орасида тайёрланаётган ва битираётган мутахасислар сони, илмий-педагогик салоҳияти бўйича етакчи ўринни эгаллаб, улар учун ўқув-услубий марказ деб тан олинган. Унинг негизида давлат таълим стандартлари, намунавий ўқув режалари ва ўқув дастурлари, бошқа меъёрий ҳужжатлар лойиҳалари ишланмалари тайёрланмоқда.

2001 йилга келиб Тошкент давлат аграр университетида ўқитишнинг кундузги бўлимида «Қишлоқ ва ўрмон хўжалиги» таълими соҳасида 9 та йўналиш бўйича (агротурокшунослик ва агрокимё, агрономия, мева-сабзавотчилик, узумчилик, ўсимликларни химоя қилиш, пиллачилик, қишлоқ хўжалик экиnlари селекцияси ва уруғчилик, ишлаб чиқариш технологияси,

қишлоқ хұжалик маҳсулотларини ишлаб чиқариш, сақлаш ва бирламчи қайта ишлаш технологияси, зоотехника, ўрмон иши); «Бизнес ва бошқариш» таълими соҳасида 2 та йўналиш бўйича (қишлоқ хұжалик иқтисодиёти, қишлоқ хўжалигига бухгалтерлик ҳисоби ва аудит); касбий-педагогик тайёргарлик соҳасида 8 та йўналиш бўйича (7 та агрономик ва ўрмон иши) бакалаврлар тайёрлаш ишлари олиб борилди. Магистратурада ўқитиш 20 та мутахассислик бўйича олиб борилди. Сиртқи бўлимда эса 6 та йўналиш - агрономия, мева-сазавотчилик, узумчилик, зоотехника, ўрмон иши, қишлоқ хўжалик иқтисодиёти, бухгалтерлик ҳисоби ва аудит бўйича бакалаврлар тайёрлаш ишлари олиб борилди<sup>115</sup>.

Тошкент давлат аграр университетида 1991/92 ўқув йилида 1516 нафар талаба, шу жумладан ишлаб чиқаришдан ажralган ҳолда 829 нафар ва ишлаб чиқаришдан ажralмаган ҳолда 687 нафар киши биринчи курсга қабул килинган эди. 1994/95 ва 1995/96 ўқув йилларида университетга талabalар қабул қилиш 596 ва 590 нафаргача, шу жумладан, ишлаб чиқаришдан ажralган ҳолда 415 ва 473 нафаргача, ишлаб чиқаришдан ажralмаган ҳолда 181 ва 113 нафарни ташкил этди. Бунда сиртқи бўлимда таҳсил олишга ажратилаётган ўринлар қисқартирилганлигини кўриш мумкин.

2000/2001 ўқув йилида кундузги бўлимнинг биринчи курсида 1107, иккинчи курсида 740, учинчи курсида 599 ва тўртинчи курсида 591 нафар талаба бакалавриатда таҳсил олди. Университетда кўпроқ қишлоқ хўжалигига бухгалтерия ҳисоби ва аудит (554 нафар), қишлоқ хўжалик иқтисодиёти (470 нафар), агрономия (430 нафар), мева-сазавотчилик ва узумчилик (229 нафар), ўсимликлар ҳимояси (237 нафар), зоотехника (240 ифар) йўналишлари бўйича талabalар ўқитилди. Қолган йўналишларда кундузги бўлимда ўқийдиган талаблар сони барча курсларда 200 нафарни ташкил этади.

Сиртқи бўлимнинг биринчи курсида 161, иккинчи курсда 229, учинчи курсда 313, тўртинчи курсда 415 ва бешинчи курсда 69 нафар талаба ўқиди.

---

<sup>115</sup> Тошкент давлат аграр университети мустақиллик йилларида. –Тошкент, 2001. –Б. 18-19.

Ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда таҳсил олаётган талабалар сони барча курсларда агрономия йўналиши бўйича – 79, қишлоқ хўжалик иқтисодиёти йўналиши бўйича – 365, қишлоқ хўжалигида бухгалтерия ҳисоби ва аудит йўналиши бўйича – 271, мева-сабзавотчилик ва узумчилик йўналиши бўйича – 241, зоотехника йўналиши бўйича 183 нафарни ташкил этди<sup>116</sup>.

2003-2004 ўкув йилида университетда агрономия, агрокимё ва тупроқшунослик, ўсимликлар ҳимояси, мева-сабзавотчилик ва ўрмон хўжалиги, зоомуҳандислик ва ипакчилик, иқтисодиёт, бухгалтерия ҳисоби, касбий таълим, сиртқи таълим, магистратура факультетлари ва 35 та кафедра фаолият кўрсатди. Университетда 5321 нафар талаба таҳсил олган. Уларга 457 профессор ўқитувчи, жумладан, 53 та фан доктори ва 166 та фан номзоди дарс берган<sup>117</sup>.

Тошкент давлат аграр университети ўз фаолияти давомида 64 мингдан ортиқроқ кадрларни тайёрлаб берди. Шунинг 24 минги мустақиллик йилларида тайёрланган<sup>118</sup>.

Ўзбекистон сув хўжалиги соҳасида етук кадрлар тайёрлаб беришда Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалиги механизациялаш муҳандислари институти алоҳида ўрин эгаллайди. Институт ўз фаолияти давомида ҳалқ хўжалиги учун зарур бўлган кплаб етук кадрларни тайёрлаб берди. Ўзбекистонда фермерлик харакати бошланиши билан институтда 1992 йили фермерлар тайёрлаш икки йиллик бўлими очилди. Талабаларнинг билим даражаси юқори бўлиб, 1992 йилда 1400 диплом ҳимояларидан 602 таси яхши баҳога, 303 таси эса аъло баҳога лойик деб топилди. Ҳар бир тўртинчи лойиха бевосита ишлаб чиқаришга татбиқ этилди<sup>119</sup>.

Институтда гидромелиорация ишларини механизациялаштириш, ер қурилиши, гидроэнергетика қурилиши, қишлоқ хўжалиги машиналари таъмири технологияси ва уни ташкил этиш, сув хўжалиги иқтисодиёти ва уни ташкил

<sup>116</sup> Тошкент Давлат аграр университети мустақиллик йилларида. –Тошкент, 2001. –Б. 19-20.

<sup>117</sup> [uz.wikipedia.org/Toshkent\\_agrar\\_universiteti](http://uz.wikipedia.org/Toshkent_agrar_universiteti)

<sup>118</sup> [ru.wikipedia.org/Ташкентский государственный аграрный университет](http://ru.wikipedia.org/Ташкентский_государственный_аграрный_университет)

<sup>119</sup> ТИКХММИ — Ўзбекистоннинг йирик олий ўкув юртларидан бири // Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш муҳандислари институти - 60 йил. –Тошкент, 1994. –Б. 10-11.

етиш, умуммуҳандислик факультетлари Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятлари учун зарур бўлган қишлоқ хўжалик кадрлари билан таъминлашда муҳим роль ўйнади. Хусусан, 2010-2015 йилларда Бухоро вилояти учун 222 нафар, Сурхондарё вилояти учун 823 нафар, Қашқадарё вилоятига эса 844 нафар юқори малакали мутахассис тайёрлаб берди<sup>120</sup>.

Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларининг озиқ-овқат, агросаноат ва қишлоқ хўжалик коллажларини малакали кадрлар билан таъминлашда Бухоро озиқ-овқат ва енгил саноат технологияси институти муҳим роль ўйнади. Мазкур олий ўқув юрти Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 24 февралдаги “Академик лицейлар ва касб-хунар коллажларини ташкил этиш ва уларнинг фаолиятини бошқариш тўғрисида”ги 77-сонли карорига мувофиқ касб-хунар коллажлари учун малакали педагог кадрлар тайёрлаш бўйича базавий олий таълим муассасаси этиб белгиланган эди<sup>121</sup>. Шунга асосан 1998 йил 2-9 август кунлари Термиз академик лицейининг 5 нафар ва Термиз озиқ-овқат саноати касб хунар коллажининг 19 нафар ўқитувчиси Бухоро озиқ-овқат ва енгил саноат технологияси институтида малака ошириб қайтдилар<sup>122</sup>.

1999 йил 1 декабрь ҳолати бўйича Сурхондарё вилояти коллажларида дон ва дон маҳсулотларини қайта ишлаш технологияси бўйича 4 нафар, гўшт ва сут, балиқ ва консерваланган маҳсулотлар технологиясидан 6 нафар мутахассис ишлаб турди. 2000-2001 ўқув йилида ушбу тармоқлар учун жами 50 нафар мутахассисга эҳтиёж борлиги ва уларни Бухоро озиқ-овқат ва енгил саноат технологияси институтига ўқишига жўнатиш масаласи ҳал қилинди<sup>123</sup>.

2000-2001 ўқув йилида 1 курсга талабалар қабули учун Сурхондарё ва Қашқадарёда ўрта-маҳсус, касб-хунар таълими бошқармаларига ўз ихтиёрларидаги лицей ва коллажларни битираётган талабаларни институтнинг

<sup>120</sup> Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалиги механизациялаш муҳандислари институти жорий архиви. Ўқув бўлимиининг 2010-2015 йиллардаги ҳисоботлари.

<sup>121</sup> Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами. 2004 йил 29-сон, 333-модда.

<sup>122</sup> Сурхондарё вилояти давлат архиви, 564-фонд, 1-рўйхат, 17-иш, 250-варақ

<sup>123</sup> Сурхондарё вилояти давлат архиви, 564-фонд, 1-рўйхат, 17-иш, 120-варақ.

қуидаги касбий-педагогик йұналишлари бүйича ўқишиңға юборишилари учун амалий ёрдам беришлари сұралған:

1. В 165700 – Бинолар ва саноат иншоотлари қурилиши;
2. В 165100 – Енгил саноат маҳсулотлари технологияси;
3. В 165000 – Тұқымачилик саноати маҳсулотлари технологияси;
4. В 167300 – Дон ва дон маҳсулотларини қайта ишлаш технологияси;
5. В 167000 – Ёглар ва мойлар технологияси;
6. В 167100 – Қанд ва ачитқи маҳсулотлари технологияси;
7. В 167200 – Гүшт ва сут, балиқ ва консерваланған маҳсулотлар технологияси;
8. В 161900 – Электр энергетика;
9. В 162500 – Технологик машиналар ва жиҳозлар;
10. В 163900 – Ахборот ва ахборот технологияси;
11. В 163000 – Транспорт воситаларидан фойдаланиш;
12. В 162300 – Машинасозлық технологиялари, жиҳозлар ва машинасозлық ишлаб чықариш автоматикаси;
13. В 161200 – Менежмент;
14. В 161300 – Маркетинг<sup>124</sup>.

Қарши мұхандислик иқтисодиёти институти 1975 йилда Тошкент Ирригация ва қишлоқ хұжалигини механизациялаш мұхандислиги институтининг Қарши филиали сифатыда ташкил этилган. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1992 йил 28 февралдаги 356-сонли Фармонига асосан ушбу филиал негизида Қарши аграр-иқтисодиёт институти ташкил этилган. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 3 июндаги 211-сонли қарорига мувофиқ Қарши аграр-иқтисодиёт институти ва Тошкент давлат техника университети Қарши филиали негизида Қарши мұхандислик-иқтисодиёт институти ташкил қилинади. Институт ташкил этилгандан буён 18 мингдан ортиқ юқори малакали мутахассис ва бакалаврлар тайёрланди. Институтда аграр соҳа учун малакали мутахассислар тайёрловчи Қишлоқ хұжалигини механизациялаштириш, Озиқ-овқат технологияси,

---

<sup>124</sup> Сурхондарё вилояты давлат архиви, 564-фонд, 1-рўйхат, 17-иш, 126-варақ.

Кишлоқ хўжалик маҳсулотларини сақлаш ва дастлабки ишлаш технологияси каби йўналишлари фаолият кўрсатмоқда.

Қарши мухандислик-иктисодиёт институти ўз фаолияти давомида АҚШ, Германия, Туркия, Россия, Польша, Руминия, Литва, Латвия сингари давлатларнинг олий ўқув юртлари билан ҳамкорлик қилиб келмоқда<sup>125</sup>.

Республика жанубидаги вилоятларни олий маълумотли агрономлар ва зоотехниклар билан таъминлашда Самарқанд қишлоқ хўжалиги институти муҳим роль ўйнади. Унинг ишини янада такомиллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 3 сентябрдаги «Республика қишлоқ ва сув хўжалиги учун юқори малакали кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги 415-сонли қарори, Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг 2004 йил 10-сентябрдаги №224-сонли буйруғига мувофиқ «Зоотехника», «Қоракўлчилик» факультетлари ҳамда «Касб таълим» бўлимини бирлаштириб «Ветеринария, зоотехника ва қорақўлчилик» факультети деб номланди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 3 ноябрдаги 311-сон қарорига асосан факультет Зоотехника ва қорақўлчилик факультети номи билан қайта ташкил этилди. Факультетда чорвачиликнинг барча соҳалари учун бакалавр ҳамда магистр даражасидаги малакали мутахассислар тайёрланди.

Зоотехника ва қорақўлчилик факультети Сурхондарё вилояти «Наврўз» МЧЖ, «Баходир Тошпўлатов» фермер хўжалиги, «Чорвадор», «Имкон», Қашқадарё вилояти «Шўртан нефт-газ унитар корхонаси», «Юрт ризқи» корхоналари билан икки томонлама шартномалар тузилиб илмий-тадқиқот ишларини олиб борди. Факультетда таҳсил олган талабалар вилоятлар кесимида ўрганилганда, кадрлар тайёрлашда худудлар учун қабул квоталари ажратилмаганлигига гувоҳ бўлиш мумкин. Масалан, 2016-2017 ўқув йилида факультетда Сирдарё ва Сурхондарё вилоятларидан 34 нафар, Қашқадарё вилоятидан 27 нафар талаба таҳсил олди<sup>126</sup>.

<sup>125</sup> [uz.wikipedia.org/Qarshi muhandislik iqtisodiyoti instituti](http://uz.wikipedia.org/Qarshi_muhandislik_iqtisodiyoti_instituti).

<sup>126</sup> Самарқанд қишлоқ хўжалиги институти жорий архиви. Зоотехника ва қорақўлчилик факультетининг 2016-2017 ўқув йилининг якунлари бўйича Ҳисоботи.

Термиз давлат университетининг Табииёт-география факультети ҳам Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларини олий маълумотли кадрлар билан таъминлашда ўз ҳиссасини қўшиб келди. Факультет олтига кафедрадан (Зоология, Ботаника, География, Агрокимё ва агротурпроқшунослик, Экология ва табиатдан фойдаланиш, Тиббий билим асослари) иборат бўлиб, 2009 йилда бу кафедраларда 51 нафар профессор-ўқитувчилар меҳнат қилди. Шулардан 3 нафари профессор, 21 нафари фан номзодлари, доцентлар бўлиб, факультетда илмий салоҳият 40,1 % ни ташкил этди. 2009 йилда факультетда 5 та: Биология, География, Агрокимё ва агротурпроқшунослик, Экология ва табиатдан фойдаланиш, Биогеокимё ва тупроқни эррозиядан саклаш таълим йўналишлари бўлиб, бу таълим йўналишларида 620 нафар кундузги бўлимда талаба таълим олди<sup>127</sup>.

2011 йилда факультетнинг мазкур кафедраларида фаннинг турли соҳалари, жумладан, Зоология кафедраси аъзолари – биология фанлари доктори, профессор Ш.Хуррамов раҳбарлигига «Жанубий Ўзбекистон шароитида ўсимлик ва ҳайвон гельминтлари ва уларга қарши кураш чораларини ишлаб чикиш», Ботаника кафедрасида «Ўзбекистоннинг ёввойи ва маданий ўсимликлари ва уларнинг аҳамияти», қишлоқ хўжалик фанлари доктори, профессор Б.Жўрақулов илмий раҳбарлигига «Сурхондарё вилоят қишлоқ хўжалигини интенсив технологиялар асосида ривожлантириш», профессор А.Рўзиев номидаги География ва экология кафедрасида «Жанубий Ўзбекистон агросаноат мажмуасини худудий ташкил этиш ва ривожлантириш масалалари» бўйича илмий-амалий тадқиқотлар олиб борилди.

Факультет профессор-ўқитувчилари томонидан 2006-2011 йиллар давомида 1 та дарслик, 6 та ўқув қўлланма, 7 рисола, 300 дан ортиқ илмий мақолалар чоп этилди. Факультетнинг кундузги ўқув шаклида 704 нафар талаба таълим олди. Факультетда 20 та фан кабинети, лимонарий,

<sup>127</sup> Термиз давлат университетининг жорий архиви. Табииёт-география факультетининг 2009-2010 ўқув йилининг якунлари тўғрисидаги Ҳисоботи. –Б. 4.

метеорологик майдонча, тажриба майдончаси, яшил аудиториялар, компьютер синфи, видеопроектор, электрон доска мавжуд<sup>128</sup>.

Факультетнинг иқтидорли талабаларининг илмий ишлари вилоят, республика нашрларида чоп этилиб, факультет талабалари номдор стипендиялар танловида, фан олимпиадаларининг Республика босқичида ва бошқа кўплаб танловларда мумтазам қатнашиб совринли ўринларни эгалладилар. Шунинг учун турли йилларда факультетда тақсил олганлардан қишлоқ хўжалик фанлари доктори, профессор М.Арамов, биология фанлари доктори, профессор Ҳ.Бўриев, биология фанлари номзоди, доцентлар Э.Қулмаматов, К.Эшназаров, Б.Холикназаров, А.Сатторов, Ҳ.Тангиров, Ҳ.Жумаев, А.Хуррамов, М.Холмуродов, география фанлари номзодлари, доцентлар Ҳ.Абдуназаров, А.Сатторов, қишлоқ хўжалик фанлари номзодлари У.Қодиров, Ғ.Эргашев, Н.Нурматов К.Таджиев ва бошқа 100 дан ортиқ фан номзоди ва фан докторлари етишиб чиққан<sup>129</sup>.

Факультет кафедраларида профессор-ўқитувчилар таркибини шакллантиришда ёш иқтидорли ўқитувчилар ва илмий даражали ўқитувчилар жалб қилинган. Профессор-ўқитувчилардан бир қисми аспирантура орқали тайёрланди. Жумладан, Зоология кафедрасининг 3 нафар ўқитувчиси (Саидова Элмира, Абраматов Муҳаммади, Абдулазизова Шоира) аспирантурани тугатди.

Зоология кафедраси 2009-2010 ўкув йилида «Нилуфар-Бегзод» фермер хўжалиги билан хўжалик шартномасини тузган бўлиб, ундан кафедра ҳисоб рақамига 500000 (беш юз минг) сўм пул маблағи келиб тушган. Бундан ташқари «Кенг-дала» фермер хўжалиги кафедра ҳисобига 100000 (юз минг) сўм пул маблағини туширган.

Ботаника кафедраси «Алижон Олтинсой» фермер хўжалиги билан хўжалик шартномасини тузди ва кафедра ҳисоб рақамига 1000000 (бир миллион сўм)

<sup>128</sup>Термиз давлат университетининг жорий архиви. Табииёт-география факультетининг 2010-2011 ўкув йилининг якунлари тўғрисидаги Ҳисоботи. –Б. 2.

<sup>129</sup>Термиз давлат университетининг жорий архиви. Табииёт-география факультетининг 2010-2011 ўкув йилининг якунлари тўғрисидаги Ҳисоботи. –Б. 3.

пул маблағи келиб тушди. 2010 йил География ва экология кафедраси «Қорабой бобо Жамшидбек» фермер хўжалигидан 100000 (юз минг) сўм маблағ туширилди. Шартномалар бўйича туширилган маблаг ва топширилган 41 тонна металлом ҳисобига 6 миллион сўм даромад олинган. Бу маблаг факультет биносини таъмирлаш ва кўплаб манзарали дарахтлар экишга сарфланди. 2011 йилда факультет худудидаги участкага 150 кг картошка уруги экилди. Бундан ташқари, петуния, гултожихўroz, брестклет, алиандр, арча кўчатлари хам етиширилди<sup>130</sup>

Зоология кафедраси илгари мавжуд бўлган биология-химия кафедраси асосида 1956 йил ташкил қилинган. 1988 йилга келиб кафедра «Умумий биология» кафедраси деб қайта номланди ва кафедрага доц. Ш.Х.Хуррамов раҳбарлик қилди. 1992-1997 йиллар давомида кафедрага доц. Б.Холикназаров, 1997-1999 йилларда доц. К.Эшназаров мудир сифатида фаолият кўрсатдилар. 2000 йилдан бошлаб кафедрани Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган халқ таълими ходими, биология фанлар доктори профессор Ш. Х. Хуррамов бошқарди. 2009-2013 йилларда кафедрани доц. Х.Тангиров, 2013-2014 йилларда эса қ.х.ф.н. А.Ҳайитмуратов бошқардилар. 2014-2015 йилларда б.ф.н. М.Абраматов бошқарди.

Зоология кафедраси аъзолари ФА нинг бир қатор илмий муассасалари билан ўзаро ҳамкорлик шартномалари асосида алоқаларни ўрнатганлар. Жумладан, Ўзбекистон ФА ўсимликлар ва ҳайвонлар генофондини саклаш институти, Сурхондарё вилоят овчилар ва балиқчилар уюшмаси, Ўзбекистон сабзавот-полизчилик, картошка экинлари илмий тадқиқот институти Сурхондарё таянч пункти, Пахта селекцияси, ургучилиги ва етишириш агротехнологиялари илмий тадқиқот институтининг Сурхондарё илмий тажриба станцияси (ПСУЕАИТИ Сурхондарё ИТС), Термиз ҳайвонот боги, Олтинсой қишлоқ хўжалиги ва хизмат кўрсатиш касб- ҳунар коллежи, Денов 3-сон академик лицейи, Термиз шаҳар 2-сон академик лицейи, Термиз шаҳар 13-

---

<sup>130</sup>Термиз давлат университетининг жорий архиви. Табииёт-география факультетининг 2010-2011 ўқув йилининг якунлари тўғрисидаги Ҳисоботи. –Б. 5.

умумий ўрта таълим мактаби, Вилоят ОИТС га қарши курашиш маркази, Вилоят онкология диспансери билан мунтазам илмий-амалий алоқа ўрнатди<sup>131</sup>.

Демак, юқорида келтирилган маълумотлар шуни кўрсатадики, мустақилликнинг дастлабки йигирма йилида Ўзбекистон олий ўкув юртлари аграр соҳа учун кўплаб олий маълумотли кадрлар тайёрлашган. Шунга қарамай, мамлакат қишлоқ хўжалиги замон талаблари даражасига кўтарилимаган. Қишлоқ хўжалигидаги турғунлик ҳолати сакланиб қолаверган. Бунинг сабаблари сифатида қуидагиларни кўрсатиш мумкин:

биринчидан, аграр соҳада кадрлар тайёрлашнинг мақсадли тизими шакллантирилмади, мутахассислар тайёрлаш бўйича мониторинг ўтказилмаслиги оқибатида олий маълумотли кадрлар етишмовчилиги юзага келди;

иккинчидан, қишлоқ хўжалиги учун кадрлар тайёрлайдиган олий ўкув юртлари ўкув-лаборатория базаси тўлиқ эскирганлиги, таълимнинг ишлаб чиқариш билан уйғунлашмаганлиги натижасида кадрлар тайёрлаш сифати тушиши ҳамда битиувчиларнинг меҳнат бозоридаги рақобатбардошлигининг пасайишига сабаб бўлди;

учинчидан, олий ўкув юртларидағи профессор-ўқитувчиларининг илмий салоҳиятини доимий ривожлантириб бориш, бу соҳада юксак тараққий этган давлатларнинг тажрибаларидан фойдаланиш етарли даражада бўлмади;

тўртингидан, ўкув жараёнида илғор ахборот-коммуникацион технологияларни жорий этиш, илғор ўқитиш усулларидан фойдаланиш, мутахассислик фанлари бўйича замонавий ўкув адабиётларини яратиш даражаси паст бўлди;

тўртингидан, битиувчиларнинг ўз мутахассислиги бўйича ишга жойлашиши бўйича мониторинг олиб борилмади.

бешинчидан, олий ўкув юртлари профессор-ўқитувчиларининг ойлик иш ҳақи жуда пастлигича қолаверди. Оқибатда, олий ўкув юртларига ўқишга

---

<sup>131</sup>Термиз давлат университетининг жорий архиви. Табииёт-география факультетининг 2014-2015 ўкув йилининг якунлари тўғрисидаги Ҳисоботи. –Б. 2-3.

кириш ёки семестрлардан ўтиш учун таниш-билишчилик, порахўрлик, таъмагирлик сингари иллатлар кучайиб кетди. Бу ҳам етмагандек, хужжатбозлик ва қогозбозлик, таълимга алоқаси бўлмаган турли тадбирлар кучайди. Талабалар дала ва ободончилик ишларига ҳаддан ортиқ қўп жалб этилдилар. Буларнинг барчаси таълим сифатига салбий таъсир кўрсатди.

Бундан ташқари, ўтиш давридаги иқтисодий қийинчиликлар олийгоҳлардаги профессор-ўқитувчиларнинг ўз устида ишлашларига имкон бермади. Натижада профессор-ўқитувчилар таркибининг малака даражаси замон талаблари даражасига етмади. Шу боис 2004 йилда Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти ходимларининг 28 фоиздан ортиги, шу жумладан факультетлар раҳбарларининг 44 фоизи ва кафедра мудирларининг 29 фоизи аттестациядан ўтмади<sup>132</sup>.

Аслида олий аграр таълим тизимининг вазифаси юқори малакали мутахассисларни тайёрлаш, шунингдек, янги гоялар ва технологияларни яратиш, жорий этиш ва тарқатиш орқали қишлоқ хўжалиги иқтисодиётининг рақобатбардошлигини таъминлашга қаратилган. Бунинг учун қишлоқ хўжалиги олийгоҳлари нафакат таълим, балки кенг кўламли параметрларга жавоб берадиган янги билим ва инновацион технологияларни ишлаб чиқарадиган илмий марказларга айланиши керак, шу жумладан:

- ўқитувчилар таркибининг юқори малакаси;
- агросаноат мажмуаси учун зарур бўлган илмий тадқиқотлар натижалари;
- бизнес билан яқин алоқалар;
- таълим ва илмий-тадқиқот фаолиятини молиялаштиришнинг етарли миқдори;
- яхши тайёрланган талабалар контингенти (талабаларни қабул қилишда юқори даражадаги танловнинг мавжудлиги)<sup>133</sup>.

Аграр соҳада бозор муносабатларининг тўла қарор топмаганлиги, маъмурий-буйруқбозлик тизимининг юқорилиги қишлоқ хўжалигидаги инқирозли ҳолатни келтириб чиқарди. Аграр корхоналарда маошнинг

<sup>132</sup> Конун хужжатлари мълумотлари миллий базаси, 10.12.2018 й., 09/18/995/2287-сон.

<sup>133</sup> Бойко И.И. Перспективы развития аграрного образования // Фундаментальные и прикладные исследования в системе образования : сб. науч. тр. VIII междунар. науч.-практ. конф. (заочной), 26 февр. 2010 г. / Тамбовский гос. ун-т ; отв. ред. Н.Н. Болдырев. – Тамбов, 2010. – С. 9.

пастлиги, иш ҳақини беришда узоқ муддатли узилишлар олий маълумотли аграп соҳа кадрларини бошқа ишларга ўтиб кетишга мажбур этди. 1991-2004 йилларда Ўзбекистон қишлоқ хўжалигининг кўпгина тармоқларида пасайиш содир бўлди.

Ўзбекистон қишлоқ хўжалигидаги инқирозли вазият Республика раҳбариятини зарур бўлган чора-тадбир кўришга мажбур этди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 3 сентябрдаги «Республика қишлоқ ва сув хўжалиги учун юқори малакали кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги 415-сонли Қарорига мувофиқ 2004/2005 ўқув йилида қишлоқ хўжалиги соҳаси олий таълим муассасаларига талабалар қабул қилишни режалаштиришда Махсус комиссиянинг қишлоқ ва сув хўжалиги соҳасида таълим йўналишлари ва мутахассисликларини такомиллаштириш бўйича таклифлари ҳисобга олинган — 28 бакалавриат йўналишидан 10 йўналишга ўзгартиришлар киритилди ва 7 мутахассислик бўйича талабалар қабул қилиш тўхтатилди. Шу билан бирга 7 та янги истиқболли мутахассислик киритилди. Ўқитишининг янги — фермер хўжалигини бошқариш йўналиши қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан қабул қилинган қарорга мувофиқ Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мухандислари институти негизида Тошкент ирригация ва мелиорация институти ташкил этилди. Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мухандислари институтининг қишлоқ хўжалигини механизациялаш факультетини тегишли кафедралар, профессор-ўқитувчилар таркиби сони, талабалар контингенти ва моддий-техник база билан биргаликда Тошкент давлат аграр университетига берилди<sup>134</sup>.

Умуман олганда, мустақиллик йилларида Республикализнинг бир қатор олий ўқув юртлари жанубий вилоятлар учун турли касбдаги кўплаб юқори малакали кадрлар етказиб бердилар. Шу билан бирга, ўтказилган таҳлил натижаларига кўра, жанубий вилоятларда совет даврида шакллантирилган

<sup>134</sup> Ўзбекистон Республикаси конун хужжатлари тўплами, 2004 й., 36-сон, 399-модда; 2015 й., 44-сон, 563-модда; Конун хужжатлари маълумотлари миллий базаси, 10.12.2018 й., 09/18/995/2287-сон.

агрономларнинг катта қисми эътиборсизлик ва моддий жиҳатдан қийналганликлари боис чет элларга кетишга, ёки иш фаолиятини ўзгартиришган. Мустақиллик йилларида тайёрланган қишлоқ хўжалик мутахассисларининг жуда катта қисми ўз ихтисосликлари бўйича иш топа олмай, бошқа ишга ўтишга мажбур бўлишган. Ўрганилаётган ҳудудда юқори малакали агрономлардан озроқ қисми қолган бўлиб, улар ҳам қарилек нафақасига чиқишиган. Натижада туманларда малакали агроном хизматларидан факат саноқли фермерларгина фойдалана олишмоқда, холос.

Умуман олганда, қишлоқ хўжалигида юзага келган вазият Ўзбекистондаги қишлоқ хўжалик олийгоҳларида ўқитишининг мутлақо янги методикасини татбиқ этиш, профессор-ўқитувчилар иштирокида сайёр ўқув дарслари ҳамда семинарлар ташкил қилиш зарурлигини тақозо этди. Бундан ташқари, аграр кадрлар танқислиги яққол сезилган жанубий вилоятларда қишлоқ хўжалигига ихтисослашган олий ўқув юртларининг филиалларини ташкил этиш лозимлиги кўрсатди. Шуни ҳисобга олиб, Ўзбекистон ҳукумати томонидан бир қатор чора-тадбирлар кўрилмоқда. Чунончи, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелда қабул қилган «Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2909-сонли Қарорига мувофиқ Тошкент Аграр университетининг Термиз филиали ташкил этилди. Ҳукумат қарори билан қуйидагилар Тошкент давлат аграр университети Термиз филиалининг асосий вазифалари этиб белгиланди:

минтақанинг тупроқ-иқлим шароитида қишлоқ хўжалиги экинларидан юқори ҳосил олиш, уларнинг касалликлари ва зааркунандаларига қарши курашиш, илгор, интенсив агротехнологияларни жорий қилиш, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сақлаш, қайта ишлаш, сугориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини янада яхшилашда замонавий билимларга эга бўлган олий маълумотли мутахассис кадрларни тайёрлаш;

тайёрлананаётган мутахассис кадрларга меҳнат бозорининг эҳтиёжига мувофиқ тарзда сифатли билим бериш;

битиравчиларни ишга жойлаштириш бўйича буортмаларни шакллантириб бориш;

профессор-ўқитувчилар таркибининг касбий билимини, маҳоратини ва илмий салоҳиятини доимий равишда ошириш;

таълим-фан-ишлаб чиқариш интеграциясини амалиётга жорий этиш орқали ташкилотлар билан ҳамкорликда қўшма инновацион ишланмалар ва амалий тадқиқотларни олиб бориш, натижаларини ишлаб чиқаришга жорий этиш<sup>135</sup>.

Тошкент давлат аграр университетининг Термиз филиали Термиз туманидаги Лимонзор маҳалласида, собиқ Туризм касб-хунар коллежи ўрнида жойлаштирилган бўлиб, 1670 ўринга мўлжалланган. Филиалнинг иш юритиши учун ҳамма шароитлар яратиб берилди. 2018-2019 йилларда унга янги ўкув биноси қуриб берилди. Филиалда Агробиология, Агробизнес ва Инвестицион фаолият факультетлари, 6 та кафедра фаолият юритмоқда.

Вазирлар Махкамасининг 2019 йил 28 майдаги 437-сонли Қарорига асосан Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш муҳандислари институтининг Қарши филиали ташкил этилди. Биринчи йилдаёқ филиалнинг олтита йўналишига 293 та талабани ўқишига қабул қилди. Филиалда 3 та кафедра, 4 та лаборатория фаолият кўрсатмоқда. Ҳукумат қарори билан қўйидагилар филиалнинг вазифалари этиб белгиланди:

қишлоқ ва сув хўжалиги соҳаси учун юқори малакали кадрларни миллий ва халқаро стандартлар даражасида сифатли тайёрлашни таъминлаш;

республикада қишлоқ ва сув хўжалиги соҳаси бўйича эришилган ютуқлар, хорижий мамлакатлар тажрибаси ва Қашқадарё вилоятидаги ишлаб чиқариш соҳаларининг талаб ва эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда тегишли бакалавриат таълим йўналишлари ҳамда магистратура мутахассисликлари бўйича ўкув-методик адабиётларни яратиш;

қишлоқ ва сув хўжалиги соҳасини ривожлантиришнинг илмий-методик вазифаларини ҳал этиш, илгор хорижий технологияларни қўллаган ҳолда илмий тадқиқотлар олиб бориш, уларнинг натижаларини амалиётга жорий

---

<sup>135</sup> Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 28-сон, 656-модда.

етиш ва иқтидорли талаба ёшларни илмий фаолият билан шугулланишга кенг жалб этиш;

ўкув ва илмий лойиҳаларни амалга ошириш, таълим ва илмий изланишлар жараёнига малакали мутахассисларни кенг жалб этиш мақсадида қишлоқ ва сув хўжалиги соҳасидаги республика ва хорижий етакчи олий таълим муассасалари, илмий марказлари ва етакчи ташкилотлар билан ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш;

ўкув ва малакавий амалиётларни замонавий ишлаб чиқариш жараёнлари билан уйгуналаштириш, таълим бериш жараёнида назария ва амалиёт чамбарчас боғлиқлигини таъминлаш ва битирувчиларнинг меҳнат бозоридаги рақобатбардошлигини ошириш;

республика ва хорижий олий таълим муассасалари, илмий марказлар ва етакчи ташкилотларга истиқболли ёш битирувчиларни магистратура ва докторантурага мунтазам юбориш ҳамда профессор-ўқитувчиларни хорижий олий таълим муассасалари ва ишлаб чиқариш корхоналарига малака ошириш ва стажировкага юбориш орқали Филиалнинг илмий салоҳиятини ошириб бориши<sup>136</sup>.

Хулоса қиласиган бўлсак, жанубий вилоятларда юқори малакали мутахассислар қишлоқ хўжалиги равнақида ҳал қилувчи ўрин эгаллайдилар. Улардан самарали фойдаланиш кўп жиҳатдан маҳаллий ҳокимиятларга боғлиқ бўлиб қолмоқда. Шу билан бирга, юқори малакали кадрларга эҳтиёж ҳам ортиб бормоқда. Шуни ҳисобга олиб, жанубий вилоятларда кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштиришга киришилди.

Мустақиллик йилларида қишлоқ хўжалигида амалга оширилган ислоҳотлар малакали кадрларга бўлган талабни юзага келтирди. Аграр соҳани замон талаблари даражасига кўтариш мақсадида касб-хунар коллежлари ташкил этилиб, қишлоқ хўжалиги учун зарур бўлган кичик техник мутахассислар тайёрлаш йўлга кўйилди. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ўрта маҳсус, касб-хунар таълими тизими олдига юқори малакали кадрларни тайёрлаш, уларда

---

<sup>136</sup> Конун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 29.05.2019 й., 09/19/437/3202-сон.

илмий дунё қарашни, юксак меҳнат интизоми ва маданиятини шакллантириш вазифаларини қўйди. Мустақил фикрловчи, янги техника ва технологиялардан фойдалана оладиган кадрларни тайёрлаш, биринчи навбатда олий ва ўрта маҳсус, касб-хунар таълими муассасалари ўртасидаги ўзаро ҳамкорликни ривожлантиришга харакат қилинди, таълим турлари орасидаги узвийлик таъминлади. Олий ўкув юртлари билан қишлоқ хўжалик корхоналари ўртасида ўзаро ҳамкорлик алоқалари ўрнатилиб, муайян натижаларга эришилди. Агарар соҳадаги олийгоҳлар билан касб-хунар коллежлари профессор-ўқитувчилари томонидан кўплаб дарсликлар ва услубий қўлланмалар яратилди, уларнинг тадқиқотлари бевосита ишлаб чиқаришда қўлланилди.

Шу билан бирга, қишлоқ хўжалик кадрларини тайёрлаш ва уларни иш билан таъминлашда маълум бир қийинчиликлар юзага келди. Буларга асосан қишлоқ хўжалик касб-хунар коллежларини зарур бўлган техника ва хом ашё билан таъминлаш, ҳамда битирувчи мутахассисларни ишга жойлаштириш билан боғлиқ бўлган муаммолар кирап эди. Қолаверса, коллежлар тизимидағи маъмурий-буйруқбозлик тизими, ўқувчиларни сони ва салмоғини сохта ушлаб туриш, ўқув-таълим ва тарбия ўрнига ўқувчиларни хўжалик ишлари ва оммавий тадбирларга тортилиши таълим сифатига салбий таъсир кўрсатди.

Ушбу муаммоларни бартараф этиш учун Республика раҳбарияти томонидан сўнгти йилларда жуда муҳим ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Агарар соҳа мутахассисларини тайёрлаш жараёни давр талабидан келиб чиқсан ҳолда такомиллаштирилмоқда. Ўзини оқламаган қишлоқ хўжалик коллежлари ўрнига касб-хунар мактаблари ва қишлоқ хўжалик техникумлари ташкил этилди.

Республика, шу жумладан Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятлари қишлоқ хўжалиги тараққиётида Тошкент давлат аграр университети, Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалиги механизациялаш муҳандислари институти, Термиз давлат университети, Қарши муҳандислик-иктисодиёт институти, Самарқанд қишлоқ хўжалиги институти, Бухоро озиқ-овқат ва енгил саноат технологияси институтида тайёрланган олий маълумотли қишлоқ хўжалиги

мутахассисларининг ўрни ва роли катта бўлди. Ушбу ўкув юртлари ва уларнинг филиалларидағи ўкув жараёнини ташкил этиш учун малакали профессор-ўқитувчилар, жумладан, хориждан ўқитувчилар, олимлар ва мутахассисларни жалб этиш ҳамда ёш олимлар, таянч докторантларнинг хорижий олий таълим муассасалари ва илмий марказларга стажировкага юборилишини таъминлаш учун зарурий чоралар кўрилди.

### **III БОБ. АГРАР СОҲА МУТАХАССИСЛАРИНИНГ КАСБИЙ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ВА ИЖТИМОИЙ ТУРМУШИДАГИ ЎЗГАРИШЛАР ЖАРАЁНИ**

#### **3.1. Қишлоқ хўжалик ходимлари малакасини ошириш ва бу соҳада хорижий давлатлар билан ҳамкорлик жараёни**

Бугунги кунда дунёнинг юксак тараққий этган давлатлари аграр соҳадаги меҳнат унумдорлигини оширишда илмий-техникавий ютуқлар ва инновацион технологиялардан кенг фойдаланмоқдалар. Бунда улар биотехнология, ген инженерияси, ахборот технологиялари, энергиянинг янги турларини ишлатишга асосланган янги технологик базани шакллантиришга киришдилар. Илм-фандаги ютуқлардан унумли фойдаланиш қишлоқ хўжалигининг барқарор ривожланишига сабаб бўлмоқда.

Шуни унутмаслик лозимки, дунё мамлакатлари, айниқса АҚШ, Канада, Европа Иттифоки, Туркия, Хитой сингари давлатлар аграр тармоқни ривожлантиришда кадрлар малакасини ошириш, чет давлатлар билан тажриба алмашиш, хорижий компанияларни аграр секторга жалб қилишга алоҳида эътибор қаратишмоқда. Аграр соҳада кадрлар тайёрлаш, уларнинг амалиётини ташкил этиш ва малакасини ошириш учун бир қатор халқаро лойиҳалар жорий қилинди. Улардан Erasmus Mundus Partnership Action 2, GREENMA, APOLLO e.V. (Шарқий Европада экология, қишлоқ хўжалиги ва қишлоқларни ривожлантириш соҳаси бўйича ҳамкорлик Ассоциацияси) LOGO e.V. (Қишлоқ хўжалиги ва Шарқий Европа билан экологик мувозанат) Иттифоки, AgriMBA Халқаро Дастури, ISA-ISFRADA, Темпус Тасис ва бошқаларни кўрсатиш мумкин.

Жумладан, APOLLO e.V. Шарқий Европа агросаноат комплекси мутахассисларини ўқитиш ва малакасини ошириш бўйича ўз дастурини таклиф қиласди. ISA-ISFRADA Франциянинг йирик қишлоқ хўжалик корхоналари билан Шарқий Европа университетлари битириувчилари ўртасида воситачилик қиласди. Дастур асосида танлаб олинган иштирокчилар Франция ва Руминияда ўқитилади ва шартнома асосида ишга кирадилар.

Ўзбекистон аграр соҳа мутахассисларини жаҳон қишлоқ хўжалигида эришилган ютуқлар билан таништириш, улардаги илғор технология ва бошқарув усулларини ўзимизда жорий этиш мақсадида Республика хукумати юксак тараққий этган давлатлар тажрибасини ўрганишга киришди. Ўзбекистон Президентининг Европа давлатларига сафари вақтида улардаги қишлоқ хўжалигида эришилган ютуқлар, илғор бошқарув тартиби дикқат билан ўрганилди. Айниқса, қишлоқ хўжалиги юксак ривожланган Голландия билан Ўзбекистондаги ахволни таққослаб кўриш натижасида мавжуд камчиликлар янада яққол кўзга ташланади.

Масалан, бир голланд фермери 80 кишига етадиган қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириб беради. Голландиялик фермерлар ўз мамлакати аҳолисини боқибгина қолмасдан, Европанинг кўпгина мамлакатларига озиқ-овқат маҳсулотларини сотади. Бир ўзбек дехқони эса кўпи билан 2-3 кишига етадиган маҳсулот тайёрлайди. Гарчи, Ўзбекистоннинг иқлим шароити йил давомида бир неча марта ҳосил олиш имконини берсада, кўпгина озиқ-овқат маҳсулотларини четдан келтиришга мажбур бўлдик. Бунга хар йили четдан сотиб олинадиган 450 минг тонна картошкани мисол тариқасида келтириш мумкин. Ўша картошканинг деярли тенг ярми йўлда чириб кетар эди. Бундан манфаатдор кишилар бор эди. 1992 йили картошка етиштириш бўйича голланд технологияси мамлакатимиз шароитида синаб кўрилганида, ҳар гектар ердан 35 тоннадан ҳосил йигиштириб олинди. Ҳолбуки, анъанавий усулда экилган майдонлардаги картошка ҳосилдорлиги ўртacha 7 тоннадан ошмас эди<sup>137</sup>.

Яна бир мисол: голландиялик фермер бир сигирдан кунига 50 литрдан сут соғиб олади. Ўзбекистонда эса бу кўрсаткич ўртacha 7 литрни ташкил этади. Хоразм вилоятида 31,1 минг бош сигирдан 1993 йилнинг дастлабки беш ойи давомида 23,3 минг тонна, Қашқадарё вилоятида эса ҳар бир бош сигирдан шунча вақт мобайнида 755 литр сут соғиб олинди. Мазкур вилоятлар бўйича ҳар бир сигир кунига ўртacha 5 литрдан сут берган. Деярли тенг сарф-харажат қилингани ҳолда меҳнат унумдорлиги бизда 7 – 10 баравар кам. Демак, шунга

<sup>137</sup> Каримов И.А. Ислоҳотлар муваффакияти –истиколол кафолати //Ўзбекистон: миллий истиқолол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Асарлар тўплами, 1-жилд. –Тошкент: Ўзбекистон, 1996. –Б. 232..

яраша яшаш даражаси ҳам, даромад ҳам паст. Ўзбекистон бўйича меҳнатга ярокли кишиларнинг 39,3 фоизи чорвачилик ва қишлоқ хўжалигида меҳнат қиласи. Баъзи туманларда бу кўрсаткич 80-90 фоизни ташкил этади. Дунёдаги бошқа мамлакатларда бундай манзарани учратилмайди. Голландия қишлоқ хўжалигида меҳнатга ярокли кишиларнинг атиги 4 фоизи ишлайди. Юксак даражада тараққий этган мамлакатлар аҳолисининг 60 фоизи хизмат кўрсатиш соҳасида ишласа, Голландияда бу кўрсаткич 68 фоизга тенг<sup>138</sup>.

Албатта, тараққий этган давлатларда бўлгани сингари қишлоқ хўжалик экинларидан юқори ҳосил олиш учун аграр соҳада малакали мутахассисларга эътиборни кучайтириш лозим эди. Чунки, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари мамлакатга валюта тушумларининг 55 фоиздан ортигини таъминлайдиган муҳим экспорт манбаларидан бири ҳисобланар эди<sup>139</sup>. Аммо 1992-1994 йиллардаги эътиборсизлик натижасида Сурхондарёда 12 минг, Қашқадарёда 15 минг олий маълумотли қишлоқ хўжалиги мутахассислари ўз соҳасидан четлаштирилдилар. Аксинча, қишлоқ хўжалигини мутлақо билмайдиган қурувчиликар, ўқитувчиликар, савдо ва бошқа соҳа вакиллари аграр тармоқнинг бошқарув тизимиға жойлашиб олдилар. Бундай вазиятда қишлоқ хўжалигидан бўшатилган юқори малакали мутахассислар иш ахтариб, қўшни мамлакатларга кетиб қолдилар<sup>140</sup>.

Совет давридан қолган аграр соҳа мутахассисларига нисбатан беписандлик, ёш кадрларни тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш масаласига эътиборсизлик, қишлоқ хўжалик машиналарининг қаровсиз ташлаб қўйилиши мавжуд техникаларнинг асосий қисмини издан чиқарди. Техникани таъмирлаш учун эҳтиёт қисмларнинг етишмаслиги оқибатида қишлоқ хўжалиги йўналишида давлат режалари барбод бўлишига олиб келди. 1995 йилда Қашқадарё вилоятидаги Нишон, Муборак, Косон, Усмон Юсупов туманлари йиллик режаларини уddyалай олмаганлиги туфайли вилоят бўйича 14,8 минг тонна пахта ҳосили олинмади. Натижада, вилоят 1994 йилга нисбатан 20 минг

<sup>138</sup> Каримов И.А. Ислоҳотлар муваффақияти –истиқлол кафолати //Ўзбекистон: миллый истиқлол, иқтисод, сиёсат, мағкура. Асарлар тўплами, 1-жилд. –Тошкент: Ўзбекистон, 1996. –Б. 233-234.

<sup>139</sup> Қашқадарё вилоят ҳокимлиги жорий архиви, 8-баённома, 3-хужжат, 1996 йил, 17 январь. –Б. 3.

<sup>140</sup> Ашурев Ф.Инсон, сиёсат бошқарув. –Тошкент, 1995. –Б. 127.

тонна кам ҳосил олди<sup>141</sup>. 1995 йили пахта йигим–терими мавсумида техникадан яхши фойдаланилмагани оқибатида машина терими режаси 45 фоизга уддаланди<sup>142</sup>.

Шундай инқирозли вазиятда аграр соҳа мутахассисларини тайёрлаш ҳамда уларнинг ҳуқуқий онгини ўстириш орқали мавжуд камчилик ва муаммоларни бартараф этиш алоҳида аҳамиятга эга бўлди. Юксак ривожланган давлатларнинг тажрибаларига асосланиб, уни республика миқёсида жорий этибгина қишлоқ хўжалик соҳасидаги инновация лойиҳаларидан кенгроқ фойдаланиш, аграр тармоқларда янги техникаларни ишлаб чиқаришга жалб этиш мумкин эди<sup>143</sup>.

Вазирлар Маҳкамаси 1994-1995 йилларда қишлоқ хўжалиги йўналишида ислоҳотлар ўтказишга доир ўндан ортиқ қарорлар қабул қилиб, улар асосида қишлоқ хўжалик ишларини такомиллаштириш, мутахассислар малакасини ошириш ва уларни касби бўйича иш билан таъминлашга ҳаракат қилди. Жумладан, 1996 йилда Ўзбекистон Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги фаолиятини ташкил этиш масалалари тўғрисида»ги карори қабул қилинди. Унга кўра, қишлоқ хўжалиги ва сув хўжалиги вазирликлари бирлаштирилди. 1996 йил 3 апрелда Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан имзоланган «Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини давлат йўли билан қўллаб-куватлаш чора-тадбирлари тўғрисидаги» фармони қишлоқ хўжалиги соҳасида ислоҳотларни чуқурлаштиришга қаратилган қатор тадбирларни белгилаб берди<sup>144</sup>.

Қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш, соҳада самарадорликни оширишнинг муҳим омили мутахассисларни тайёрлаш ва малакасини оширишдир. Шу мақсадда 1997 йили Тошкент давлат аграр университетининг малака ошириш факультети Малака ошириш марказига айлантирилди. Марказ фаолиятининг асосий йўналишларига қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши мутахассисларининг малакасини ошириш, ўзининг ҳамда бошқа қишлоқ

<sup>141</sup> Қашқадарё вилоят ҳокимлиги жорий архиви, 8-баённома, 3-хужжат, 1996 йил, 17 январь. –Б. 12

<sup>142</sup> Каримов И. Бунёдкорлик йўлидан. Асарлар тўплами, 4-жилд. –Тошкент: Ўзбекистон, 1996. –Б.144.

<sup>143</sup> Рўзиев А.Н. Сурхондарё вилояти. –Термиз: Жайхун, 1996. –Б. 7.

<sup>144</sup>«Халқ сўзи» газетаси. 1996 йил, 4 апрель. –Б. 1.

хўжалиги олий ўқув юртлари ўқитувчиларининг ва қишлоқ хўжалиги коллажлари педагогларининг малакасини ошириш киритилди.

Қишлоқ хўжалиги мутахассисларининг малакасини ошириш 1997-1998 йилларда бир-икки ҳафталик семинарларни ўтказиш йўли билан амалга оширилди. 1998 йилда семинарларда 383 нафар мутахассис иштирок этди, шу жумладан, бош агрономлар - 37, агроном-ўсимликшунослар - 11, пахтачилик агрономлари – 11, ипакчилар - 3, ўсимликларни биологик ҳимоя қилиш бўйича агрономлар - 14, биолабораториялар техниклари - 45, зоотехниклар - 60, ветврачлар - 20, веттехниклар - 16, катта бухгалтерлар - 31, тафтишчилар - 29, гаражлар ва устахоналар мудирлари - 59, кадрлар бўлими ходимлари - 40 киши. 2000 йилда аграр университет базасида шахсий жадвал бўйича республикамиз бошқа олий ўқув юртларининг 7 нафар ўқитувчиси, шу жумладан Бухоро давлат университетининг 5 нафар, Самарқанд қишлоқ хўжалиги институти ва Қарши иқтисодиёт институтининг бир нафардан ўқитувчиси ўз малакасини ошириди<sup>145</sup>.

Фермерларнинг иқтисодий-хуқукий билимларини ошириш мақсадида 2002 йили Сурхондарё вилоятида фермер хўжаликларининг иқтисодий курси бўйича «интелект» Бизнес инкубаторларида ўқишилар ташкил этилди. Фермер хўжаликларининг раҳбар ва мутахассисларидан қирқ нафари ушбу курсни ўқиб тутатдилар<sup>146</sup>.

Ўзбекистонда ўрта маҳсус, касб-хунар таълими тизимини шакллантирилиши муносабати билан янги ташкил этилаётган академик лицей ва касб-хунар коллежлари ўқитувчилари ҳамда инженер-педагоглари малака ошириш курсларида ўқитиш долзарб вазифага айланди. Агросаноат ва қишлоқ хўжалик коллежларининг усталари ва мутахассис ўқитувчилари малакасини ошириш мақсадида 1998-1999 йилларда Бухоро озиқ-овқат ва енгил саноат технологияси институтида ташкил этилган 1 ҳафталик малака ошириш курсларида ўқиб қайтдилар<sup>147</sup>.

<sup>145</sup> Тошкент давлат аграр университети мустақиллик йилларида. –Тошкент, 2001. –Б. 80.

<sup>146</sup> Сурхондарё вилоят ҳокимлиги жорий архиви. 11-баённома, 8-хужжат, 2003 йил, ноябрь. –Б. 34.

<sup>147</sup> Сурхондарё вилояти давлат архиви, 564-фонд, 1-рўйхат, 17-иш, 244-варақ.

Касб-хунар коллекцияларининг кўплаб очилиши натижасида олий маълумотли усталар, мутахассислар ва маҳсус фан ўқитувчиларига бўлган талабни ошириб юборди. Айниқса, қишлоқ хўжалиги ва агросаноат учун зарур бўлган мутахассислар етишмовчилиги шароитида ўрта маҳсус маълумотли мутахассисларни олишга тўғри келди. Уларнинг катта қисми нопедагог йўналишдаги ходимлар эди. Колаверса, қишлоқ хўжалик коллекциялари учун керакли бўлган кадрлар камлиги боис машғулотларни номутахассис ўқитувчилар олиб борар эдилар. Коллекцияларда мутахассис ўқитувчилар етишмаслиги оқибатида ишлаб чиқариш ва дипломолди амалиётларини умумтаълим фан ўқитувчилари юклаб қўйилди. Бундай вазиятларда уларнинг ушбу гуруҳларга куратор бўлганликлари сабаб қилиб кўрсатилар эди. Мана шундай ҳолатларнинг барчasi таълим самарадорлигига салбий таъсир кўрсатар эди.

Юқорида қайд этилган хато ва камчиликларни бартараф этиш учун Термиз давлат университети ва Қарши давлат университети қошида малака ошириш факультетлари ташкил қилинди. Малака ошириш курсларида жами 144 соатлик дарсларни ўтиш йўлга қўйилди. Жумладан, 2001-2002 ўқув йилида ТерДУ қошидаги малака ошириш факультетида 280 нафар педагог ўз малакасини ошириб қайтди<sup>148</sup>.

Коллекциялни олий маълумотли мутахассислар билан таъминлаш учун 2001 йилдан эътиборан университетларда маҳсус сиртқи бўлимлар очилиб, уларда ўрта маҳсус маълумотли ўқитувчилар ва усталар ўқитилди. Қишлоқ хўжалик коллекцияларида нопедагог ва номутахассис кадрлар кўплиги ҳисобга олинниб, 2012 йилда малака ошириш факультетларида 4 ойлик қайта тайёрлов курслари ташкил этилди. Унинг аҳамияти шундаки, мутахассислиги тўғри келмайдиган коллаж ходимлари ишлаб чиқаришдан ажralган ҳолда, ўз ҳисобидан қисқа муддатли курсларда ўкиб, мутахассис бўлиш имконига эга бўлар эдилар. 576 соатлик юкламани бажаргач, уларга сертификат берилган. Фақат 2015 йилда Сурхондарё вилояти бўйича қисқа муддатли курсларни 126

<sup>148</sup> Сурхондарё вилояти давлат архиви, 564-фонд, 1-рўйхат, 16-иш, 101-варақ.

нафар колледж ўқитувчиси ўқиб тугатди. Шунинг 82 нафари агросаноат ва қишлоқ хўжалиги касб-хунар колледжлари ўқитувчилари бўлган<sup>149</sup>.

2015 йилга келганда аграр соҳа мутахассисларини тайёрлаш, уларни касбий малакасини ошириш давлат сиёсатининг устувор йўналишига айланди. Бунинг ўзига яраша сабаблари бор эди. Биринчидан, жаҳон бозорида Ўзбекистон валюта тушумларининг асосий манбаси бўлган пахтанинг харид нархлари кескин тушиб кетди. Иккинчидан, Ўзбекистонда пахта ҳосилдорлиги сезиларли даражада пасайиб, режада белгиланган ҳосилни олишнинг иложи бўлмай қолди. Бунинг устига, биринчи терим тугаганидан сўнг тайёрлов пунктларига топширилган пахта хом ашёсининг катта қисми 5-навга мансуб бўлиб, унга қилинган харажат ўзини оқламас эди. Шундай шароитда, пахта майдонларини қисқартириш ҳисобига полизчилик, сабзавотчилик, бодорчилик ва узумчиликни ривожлантириш орқали аҳоли турмушини қўтариш мақсадга мувофиқ бўлиб қолди.

Республика қишлоқ хўжалик тармоқларини зарур бўлган кадрлар билан таъминлаш ва мутахассислар малакасини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 2015 йил 3 ноябрда «Қишлоқ ва сув хўжалиги тармоқларини олий маълумотли юқори малакали кадрлар билан таъминлашни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 311-сонли қарорни қабул қилди. Қарорга кўра, 2015—2017 йилларда қишлоқ ва сув хўжалиги тармоқларини олий маълумотли мутахассислар билан таъминлаш дастури тасдиқланди. Дастурга кўра, қишлоқ ва сув хўжалиги тармоқларига таалукли бўлган колледжларни юқори малакали мутахассис кадрлар билан таъминлаш, уларни ўқитиш ва малакасини ошириш, ўқув режалари ва амалий самарадорлигини ошириш, ўқув жараёнида замонавий педагогик ва ахборот технологиялардан фойдаланиш, фан, таълим ва ишлаб чиқариш интеграциясини кучайтириш вазифалари кўрсатилди<sup>150</sup>.

<sup>149</sup> Сурхондарё вилоят ҳокимлиги ўрга маҳсус, касб-хунар бошкармасининг жорий архиви. 2012 йил. 2-хужжат, 6-баённома, 5-варак.

<sup>150</sup> Ўзбекистон Республикаси қонун хўжатлари тўплами, 2015 й., 44-сон, 563-модда.

Шу билан бирга, фермер хўжаликларининг малакасини ошириш, уларни илғор мамлакатлар тажрибаларидан фойдаланишга ўргатиш жуда зарур эди. Фермер хўжаликлари раҳбарлари ва мутахассисларининг касбий билимлари даражасини тизимли асосда оширишни, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришига илм-фан ютуқларини ва илғор ишлаб чиқариш тажрибасини, шунингдек менежмент ва маркетингнинг замонавий усулларини кенг жорий этиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси 2016 йил 21 апрелда «Фермер хўжаликлари раҳбарлари ва мутахассисларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини самарали ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 118-сонли қарорни қабул қиласди. Ушбу қарорнинг З-иловасига мувофиқ “Фермер хўжаликлари раҳбарлари ва мутахассисларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш курслари тўғрисида” Низом қабул қилинди. Низомга кўра, Тошкент давлат аграр университети ва унинг Нукус филиали, Тошкент ирригация ва мелиорация институти ва унинг Бухородаги филиали, Андижон ва Самарқанд қишлоқ хўжалик институтларида фермер хўжаликлари бошликлари ва мутахассислари малакасини ошириш минтақавий марказлари ташкил қилинди. Бундан ташқари, Республикадаги 156 та қишлоқ хўжалик касб-хунар колледжларида ҳудудий таянч ўкув базалари очилди<sup>151</sup>.

Низом қоидалари фермер хўжаликлари раҳбарлари ва мутахассисларининг касбий билимларини оширишга, фермерчиликни ривожлантиришнинг норматив-хукуқий базасини, шунингдек сўнгти илмий-инновацион ютуқлар ва фермер хўжаликларининг энг яхши илғор тажрибасини самарали ўзлаштирилишига йўналтирилган. Малака ошириш 36 соатли дастурлар бўйича мунтазамлилик асосида ташкил этилади ва фермер хўжаликлари раҳбарларининг уч йилда камида бир марта, фермер хўжаликлари мутахассисларининг – беш йилда камида бир марта малака оширишдан ўтиши тавсия этилади. Курс охирида тингловчилар тест синовларидан ўтиши, ундан

---

<sup>151</sup> Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2016 й., 17-сон, 174-модда.

муваффақиятли ўтганларга махсус сертификат топширилиши белгилаб қўйилди<sup>152</sup>.

Республикамиз аҳолисининг муттасил ўсиб бориши уни сифатли озиқовқат маҳсулотлари билан узлуксиз таъминлашни талаб қилмоқда. Қолаверса, сувга бўлган талаб ва эҳтиёж ҳам ортиб бормоқда. Сув иншоотларидан самарали фойдаланмай туриб, қишлоқ хўжалигида бирон-бир ютуқни қўлга киритиб бўлмайди. Гарчи, кейинги йилларда республикамизнинг олий таълим муассасаларида қишлоқ ва сув хўжалиги тармоқларининг турли йўналишлари бўйича 8 минг нафардан ортиқ муҳандис-техник кадрлар тайёрланган бўлсада, улардан самарали фойдаланишда хато ва камчиликларга йўл қўйилмоқда.

Шуни ҳисобга олиб, 2017 йил 24 майда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Қишлоқ ва сув хўжалиги тармоқлари учун муҳандис-техник кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3003-сонли Қарори қабул қилинди. Қарорга асосан, Тошкент ирригация ва мелиорация институти Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтига айлантирилди. Институт олдига қўйилган вазифалар каторига чет эллардаги етакчи таълим муассасалари ва илмий марказлари, жумладан А.Н. Костяков номидаги Қулай табиий мухит яратиш институти, К.А. Тимиризев номидаги Россия давлат аграр университети хузуридаги В.П.Горячкин номидаги механика ва энергетика институти, Москва давлат ер тузиш университети билан ўзаро ҳамкорлик муносабатларини ривожлантириш масаласи ҳам киритилди. Шу билан бирга, қишлоқ хўжалиги учун кадрлар етказиб берадиган касб-хунар коллажлари рўйхати эълон қилинди. Улар орасига Қашқадарё вилоятида 12 та, Сурхондарё вилоятида 13 та коллеж ҳам киритилди<sup>153</sup>.

Ўзбекистонда аграр соҳа мутахассислари малакасини ошириш ва қишлоқ хўжалиgidаги қолоқликни бартараф этишда халқаро алоқаларнинг ўрни катта бўлди. Жумладан, 2000 йилдан бошлаб Ўзбекистонда Tempus III лойихаси жорий этилди. Tempus – Европа Иттифоқи дастурларидан бири бўлиб,

<sup>152</sup> Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси, 27.12.2017 й., 09/17/1021/0465-сон.

<sup>153</sup> Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2017 й., 22-сон, 421-модда.

Иттифоқка аъзо бўлмаган ҳамкор давлатлар олий таълим тизимини ривожлантиришга кўмаклашиш учун қаратилган. Дастур бўйича Гарбий Болқон, Шарқий Европа ва Марказий Осиё давлатлари ҳамкор давлатлар сирасига киритилган. Темпус дастури Ўзбекистонда ўз фаолиятини Самарқанд ва Тошкентда 6 та тайёрлов лойиҳаси билан бошлаган. Дастурнинг учинчи босқичи амалга оширилган 2000-2006 йилларда жами 11,2 млн. евро миқдоридаги маблаг сарфланди. Темпус доирасидаги ҳамкорлик университетларни бошқариш, амалий фан ва техника, ижтимоий-гуманитар фанлар, иқтисодий фанлар, менежмент ва бизнес, таълим ва ўқитувчилар малакасини ошириш, институционал қурилиш, қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат саноати, тиббиёт фанлари, ишлаб чиқариш билан интеграция ва минтақавий ҳамкорлик каби йўналишларда амалга оширилди.

Университет бошқаруви соҳасида жорий этилган еттига лойиҳа халқаро алоқалар ва ходимларни ўқитиш бўлимларини тузиш орқали халқаро ҳамкорликни ривожлантиришга ёрдам берди. Жумладан, Тошкент аграр университети ва Ўзбекистон Миллий университети хузуридаги Таълим сифатини таъминлаш марказлари ташкил этилди. Тошкент, Андижон, Самарқанддаги тўртта қишлоқ хўжалик олийгоҳлари қишлоқ хўжалиги, экология ва сув ресурслари бўйича лойиҳада иштирок этишди. Қарши, Урганч ва Нукусдаги университетлар ҳамкорликда амалий экология соҳаси бўйича магистратура дастурини ишлаб чиқиши. 2000 йилда Темпус билан ҳамкорликда Самарқанд ва Қарши шаҳарларида тузилган иккита ресурс маркази ўқитувчилар ва талабаларни ўқув жараёнида ахборот технологияларидан узлуксиз фойдаланишга ўргатиб бориш учун замин яратди.

Ўрта маҳсус, касб-хунар таълими худудий бошқармалари грант маблаглари ҳисобидан қишлоқ хўжалик коллажлари ўқитувчиларини малака ошириш курсларига жалб қилдилар. Бу борада Корея Республикаси ҳукуматининг «Ўрта маҳсус, касб-хунар таълимини ривожлантириш» ва Фермания тараққиёт банкининг «Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида касб-хунар таълимини ривожлантиришга кўмаклашиш»

лойиҳаларидан<sup>154</sup> унумли фойдаланилди. Мазкур лойиҳалар доирасида малака оширган педагог ходимларнинг иш тажрибаларини оммалаштириш бўйича барча чоралар кўрилди.

Тан олиш керакки, гарчи Республика бўйича пахтачилик, пиллачилик, чорвачилик сингари тармоқларда маҳсулот етиштириш пасайган бўлса-да, ғаллачиликда ўсиш кузатилди. Негаки, мустақилликнинг дастлабки йилларида Ўзбекистон хукумати мамлакатнинг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини қондириш мақсадида жанубий ҳудудларда ғалла майдонларини кенгайтиришга эътибор қаратган эди. Ғалла майдонларини кенгайтириш билан бирга унинг ҳосилдорлигини ошириш борасида ҳам бир қатор ишлар қилинди. Ғалладан юқори ҳосил кўтаришда хорижий давлатлар билан ўрнатилган илмий алоқалар ва ўзаро тажриба алмашувларнинг ўрни катта бўлди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 25-августда 413-сонли қарори билан «Суғориладиган ерларда ғалла ва дуккакли ўсимликлар илмий-тадқиқот институти» ташкил этилди. Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 7-августдаги 344-сонли қарори билан институтнинг Республикаиздаги барча вилоятларда унинг филиаллари ташкил этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги илмий-ишлаб чиқариш маркази фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида»ги 2014 йил 10 февралдаги ПҚ-2125 сонли қарори, Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг 2014 йил 13 февралдаги 33-сонли буйруғи ва Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги илмий-ишлаб чиқариш марказининг 2014 йил 14 февралдаги 6-сонли буйруғи асосида институт «Дон ва дуккакли экинлар илмий-тадқиқот институти» номи билан қайтадан давлат рўйхатидан ўтказилди<sup>155</sup>.

Дон ва дуккакли экинлар илмий-тадқиқот институти Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги илмий-ишлаб чиқариш маркази тасарруфида тузилган бўлиб, у

<sup>154</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 26 январдаги «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги иили» давлат дастури тўғрисидаги ПҚ-1046-сонли қарори // Ўзбекистон Республикаси конун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 5-сон, 33-модда; 2010 й., 17-сон, 130-модда.

<sup>155</sup> [info@jim.uz](mailto:info@jim.uz) Научно-производственный центр сельского хозяйства и продовольственного обеспечения. Дон ва дуккакли экинлар илмий-тадқиқот институти сайтидан олинди.

Сугориладиган ерларда галла ва дуккакли ўсимликлар илмий-тадқиқот институти, Қашқадарё бошоқли дон экинлари селекцияси ва уругчилиги илмий-тадқиқот институти, Ўзбекистон Шолицилик илмий-тадқиқот институти ҳамда Ўзбекистон Маккажўхори илмий текшириш станциясининг хукукий вориси хисобланади.

Институт таркибида Қашқадарё филиали ҳамда Ғаллаорол, Тошкент шоли, дон ва дуккали экинлар, Маккажўхори селекцияси ва уругчилиги, Наманган, Фаргона, Самарқанд, Сирдарё, Сурхондарё, Бухоро, Навоий, Хоразм вилоятларида ва Қорақалпогистон Республикасида илмий тажриба станциялари мавжуд. Шу билан бирга Маркзий тажриба экспериментал участкаси, Истиқлол тажриба экспериментал участкаси, Тошкент тажриба экспериментал участкаси, Бахмал тажриба экспериментал участкаси, Касби тажриба экспериментал участкаси, Қамаши тажриба экспериментал участкаси фаолият олиб боради.

Институтнинг селекционер олимлари Республикаизни турли хил тупроқ ва иқлим шароитига мослаша оладиган, юқори маҳсулдор ва сифатли ҳосил берадиган кузги ва баҳорги бугдой навлари билан тъминлаш мақсадида Россия Федерациясининг П.П.Лукъяненко номидаги Краснодар қишлоқ хўжалиги илмий-тадқиқот институти, Саратовнинг «Юга-Востока» қишлоқ хўжалик илмий-тадқиқот институти ва Сербия давлатининг Нови-сад Далачилик сабзавотчилик илмий-тадқиқот институти, В.С.Пустовойт номидаги Краснодар мойли экинлар илмий тадқиқот институти, Халқаро ИКАРДА, СИММИТ илмий марказлари, Краснодар «Соевый комплекс» корхонаси билан илмий ҳамкорлик ишлари йўлга қўйилиб, кенг тармоқли илмий изланишлар олиб борди<sup>156</sup>.

Институт ва унинг филиал ҳамда илмий тажриба станциялари олимлари томонидан шу кунгача соҳа мутахассисларига оид 2 та монография, 50 дан ортиқ тавсияномалар, 100 дан ортиқ республикамизнинг нуфузли журналларида галла ва дуккакли экинлар янги навларини етиштириш агротехникаси ишлаб чиқариш жараённида фойдаланиш учун мутахассис

---

<sup>156</sup> [info@iim.uz](mailto:info@iim.uz) Научно-производственный центр сельского хозяйства и продовольственного обеспечения.

тавсияномаси ва мақолалар чоп этилиб, ишлаб чиқариш мутахассисларига тақдим этилди<sup>157</sup>.

Дон ва дуккакли экинлар илмий-тадқиқот институти Қашқадарё филиали соҳани ривожлантиришга ихтисослашган ICARDA, CIMMYT, FAO халқаро марказлари, Австралиянинг Сидней университети, Германиянинг Бонн университети, Туркия, Кения, Грузия, Қозоғистон, Озарбайжон қишлоқ хўжалик фанлар академиялари билан халқаро ҳамкорлик йўлга қўйилган. Ҳамкорлик асосида филиалда хорижий ва маҳаллий олимлар иштирокида «Генетика», «Бошоқли дон экинлари селекцияси ва уруғчилиги», «Бошоқли дон экинларида занг касалликлари фенологияси ва эпидемологияси ҳамда уларга қарши кураш», «Дала тажрибалари методикаси ва уларни статистик таҳлили», «Бошоқли дон экинларини етиштиришда ресурс тежамкор технологияларни жорий этиш» каби долзарб масалалар юзасидан доимий равишда тренинг курслар ўтказилди.

Ёш тадқиқотчиларнинг соҳа билим ва кўникмаларини эгаллаши билан бирга хорижий тилларни ўзлаштиришлари чет эл тажрибаларини ўрганиш учун замин яратди. Филиалнинг 15 дан ортиқ тадқиқотчилари соҳа бўйича ривожланган Туркия, АҚШ, Мексика, Марокаш, Хитой ва бошқа кўплаб мамлакатларда замонавий ғалла селекцияси, уруғчилик ва уруғшунослик, илғор етиштириш агротехникаси борасида малака ошириб келишди<sup>158</sup>.

Пиллачилик соҳасини ривожлантириш бўйича Хитой давлати билан олиб борилган илмий ва иқтисодий алоқалар муҳим аҳамият касб этди. 1998 йилда мамлакат ипакчилик саноатини пилла билан таъминлаш мақсадида хом ашёни хорижга чиқариш таъқиқлаб қўйилган эди. Аммо Ўзбекистон пиллачилик соҳаси бозор муносабатларига тўла ўтмаган, қолаверса, ипакчилик корхоналари пиллачилик харажатларини қопладиган даражадаги нархда хом ашёни сотиб олишга тайёр эмас эдилар. Бу эса тармоқнинг молиявий аҳволини оғир аҳволга солиб қўйди. Натижада соҳадаги етук мутахассисларнинг кўпчилиги кетиб

<sup>157</sup> [info@iim.uz](mailto:info@iim.uz) Дон ва дуккакли экинлар илмий-тадқиқот институти сайтидан олинди.

<sup>158</sup> [urug-don.uz](http://urug-don.uz), [library.zivonet.uz](http://library.zivonet.uz). Дон ва дуккакли экинлар илмий-тадқиқот институти Қашқадарё филиали сайти.

қолди. Пиллакорлар мөхнатига яраша ҳақ олмасликлари оқибатида ўз уйида пилла қўйувчилар сони йилдан-йилга камайиб борди. Агар 1990 йилда Сурхондарё вилояти қарийб минг тоннага яқин пилла топширган бўлса, кейинги ўн йилликларда ўртacha 600-700 тоннага тушиб кетди.

2009 йилда Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида пиллачилик корхоналарининг ташкил топиши тармоқнинг яна ривожланишига сабаб бўлди. Пиллачиликни тараққий эттириш халқаро алоқаларни йўлга қўйишни талаб қилган эди. Шу мақсадда 2010 йилдан эътиборан Ўзбекистон пиллачилик соҳаси мутахассислари малакасини ошириш учун Хитой давлатига жўнатиш бошланди. Хитойлик мутахассислар келиб Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларида семинар-тренинглар ўtkазиши. Сурхондарё вилоятидаги ташкил этилган «Сурхон ипаги» корхонаси Хитой тажрибаси асосида йилига икки марта ҳосил олишга эришди. Кейинчалик уч марта гача ҳосил олишни исботлаб беришди. Ангор туманида ташкил этилган пиллахона Республикадаги энг катта корхона сифатида эътироф этилди. Натижада вилоятда пилла ҳосилдорлиги яна минг тоннага етди.

Аммо йилига икки марта ҳосил олиш учун тут дарахти навини яхшилаш лозим бўлди. Бу борада тажрибали агроном-селекционер С.Хидаевнинг (1938-2019) тадқиқотлари муҳим бўлди. У хорижий тажрибадан фойдаланган ҳолда япон тути навини маҳаллий шароитга мослаштириб, унинг самарадорлигини асослаб берди. Шу тариқа, пиллачилик учун зарур бўлган кенг баргли тут билан таъминлаш имконияти яратилди. Шеробод ва Жарқўргонда тутчилик билан шугулланувчи фермер хўжаликлари ташкил этилди. С.Хидаевнинг ўзи 2009-2012 йиллар давомида хитойлик мутахассислар билан бирга тутчилик ва пиллачилик соҳасидаги агрономларга бир нечта семинарлар ташкил этди. Янги типдаги тутзорларни яратиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилди ва амалиётга жорий этилди<sup>159</sup>. Термиз давлат университети доценти и.ф.н. С.Ҳамидова

<sup>159</sup> Мирзаходжаев А.М. ва бошқалар. Республика фермер хўжаликларида ва Ўзпаҳтасаноат уюшмаси заводларининг пахта қабул қилиш худудларида ипак куртларини парваришлаш жараёнлари хамда жадал усулда янги бута тутзорлар ташкил этиш бўйича қўлланма. –Тошкент, 2013.

«Ипакчилик тармогида инвестициялар ҳисобини ташкил этиш методологияси» мавзусида тадқиқот ишларини олиб борди.

Хулоса қиладиган бўлсак, мустақиллик йилларида Ўзбекистонда қишлоқ хўжалик кадрларини тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш бўйича кўпгина ҳукумат қарорлари эълон қилинди. Ўзбекистон қишлоқ хўжалик ходимлари хорижда қўлга киритилган илгор ютуқлардан самарали фойдаланиб, уларни Ўзбекистон шароитига тадбиқ этишмоқда. Зоро, инновацион технологиялар асосида қишлоқ хўжалигидаги муаммоларни бартараф этиш омилларидан бири – аграр соҳада замонавий билим ва кўникмага эга, жаҳон андозаларига мос дунёқарашга эга мутахассисларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш қишлоқ хўжалиги соҳасини ривожланишининг муҳим омилидир.

### **3.2. Аграр соҳа ходимларининг майший турмуши ва уларни ижтимоий ҳимоялаш масалалари**

Ҳар бир давлат халқига етарлича турмуш шароитини яратиш ва жаҳон хамжамиятида муносиб ўрнини эгаллаш максадида ўз тараққиёт йўлини мустақил белгилайди. Шу жумладан, ёш Ўзбекистон давлати ҳам бозор иқтисодиётига ўтар экан, ўзининг йўлини танлашга мажбур эди. Янги танланган йўл мамлакат иқтисодиётини кўтариши, бинобарин ишсизлик даражасини пасайтириши ва аҳоли турмуш даражасини ошириши лозим эди.

Жаҳон мамлакатлари иқтисодий моделлари ўрганилганда уларнинг ўзларига хос бўлган андозаларга эга бўлганликларини кўриш мумкин. Масалан: «америкача андоза»да эркин бозор муносабатлари айниқса кучли роль ўйнайди, «япон» ва «француз» андозаларида хўжалик фаолиятини ташкил қилишда давлатнинг иштироқи катта бўлди. «Немис» ва «швед» андозаларида ижтимоий йўналиш нихоятда устувордир. Халқаро Валюта фонди, Жаҳон банки, Европа қайта тиклаш ва тараққиёт банки ҳамда бошқаларнинг фаол қатнашуви билан ишлаб чиқилаётган Лотин Америкаси ва Африка мамлакатларининг андозаларида асосий эътибор иқтисодиётини барқарорлаштиришга, бюджет

камомадини кескин камайтиришга, илк босқичда нарх-навони эркин қўйиб, кейинчалик таркибий ўзгартиришларни амалга оширишга қаратилади. Жануби-Шарқий Осиёнинг саноати ривожланган янги мамлакатлари – Сингапур, Жанубий Корея, Тайван ва Гонконгнинг андозаларида асосий эътибор импорт моллар ўрнига ўзларига маҳсулот ишлаб чиқариш ва экспортни ривожлантириш орқали ички муаммоларни ҳал қилишга қаратилган<sup>160</sup>. Россия Федерациясида эса, бозор иқтисодиётига ўтишнинг «Беш юз кун» дастури ишлаб чиқилди ва амалиётга татбиқ этилди.

Эндиғина мустақил бўлиб, миллий давлатчиликни барпо этаётган Ўзбекистон АҚШ, Канада, Англия, Испания, Голландия, Германия каби дунёнинг ривожланган мамлакатларнинг аграр соҳага оид моделларини дикқат билан ўрганиб чиқиб, уларнинг ижобий томонларини кабул қилиб иқтисодиётимиз ривожига жорий этди.

1991 йилда Республика аҳолисининг 60 фоизидан кўпроғи қишлоқ жойларида яшар эди. Аҳоли таркибида болалар ва ўсмирларнинг салмоғи юқори эди. Чунончи, Россия ва Беларусда 15 ёшгача бўлган болалар ва ўсмирлар 24 фоиздан сал кўпроқни, Қозоғистонда 33,2 фоизни ташкил қиласа, Ўзбекистонда эса 43,1 фоизни ташкил қилди. Республикалардаги жами аҳолининг ярмидан кўпроғи - болалар, ўқувчи ёшлар, нафақадорлар, яъни ижтимоий жиҳатдан ҳимояга муҳтож табақалар бўлган. Республикада оиланинг ўртacha сони 5,5 кишидан иборат бўлган, бир қанча вилоятларда эса 6 кишидан ошган, ваҳоланки, бу кўрсаткич МДҲнинг Европа қисмидаги мамлакатларда 3,2 кишини ташкил этган эди. Ҳисоб-китобларнинг кўрсатишича, қишлоқларимизда 6,5 миллион меҳнатга лаёқатли одам бўлган. Ачинарли томони, 1990 йилда республика аҳолисининг 70 фоизига яқини жуда паст даромадга эди. Айни маҳалда Россия ва Украинада аҳолининг 30 фоизга яқинигина шундай аҳволда кун кечирганди. Меҳнатга лаёқатли аҳолини иш билан таъминлаш ҳам мураккаб муаммо бўлиб қолган эди<sup>161</sup>.

<sup>160</sup> Каримов И. Ўзбекистон - бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли // Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёsat, мафкура. Асарлар тўплами. 1-жилд. –Тошкент. Ўзбекистон, 1996. –Б. 281-282.

<sup>161</sup> Каримов И. Асарлар тўплами. 1-жилд. –Тошкент. Ўзбекистон, 1996. –Б. 277, 285.

1991 йили Республика аҳоли нисбатида Сурхондарё вилояти аҳолиси 6,49 фоизни ташкил этар, унинг 75 фоиздан ортикроги қишлоқда яшар эди. Аҳолини кенг истеъмол моллари ва озиқ-овқат билан таъминлаш ниҳоят даражада оғир бўлган. Аҳолини қанд билан таъминлаш 12 фоизни, гўштли консервалар 85 фоизни, кийим-кечак 29 фоиз, пахта газмоллари 75 фоиз, жун матолари 21 фоиз, телевизор ва музлаткич билан таъминлаш атиги 15 фоизни ташкил этган эди<sup>162</sup>.

Қишлоқда аҳоли турмуш шароитини яхшилаш ва меҳнат самарадорлигини ошириш мақсадида замон талабларига мос келадиган, пухта ўйланган қарорлар қабул қилиш лозим эди. Қишлоқ аҳолисининг ижтимоий турмуш тарзини яхшилашнинг асосий омили аҳолининг кундалик эҳтиёжларни қондириш, шу асосида қишлоқ хўжалик мутахассисларининг ишга муносабатини тубдан ўзгартириш, ерга меҳрни кучайтириш, касбий садоқатни кучайтириш масаласи муҳим аҳамият касб этди. Айниқса, ичимлик суви, электр ва газ билан таъминлаш, аҳоли ва қишлоқ хўжалиги мутахассисларининг онг-тафаккурини ўстириш долзарб масалага айланди. Шуни ҳисобга олиб, Ўзбекистон ўз тараққиёт моделини ишлаб чиқди. Бу йўл тарихда «ўзбек модели» деб ном олди. Ушбу модель иқтисодиётимиз, жумладан, қишлоқ хўжалигини замон талаблари асосида кўтариш, аҳолини иш билан банд қилишга қаратилган бир қатор чоралар кўришни кўзда тутар эди.

Ўзбекистон пахтасини экспорт қилишда катта қийинчиликлар вужудга келганлиги боис бу соҳага эътибор йилдан-йилга камайтириб борди. Пахта экспортининг қисқариши натижасида қишлоқ хўжалигига юз минглаб ишсизлар пайдо бўлди. Бу ҳолат, айниқса қишлоқларда ўз таъсирини кўрсатди. Пахта экин майдонларининг қисқариши, пахта етиштириши режа асосида камайиши бир томондан бошқа экин турларини кўпроқ экишга имконият яратсада, иккинчи томондан, агроном мутахассисларга эътиборнинг камайиши барча турдаги қишлоқ хўжалик экинларининг навлари, сифати ва ҳосилдорлик

---

<sup>162</sup> Бозор иқтисодиёти янгича иш юритишни тақозо этмоқда. «Ленин байробоги» газетаси, 1991 йил 28 июнь.

даражасининг пасайишига сабаб бўлди. Пахтачиликда ишлаб келаётган минглаб кишилар иш ахтариб хўжаликнинг бошқа соҳаларига жойлашдилар.

Жумладан, 1988-1993 йилларда Термиз тумани аҳолиси 10 минг кишига кўпайган. Аҳолининг йиллик ўсиши 2 минг кишини ташкил этиб, меҳнат ресурслари 1,5 минг кишига ортган. Инқироз туфайли тумандаги ишсизлар сони 1618 кишига етган. Уларнинг учдан икки қисми ёшлар эди. 1993 йили меҳнат биржасига мурожаат этган ишсиз 231 кишидан 137 нафари турли соҳалар бўйича жойлаштирилди. 32 кишига вақтинчалик ишсизлик нафақаси берилди<sup>163</sup>.

Кейинчалик қишлоқ хўжалигидаги стратегик йўналишлардан келиб чиқиб, миллий иқтисодиётнинг барча соҳа ва тармоқлари олдида турган вазифа ва мақсадлар янада аниқлаштирилди ва такомиллаштирилди. Мамлакатнинг иқтисодий салоҳияти, халқимизнинг миллий урф-одатлари, интеллектуал даражаси, демократик бошқарув шакли ҳамда келгусидаги мақсад-режаларни мужассам этган миллий иқтисодий тизим таркиб топди.

Қишлоқ ижтимоий тузилмасини замонавийлаштириш, ижтимоий соҳадаги мавжуд камчиликларни бартараф қилиш давлат сиёсатига айланди. Бозор механизимларини жорий этишдан олдин инсонларни ижтимоий ҳимоя қилиш тадбирлари амалга оширилди.

Мулкчилик шаклларининг кўпайиши натижасида Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларида қишлоқ ёшларини иш билан таъминлаш учун катта имкониятлар яратилди. Қишлоқ жойларида қичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада кенгайтириш масаласига эътибор кучайтирилди. Касаначилик ва оиласиий бизнес билан шуғулланувчи тадбиркорлар ўз лойиҳалари билан ижтимоий-иқтисодий ҳаётга кириб келдилар.

Қишлоқ хўжалигига ўтказилган ислоҳотлар ўз натижасини бера бошлади. Хусусан, Сурхондарё вилоятида 1997 йилда қишлоқ хўжалигига ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 32612,5 миллион сўмдан 1998 йилги 48361,6 миллион

---

<sup>163</sup> Мақсадимиз иш билан таъминлаш. «Учқизил тонги», 1994 йил 19 март.

сўмни ташкил этди<sup>164</sup>. Бу эса, қишлоқ хўжалик мутахассисларининг турмуш даражасини оширишда ижобий роль ўйнади.

Шундай бўлсада, Сурхондарё қишлоқларида ижтимоий-иктисодий муаммоларни ҳал этиш оқсамоқда эди. Аҳолини табиий газ ва ичимлик сув билан таъминлаш борасида олиб борилаётган ишлар замон талабларига жавоб бермас эди. 2001 йилда хонадонларни газлаштириш даражаси вилоят бўйича 58 фоизни, қишлоқ жойларида эса 51 фоизни ташкил этди. Бу эса мамлакат миқёсидаги энг паст кўрсаткичdir. 2001 йил давомида газ ва сув тармоқларини ишга тушириш суръатлари янада пасайиб, Бандиҳон, Қизириқ, Кумқўргон, Шеробод туманларида 2-3 бараварга камайди. Вилоятда аҳолига коммунал хизмат кўрсатиш соҳасида бирорта ҳам муқобил корхона ташкил этилмади. Аҳолининг ўсиш суръатлари йилига 33 минг кишини ташкил этган бир пайтда янги иш ўринлари яратишга етарлича эътибор берилмади. Натижада ишсиз фуқаролар сони салкам 40 минг кишига етди. Бандиҳон, Денов, Термиз, Узун туманларида меҳнат бозоридаги вазият кескинлигича қолди<sup>165</sup>.

Қашқадарёдаги вазият ҳам яхши эмас эди. Табиий иқлим шароити қулай, ери ҳосилдор бўлишига қарамасдан, вилоятда 1998-1999 йилларда кўзда тутилганидан 57 минг тонна пахта кам етиштирилиб, давлатга пахта сотиш режалари бажарилмади. Фақат 1999 йилнинг ўзида вилоятдаги 14 та тумандан 9 таси, пахта етиштиришга ихтисослашган 176 та хўжаликдан 96 таси давлат буюртмасини бажара олмади. Баҳористон, Гузор, Нишон, Муборак туманларида ҳосилдорлик гектарига 15-17 центнерга тушиб қолди. Бу кўрсаткич 36 та хўжаликда 20 центнердан, 26 та хўжаликда 15 центнердан, 9 та хўжаликда эса 10 центнердан ошмади.

Ғаллачиликдаги аҳвол янада оғирроқ бўлди. Бошоқли дон етиштириш режаси 1998 йилда 77 фоиз, 1999 йили 75 фоиз бажарилган бўлса, 2000 йилда бундан ҳам паст даражада – 41 фоизда қолиб кетди. Давлатга дон сотиш режаси атиги 59 фоизни ташкил этди. Қишлоқ хўжалигининг бошқа соҳаларида ҳам

<sup>164</sup> Турсунов С.Н., Қобилов Э.О., ва бошқалар. Сурхондарё тарих кўзгусида. –Т.: Шарқ, 2001. –Б. 338.

<sup>165</sup> Каримов И. Раҳбар, етакчи ўзи ёниб, ўзгаларни ҳам ёндириб яшashi керак. Халқ депутатлари Сурхондарё вилоят кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида сўзланган нутқи. 2002 йил 21 февраль // Ҳавфисизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. Асалар тўплами. 10-жилд. –Тошкент: Ўзбекистон, 2002. –Б. 226-228.

маҳсулот етиштириш ҳажми йил сайн пасайиб борди. Сабзавот ҳосилдорлиги 1999 йили 1998 йилга нисбатан 24 центнерга камайиб кетди, картошкадан гектарига 59 центнер, мева ва узумдан эса 23-31 центнер ҳосил олинди, холос.

Қишлоқ хўжалигидаги ночор аҳвол ижтимоий-иктисодий муаммоларни ҳал этишга имкон бермади. 1999 йилда вилоят бўйича аҳолининг 26 фоизи тоза ичимлик суви билан, 42 фоизи табиий газ билан таъминланмади. 2000 йилда ҳукумат қарори билан режалаштирилган 56 та қишлоқдан факат 21 тасига табиий газ, 45 та қишлоқдан атиги 6 тасига ичимлик сув етказиб берилди<sup>166</sup>. Шундай оғир бир шароитда, бутун хўжалик тизимини тубдан ўзгартириш ва аграр ислоҳотларни жадал амалга оширишдек машаққатли вазифа кун тартибида турган долзарб вазифа эди. Бор куч ва эътибор – мамлакат иқтисодиётини кўтариш, ҳалқ фаровонлигини ошириш ва ялпи ички маҳсулот ҳажмини кўпайтиришга қаратилди.

Қишлоқ аҳолиси фаровонлигини ошириш, аҳолини ижтимоий муаммоларини ҳал этиш мақсадида 2005-2007 йиллар давомида, Республика бўйича, асосан қишлоқ жойларида қарийб 1 миллион 650 минг квадрат метр турар жой, 490 километрдан ортиқ табиий газ, салкам 700 километрлик ичимлик суви тортилди<sup>167</sup>. Шу туфайли ичимлик суви билан таъминлаш 2007 йилда 55 фоиздан 64 фоизга кўпайди. Аҳолини газ билан таъминлаш 44,6 фоиздан 67,1 фоизга, жумладан, қишлоқда 19,3 фоиздан 53,6 фоизга ошиди. Аммо Қашқадарё вилояти мамлакатимизни 96 фоиз табиий газ билан таъминлагани ҳолда, Чироқчи тумани бор–йўғи 9,9 фоизга газлаштирилган эди<sup>168</sup>.

2011 йилнинг «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» деб эълон қилиниши Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятлари қишлоқ аҳолисининг ҳукуқий маданиятини юксалтириш, қишлоқ аҳолисини турмуш даражасини ошириш, кундалик аҳоли эҳтиёжларни таъминлаш борасида муҳим аҳамиятга эга

<sup>166</sup> Мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланиш - юксалиш гарови. Ҳалқ депутатлари Қашқадарё вилоят Кенгаши сессиясида сўзланган нутки, 2000 йил 28 июль// Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз. Асалар тўплами. 9-жилд. –Тошкент: Ўзбекистон, 2001. –Б. 31-32, 35.

<sup>167</sup> Каримов И. Мамлакатни модернизация қилиш ва иқтисодиётимизни баркарор ривожлантириш йўлида. Асалар тўплами, 16-жилд. –Тошкент: Ўзбекистон, 2008. –Б. 293.

<sup>168</sup> Қашқадарё вилоят ҳокимлиги жорий архиви, 1-баённома, 5-хужжат, 2007 йил, 16 март. –Б. 29.

бўлди<sup>169</sup>. Шу муносабат билан қабул қилинган дастур қишлоқ ёшларининг хунармандчилик, касаначилик, бизнес билан шугулланиши, ҳар бир хонадонда хунармандчилик корхонларини ташкил этишга имкон берди. Жанубий вилоятларида агарар соҳа мутахассисларини тайёрлаш, ишсизликни олдини олиш, янги иш ўринларини яратиш, замонавий бошқарув тизимини қишлоқ ҳаётига жорий қилиш, хорижий мамлакатларда қишлоқ хўжалик йўналишида тажриба орттириб келган мутахассисларни иш билан таъминлаш, уларни қишлоқ хўжалик техникаси билан яхширок таъминлаш учун зарурий маблаглар ажратилди.

Амалга оширилган ишлар туфайли 2012 йили Қашқадарё вилоятида ялпи ҳудудий маҳсулот 4,5 фоизга, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари 7,3, капитал қўйилмалар ҳажми 26,6, чакана савдо айланмаси 20,5, пудрат ишлари 12, хизматлар кўрсатиш 18,5 фоизга ўсади. 2012 йилда тижорат банклари томонидан иқтисодиётнинг реал тармоқларига 935,5 миллиард сўм ҳажмида кредит ажратилди. Ўз навбатида, кичик бизнес субъектларининг ялпи ҳудудий маҳсулотдаги улуши 57,6 фоизга етди. Шуларга мос равишда ҳудудда бандлик дастурига кўра, 88 минг 790 дан ортиқ иш ўрни яратилди.

Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш ҳисобига Сурхондарё вилоятида 2012 йилда ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажми 9,9, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 7,4, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳажми 6,6, бунёдкорлик соҳасидаги кўрсаткич 17,2 фоизга, пудрат ишлари 11,6, капитал қўйилмалар 12,9, чакана савдо 12,7, ҳалқ истеъмоли моллари ҳажми 5,3 фоизга ўсади. Бандлик дастурига мувофиқ, 65 минг 955 та иш ўрни ташкил этилиб, шулардан 58 минг 894 таси қишлоқ жойларда очилди. Шу жумладан, агарар соҳа мутахассислари фаолияти билан бөглиқ 40,1 минг иш ўрни яратилди. Бунда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка алоҳида эътибор қаратилгани муҳим омил бўлди. Қишлоқларда намунавий лойиҳалар асосида уй-жойлар барпо этилиб, қишлоқларда йўл-транспорт ва коммуникация тармогини янада

<sup>169</sup> Қашқадарё вилояти ҳокимлиги жорий архиви материаллари: Халқ депутатлари Қашқадарё вилояти Кенгашининг II/I сессияси материаллари. 2012 йил 14 февраль. –Б. 28.

тараққий этди. Қишлоқларда янги иш ўринлари ташкил этилиб аҳолининг ижтимоий бандлиги мустаҳкамланди<sup>170</sup>.

2013 йил қабул қилинган «Обод турмуш йили» Давлат дастурида аграр соҳа мутахассислари учун моддий-маънавий шароитларни яратиш, қишлоқ турмуш тарзини яхшилаш учун шарт-шароитларни яратишни белгилаб берди. Чунки қишлоқ аҳолисининг ижтимоий-иқтисодий турмуш тарзини юксалтирумай туриб мавжуд муаммоларни бартараф этиб бўлмаслиги аниқ бўлиб қолмоқда эди. Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятлари қишлоқлар ҳаётини яхшилаш учун транспорт ва коммуникация соҳасини янада ривожлантириш, аҳоли учун намунавий лойиҳалар бўйича қурилаётган уй-жойларни ўз вақтида фойдаланишга топшириш, ижтимоий соҳа ва ишлаб чиқариш инфратузилма обьектларини бунёд этиш, аҳолини ичимлик суви, табиий газ, электр энергия билан таъминлашга қаратилган амалий чора-тадбирлар амалга оширилди<sup>171</sup>.

2009–2013 йилларда биргина Қашқадарё вилоятида намунавий лойиҳалар асосида 3560 та тураржой бунёд этилди. Аҳолининг талаби инобатга олиниб, 2014 йилда яна 1172 та ана шундай уй-жой қурилиши режалаштирилди. Ўзбекистон Президентининг 2013 йил 15 ноябрдаги «Қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар бўйича якка тартибдаги уй-жойлар қурилишининг 2014 йил дастури тўғрисида»ги ПҚ-2068-сонли қарорига мувофиқ, Сурхондарё вилоятининг 24 та, Қашқадарё вилоятининг 36 та массивида намунавий турар-жой қурилиши белгиланди<sup>172</sup>. Бу массивларда, шаҳарсозлик талабларига биноан, савдо ва майший хизмат кўрсатиш обьектлари, мактаблар, болалар боғчалари, шифохона, КВП ҳамда бошқа ижтимоий соҳа обьектлари ҳам ишга туширилди. Ғузор туманидаги «Мустақиллик» маҳалла фуқаролар йигинида қисқа фурсат ичида 390 та уй қурилгач, 250 га яқин оила қўчиб кирди. Шаҳарчада, шунингдек, тадбиркорлар ташаббуси билан 2 та нон цехи, шунча савдо дўкони, битта тикувчилик цехи, болалар боғчаси, 400 ўринли мактаб биноси фойдаланишга топширилди<sup>173</sup>.

<sup>170</sup>«Халқ сўзи» газетаси, 2013 йил 8 февраль, № 27 (5701).

<sup>171</sup>«Халқ сўзи» газетаси, 2013 йил 8 февраль, № 27 (5701).

<sup>172</sup> Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2013 й., 47-сон, 615-модда; 2014 й., 29-сон, 356-модда; 2015 й., 1-сон, 1-модда

<sup>173</sup>«Халқ сўзи» газетаси, 2014 йил 6 март, № 46 (5976).

Қишлоқ хўжалиги билан бөглиқ лойиҳаларни бажаришда айрим жойларда сунъий тўсиқларга дуч келинди. Масалан, Китоб туманида 2012 йил давомида қишлоқ ҳудудларида аҳолини ижтимоий-турмуш тарзини кўтариш мақсадида озиқ-овқат саноатида 20 га яқин лойиҳа амалга оширилиб, юздан ортиқ иш ўринлари яратилган бўлсада, лойиҳа учун зарур маблаглар ўтказиб бериш маҳсус тўхтатиб турилди. Жумладан, тумандаги «Megapolis texnology group» хусусий фирмаси Украина технологияси асосида йодланган ош тузи ишлаб чиқаришни йўлга қўйди. Кунига 10 тонна туз «Оқ дур» ва «Биллур» ёрликлари остида қадоқланиб, буюртмачиларга етказиб бериши кўзда тутилди. Бироқ иш хақининг вақтида берилмаслиги оқибатида мутахассислар иш жойидан кетиб қолдилар<sup>174</sup>. Уларнинг кўпчилиги чет элларга кетишга мажбур бўлишган. 2017 йилнинг якунига кўра, Қашқадарё вилоятидаги 97 мингдан ортиқ одам иш излаб чет элларга кетишган. Уларнинг асосий қисми қишлоқ аҳолиси бўлган. Бундан ташқари, кўп одамларнинг уйда норасмий ҳунар билан шугулланиши натижасида ижтимоий ҳимоя ва кексайганда нафақага чиқиш билан бөглиқ қатор муаммоларнинг тугилишига олиб келди.

Сўнгги йилларда Ўзбекистон Президенти бошчилигига қишлоқларда ишсизликни тугатиш масаласида кўпгина амалий тадбирлар қилинмоқда. Сурхондарё вилоятида қишлоқ аҳли билан учрашувлар ва уйма-уй юриш натижасида аниқланган ишсиз ёшларнинг бандлигини таъминлаш борасида қатор лойиҳалар амалга оширилди. Жумладан, 2020 йилнинг февралида Шеробод туманидаги Гулистон маҳалласида «Бир миллион туп кўчат» акцияси ўтказилди. Ушбу акция доирасида маҳалла худудидаги фойдаланишдан чиқиб қолган кенг адирликда барпо этилаётган «Ёшлар боги» дан кам таъминланган оиласарда яшаётган 120 нафар ишсиз йигит-қизнинг ҳар бирига 20 сотихдан ер майдони ажратилди. Ажратилган ерларнинг хаммасига арча ва анор кўчатлари экилди. Мутахассисларнинг фикрига кўра, 20 сотих ерда ўртacha 200 туп анор парваришланади. Ҳар бир дараҳт 50 килограммгача ҳосил беради. Бу эса одамларнинг турмушини яхшилашга

<sup>174</sup>«Халқ сўзи» газетаси, 2013 йил 9 февраль, № 28 (5702).

хизмат қилади. Кўчатлар ҳосилга киргунига қадар бу ерда сабзавот экинларини экиб даромад олиш йўлга қўйилди<sup>175</sup>.

Мустақиллик йилларида қишлоқларда соғлиқни саклаш ишларига алоҳида эътибор қаратилди. Чунки, истиқлолнинг ilk йилларида турмуш даражасининг кескин тушиши аҳоли саломатлигини саклашда жиддий қийинчиликларни келтириб чиқарган эди. Қишлоқларда тоза ичимлик суви билан таъминланиш даражасининг пастлиги, майший чиқиндиларни олиб кетиш йўлга қўйилмаслиги, оддий санитария-гигиена қоидаларига риоя этмаслик аҳоли ўртасида юқумли касалликларнинг кўпайишига олиб келди. Натижада қишлоқларда аграр соҳа ходимлари ва уларнинг оила аъзолари ўртасида турли хил касалликларнинг пайдо бўлганлигини қўйидаги маълумотлардан билиш мумкин. Жумладан Термиз туманида 1993 йилда 40 га яқин киши гепатит касаллиги билан оғриганлиги, 29 киши гепатит ташувчиси эканлиги аниқланди. Бундан ташқари, 14 та ич терлама, 18 та паратиф касаллиги қайд этилди<sup>176</sup>. 1992-1993 йилларда Сурхондарё вилояти қишлоқларида ёш болаларнинг дифтерия (бўғма) касаллигидан нобуд бўлиш холатлари тез-тез учраб турди. Афсусланарли томони, соғлиқни саклаш тизимиға маҳаллий бюджетлардан етарлича маблағ ажратилишига қарамасдан, уларнинг каттагина қисми ишлатиласдан қолаверди. Фақат Қашқадарё вилоятининг ўзида 1995 йилнинг 9 ойида соғлиқни саклаш учун ажратилган маблағнинг 66 миллион 400 минг сўми фойдаланилмади<sup>177</sup>.

Қашқадарё вилоятидаги тиббиёт муассасаларидағи вазият ҳам оғир эди. 1995 йилги маълумотга кўра, 43 та қишлоқ касалхонасининг 80 фоизида, 177 та қишлоқ врачлик амбулаториясидан 60 фоизи, 678 та фельдшерлик – доялик пунктидан 84 фоизида шароит яратилмаган эди. Дехқонобод, Касби, Нишон, Яккабоғ туманларида тиббий хизмат сифатининг пастлигидан касалланиш ҳар 10 минг кишига 9 -11 фоизга етди<sup>178</sup>.

<sup>175</sup> <https://www.facebook.com/surxondarvomatbuot.uz/posts/656441541834846>. Сурхондарё вилоят ҳокимлиги Матбуот хизмати.

<sup>176</sup> Тозалик соғлиқ гарови. «Учқизил тонги» газетаси, 1994 йил 19 март.

<sup>177</sup> Қашқадарё вилоят ҳокимлиги жорий архиви, 3-баённома, 19-хўжжат, 2010 йил, 25 февраль. –Б. 26.

<sup>178</sup> Каримов И. Бунёдкорлик йўлидан. Асарлар тўплами, 4-жилд. –Тошкент: Ўзбекистон, 1996. –Б.141.

Соглиқни сақлаш тизимидағи мана шундай ҳолатларни олдини олиш ва ахолига малакали тиббий хизматни йўлга қўйишда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 10 ноябрда қабул қилган «Ўзбекистон Республикаси соглиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш давлат дастури тўгрисида»ги ПФ-2107-сонли Фармони<sup>179</sup> муҳим аҳамият касб этди. Унга кўра, юртимизда шошилинч тез тиббий ёрдам кўрсатиш тизими вужудга келди. Ушбу дастурнинг амалиётга кенг татбиқ этилиши натижасида ахолига тиббий хизмат кўрсатиш сифати анча яхшиланди. Қишлоқ врачлик пунктларининг кўпчилигига тиббий машиналар ажратилди. Қишлоқлар ахолисини дифтерия касаллигидан сақлаш учун 1996 ва 2001 йилларда оммавий эмлаш тадбирлари ўтказилди. Шу даврда Сурхондарё вилоят соглиқни сақлаш тизимида 389 та тиббиёт муассасалари, 241 та қишлоқ врачлик пункти, 1 та шаҳар врачлик пункти, 72 та даволаш профилактика муассасалари ахолига тиббий хизмат кўрсатди<sup>180</sup>.

Гарчи, Республикамиз ҳукумати соглиқни сақлаш тизимини ривожлантириш учун кўп ишларни амалга оширган бўлсада, соҳадаги мавжуд нуқсон ва камчиликлар ахолининг хақли эътиrozларига сабаб бўлаётган эди. Масалан, 2010-2012 йилларда Сурхондарё вилоятидаги 67 та тиббиёт муассаси капитал реконструкция ва қайта таъмирлашга муҳтоҷ бўлиб, уларнинг аксариятидаги муҳандислик тармоқлари талабга жавоб бермас эди. Айниқса, Шеробод, Сариосиё ва Қизириқ туманларида ахолининг касалликка чалиниш даражаси вилоятдаги ўртacha кўрсаткичлардан юқори экани, айрим шаҳар ва қишлоқларда мутахассис шифокорлар ва маҳсус тиббий транспорт воситалари етишмаслиги ташвишланарли ҳол бўлиб қолди<sup>181</sup>.

Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятлари соглиқни сақлаш тизимидағи оғир ахвол ташвиш уйготмай қолмас эди. Бундай вазиятда Республика ҳукумати қатор амалий тадбирларни амалга оширди. Хусусан, 2012 йилда Қашқадарё вилояти Қамаши туманидаги тиббиёт бирлашмаси учун янги бино барпо

<sup>179</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, 10-11-сон, 204-модда.

<sup>180</sup> Сурхондарё вилоят ҳокимлиги жорий архиви, 3-баённома, 15-хужжат, 2001 йил, 3 февраль. –Б. 6.

<sup>181</sup> Сурхондарё вилоят ҳокимлиги жорий архиви, 5-баённома, 5-хужжат, 2013 йил, 6 январь. –Б. 10.

этилиб, бу ерда 3 миллиард 450 миллион сўмлик маблағ эвазига қурилиштаъмираш ишлари бажарилди. Умумий майдони 6,5 гектарни эгаллаган шифохонада диагностика, лаборатория, шошилинч тиббий ёрдам, жарроҳлик бўлимлари, гинекология ва тугруқ мажмуаси, физиотерапия, терапия бўлинмаси иш бошлади. Терапия бўлинмасининг ўзида неврология, кардиология ва терапия бўлимлари бир вақтнинг ўзида 325 кишини қабул қилиш имконияти яратилди. Тиббиёт бирлашмасига 1 миллион АҚШ доллари миқдорида тиббий ускуналар ўрнатилди. Бундан ташқари, туманда яшовчи 240535 нафар кишига хизмат қилувчи 5 та қишлоқ участка шифохонаси, 16 та қишлоқ врачлик пункти, шунингдек, сил касалликларига қарши кураш диспансери, саломатлик маркази, хўжалик ҳисобидаги стоматология поликлиникаси, юкумли касалликлар шифохонаси, 14 та дорихона хизмати йўлга қўйилди. 2012 йили 47371 нафар туғиш ёшидаги хотин-қизлар саломатлик тиббий кўрикдан ўтказилиб, уларга саломатлигини тиклаши учун керакли тавсия ва йўлланмалар берилди<sup>182</sup>.

«Соглом авлод учун» халқаро хайрия фонди ва «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компанияси ҳамкорлигига 2015 йил май ойида Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларига «Саломатлик поезди» жўнатилди. Тадбир давомида Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларининг чекка ҳудудларида истиқомат қилаётган аҳоли, жумладан, уруш ва меҳнат фахрийлари, кам таъминланган оиласар аъзолари чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтказилиб, ижтимоий қўллаб-куватланди. Узун ва Сариосиё туманларида етти юздан ортиқ киши тиббий кўрикдан ўтказилиб, касаллик аниқланган беморларга зарур тавсиялар берилди. Ўнга яқин ногиронлик аравачаси тарқатилди. Тадбир давомида ижтимоий кўмакка муҳтож аҳоли ва ногиронларга, тиббий-ижтимоий муассасаларга қиймати 845 миллион сўмлик озиқ-овқат маҳсулотлари, ногиронлик аравачалари, кийим-кечак, дори-дармон, тиббиёт анжомлари, санитария-гигиена воситалари, ўқув қуролларидан иборат мурувват ёрдамлари кўрсатилди<sup>183</sup>.

<sup>182</sup> «Халқ сўзи» газетаси, 2013 йил 31 июл. №148.

<sup>183</sup> ЎзА [https://kun.uz/news/2015/05/09/~salomatlik\\_poezdi~\\_surhondareda](https://kun.uz/news/2015/05/09/~salomatlik_poezdi~_surhondareda)

2018 йили Олий Мажлис депутатлари томонидан Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида олиб борилган ўрганишлар давомида олис туманлардаги аҳоли ҳанузгача тиббиёт соҳасидаги туб ўзгаришларни, ислоҳотларнинг натижаларини амалда ўз ҳаётида ҳис қилмаганлиги аниқланди. Қишлоқларда бирламчи тиббий-санитария ёрдами тизими, туман марказий шифохоналарининг моддий-техник базаси ва малакали кадрлар билан таъминланиш даражаси бугунги кун талабига ҳали жавоб бермаслиги маълум бўлди. Оналик ва болаликни муҳофаза қилиш борасида амалга оширилаётган ишларда ҳам камчиликлар кўп. 2018 йилнинг тўққиз ойида республика бўйича 108 та оналар ўлимини қайд этилган, ачинарли томони, бу борадаги энг юқори кўрсаткич Самарқанд (14 та) ва Сурхондарё вилоятларига (14 та) тўғри келди. 2018 йилда гепатит, ўпка сили билан касалланиш сони республика бўйича 20 фоизгача камайган бўлса-да, жанубий вилоятларда салбий кўрсаткичлар сакланиб қолаверди. Юқумли касалликлар тарқалишини олдини олиш учун Ўзбекистон Президентининг топшириғи билан 2018 йил охирига қадар Қашқадарё вилоятидаги 0-18 ёшгача бўлган болаларни вирусли гепатитнинг «А» турига қарши эмлаш учун 10 млрд. сўм ажратиб берилди<sup>184</sup>.

Қишлоқларда аграр соҳа мутахассисларнинг маданий-маиший турмуш шароитини янада яхшилаш мақсадида асосий эътибор соглом турмуш тарзини шакллантиришга қаратилди. Қишлоқ аҳолисини, айниқса, ёш авлодни жисмонан ва маънавий камол топиши учун маҳсус давлат дастурлари қабул қилинди ва амалиётга жорий килинди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 22 декабрда қабул қилган «Болалар майдончаларини тиклаш ва ташкил этишининг 2011-2015 йилларга мўлжалланган чора-тадбирлар дастурини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори ижроси юзасидан 2012 йилда қишлоқларда 4 мингдан ортиқ спорт майдончаларида болаларнинг жисмоний ва маънавий ривожланиши учун турли тадбирлар ўtkazildi. Оммавий спорт тадбирларида 2 миллиондан ортиқ киши иштирок этди. Шу билан бирга Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятлари

<sup>184</sup> Манба: <https://uzlidep.uz/news-of-party/3505>

қишлоқларида жойлашган жамоат ташкилотлари, ишлаб чиқариш корхоналари, хусусий тадбиркорлар ҳамда фермерлар томонидан болалар майдончаларини тиклаш ва ташкил этиш, уларни қайта жиҳозлаш бўйича ибратли ишлар қилинди. Бу саъй-харакатлар натижасида жанубий вилоятлардаги қишлоқ ҳудудларда 2795 та спорт майдончаси ободонлаштирилди, 744 та майдонча тикланди, 279 таси эса янгидан ташкил этилди<sup>185</sup>.

Мустақиллик йилларида асрлар синовидан ўтиб келаётган миллий курашни янада ривожлантириш, унинг жаҳондаги нуфузини оширишга қаратилган кенг кўламли чора-тадбирлар қишлоқларда ҳам амалга оширилиб, кўплаб халқаро турнирлар ўtkазилди. Шундан келиб чиқиб, қишлоқларда «Маҳалла» хайрия жамоат фонди ҳамда давлат ва жамоат ташкилотлари ҳамкорлигига «Маҳалламиз пахлавонлари» республика мусобақалари ташкил этилди. Ушбу мусобақаларда қишлоқ ёшлари катта қизиқиш билан иштирок этишди. Буни 2011 йилги беллашувларда Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларидаги қишлоқ ёшларидан 130 мингдан зиёд ўғил-қизлари қатнашгани ва улар орасидан ўнлаб истеъодли ёш полвонлар кашф этилгани ҳам яққол тасдиқлайди. Эътиборлиси, 2011 йилда турнирни ташкил этган маҳаллалар сони 2010 йилдагига нисбатан 685 тага, иштирокчилар эса 32 минг нафарга кўпайди<sup>186</sup>.

Қишлоқ маҳаллаларида спортни оммалаштириш, аҳоли, хусусан, ёшлар орасида соглом турмуш тарзини қарор топтиришда Маданият ва спорт ишлари, Ички ишлар, Соглиқни сақлаш вазирликлари, Хотин-қизлар қўмитаси, Болалар спортини ривожлантириш жамгармаси, «Камолот» ЁИХ, Ўзбекистон Миллий телерадио компанияси ҳамкорлигига ўтказилган «Отам, онам ва мен — спортчилар оиласи» номли спорт мусобақалари алоҳида ўрин эгаллади. Ушбу тадбирнинг вазифаси аҳоли орасида спортни ривожлантириш ҳамда касалликларга карши профилактика ишларини анча юқори даражага кўтаришдир. 2011 йили мазкур мусобақанинг қуи босқичлари 6726 та қишлоқ фуқаролар йигинида ўтказилиб, уларга 624 мингдан зиёд оилалар жалб

<sup>185</sup> Сурхондарё вилоят ҳокимлиги жорий архиви. 2-баённома, 5-хужжат, 2013 йил, 8 февраль. –Б. 23.

<sup>186</sup> Сурхондарё вилоят ҳокимлиги жорий архиви. 6-баённома, 3-хужжат, 2010 йил, 10 июнь. –Б. 36.

етилди<sup>187</sup>. Беллашувларда фаоллик кўрсатган республикадаги 11630 та оила ташкилотчилар томонидан муносиб рагбатлантирилди<sup>188</sup>.

Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларида спортнинг шахмат ва шашка турига қишлоқ ёшларининг қизиқишини янада ошириш мақсадида «Маҳалла» хайрия жамоат фонди, Ички ишлар, Маданият ва спорт ишлари вазирликлари, «Камолот» ЁИХ, Шахмат федерацияси томонидан «Шахмат ва шашка» турнири ўюштирилди. Турнирнинг 2011 йилги маҳалла босқичларида 7068 та фуқаролар йигинида ўтказилган бўлиб, уларда 137 минг нафардан зиёд қишлоқдаги ўғил-қизлари фаол қатнашдилар<sup>189</sup>.

Аграр соҳани ривожлантириш, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш қувватларини жойлаштиришда экологик масалаларга ҳам эътибор берилиши лозимdir. Жумладан, қишлоқларда атроф-мухитни муҳофаза килиш, табиий бойликлар, айниқса, ер ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш, қишлоқ аҳолиси манбаатларини ҳисобга олиб буг-газ ва сув электр станциялари қурилишини тезлаштириш, қишлоқларда қуёш ва шамол энергияларидан фойдаланиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Қишлоқ аҳолисининг экологик маданиятини янада юқори даражага кўтаришга устувор масала сифатида қаралди. 2010-2015 йилларда Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятлари қишлоқ аҳолисининг экологик маданиятини оширишда 70 дан ортиқ таҳлилий-амалий тадбирлар ташкил этилди. Уларнинг мазмун-моҳияти қишлоқлардаги ўкув-муассасаларида экологик таълим-тарбия истиқболлари, ёшлар ўртасида экологик билим ва маданиятини шакллантирилиши ва унинг соглом турмуш тарзини қарор топтиришдаги ўрни, қишлоқ аҳолисининг экологик ва тиббий маданиятини юксалтиришда оила ва маҳалланинг роли каби долзарб масалаларни қамраб олди<sup>190</sup>.

<sup>187</sup> Қашқадарё вилояти ҳокимлиги жорий архиви материаллари: Халқ депутатлари Қашқадарё вилояти Кенгашининг сессияси материаллари. 2012 йил 26 январь. –Б. 51.

<sup>188</sup> Қашқадарё вилояти ҳокимлиги жорий архиви материаллари: Халқ депутатлари Қашқадарё вилояти Кенгашининг сессияси материаллари. 2012 йил 26 январь. –Б. 62.

<sup>189</sup> Ҳудойшукуров З. Маҳаллarda ўтказилаётган спорт тадбирларининг бош мақсадидир. «Халқ сўзи» газетаси, 2013 йил 8 февраль, № 27 (5701).

<sup>190</sup> Қашқадарё вилояти ҳокимлиги жорий архиви материаллари: Халқ депутатлари Қашқадарё вилояти Кенгашининг II/XXII сессияси материаллари. 2014 йил 24 декабрь. –Б. 26.

Қишлоқларда экологик тарбияни олиб борилиши Ўзбекистон экологик ҳаракати, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Экоҳаракат депутатлари гурухи хамда Экология ва атроф-мухитни муҳофаза қилиш қўмитасига катта масъулият юклади.

2012-2014 йилларда Экоҳаракатнинг устувор дастурий вазифаларини сабитқадамлик билан адо этишга қаратилиши натижасида йил давомида 87 мингдан ортиқ фаол қатнашган 800 дан зиёд турли амалий тадбирлар қишлоқ жойларида ўтказилди. Атроф-мухит муҳофазаси ва шу мақсадларга ажратилган ресурслардан оқилона фойдаланиш бўйича Ўзбекистон экологик ҳаракати томонидан ташкил этилган тадбирларда 6,5 мингга яқин киши қатнашди<sup>191</sup>.

Хулоса қиласиган бўлсак, қишлоқ хўжалиги самарадорлигини оширишнинг бош омили замонавий техника ва технологияларнинг қўлланилишидир. Жаҳон иқтисодиётини таҳлил қиласиган бўлсак, илгор технологиилар кенг қўлланилган давлатларда юксак турмуш даражаси қарор топганлигини кўриш мумкин. Шу боис Ўзбекистон Республикаси ўзининг аграр ислохотларини ўтказиш жараёнида ишлаб чиқаришни модернизация қилиш билан бир каторда аҳолининг турмушини ҳам юкори даражага кўтаришга ҳаракат қилмоқда. Зеро аҳолининг асосий қисми қишлоқларда яшайдиган Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларида меҳнат унумдорлигини ошириш турмуш даражасининг ортишига имкон беради.

Хулоса қилиб қайд этиш зарурки, Ўзбекистон қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилишнинг асосий мақсадларидан бири иқтисодиётни модернизация қилиш ва диверсификациялашдир. Ушбу мақсадни амалга ошириш ва қишлоқ хўжалигига ҳосилдорликни янада ошириш учун хорижий давлатлар билан ўзаро алоқалар йўлга кўйилди. Ҳамкорлик айниқса дончилик, пиллачилик, бодорчилик, сабзавотчилик соҳаларида самарали бўлди. Ўзбекистонлик қишлоқ хўжалиги мутахассислари малака ошириш ва тажриба алмашиш учун чет давлатларга бориб келмоқдалар.

---

<sup>191</sup> Қашқадарё вилояти ҳокимлиги жорий архиви материаллари: Халқ депутатлари Қашқадарё вилояти Кенгашининг II/XXII сессияси материаллари. 2014 йил 24 декабрь. –Б.16.

Бундан ташқари, республикамиз хукумати чет эл инвестицияларни жалб қилиш, илмий-техника ютуклари билан дәхқон ва фермер хўжалик раҳбарларини хабардор қилишда жуда катта амалий ишларни амалга оширди. Қишлоқ хўжалигини билимли, малакали ва тажрибали кадрлар билан таъминланиши ушбу соҳа самарадорлигини оширишда муҳим аҳамият касб этади. Шунингдек, ер-сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш, қишлоқ хўжалиги субъектлари ўртасидаги ўзаро муносабатларда бозор тамойилларини, фан ва техниканинг илгор ютукларини амалиётга татбиқ этиш, сифатли ва экспортбоп маҳсулотлар етиштириш орқали дәхқонлар даромадини кўпайтириш борасида тизимли ислоҳотлар олиб борилмоқда.

Жанубий вилоятларда ёшларни касб-хунар билан банд қилиш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қишлоқнинг ўзида замонавий корхоналар ёрдамида қайта ишлаш учун кўпгина ишлар амалга оширилмоқда. Қишлоқларда фермерлик ҳаракатини қўллаб-куватлашга алоҳида эътибор берилди. Қишлоқда ишсизликни тугатиш ва қишлоқ хўжалик мутахассисларининг моддий аҳволини яхшилаш мақсадида мева-сабзавотларни қайта ишлаш (қуритиш) корхоналари, совутиш омборхоналари, чорвачилик комплекслари, иссиқхона мажмуалари қурилишига, интенсив бодлар ва токзорлар барпо этиш, омухта ем тайёрлаш, сутни қайта ишлаш, томат паста ишлаб чиқариш, минерал ўғитлар тайёрлаш, ўсимликларга кимёвий ишлов бериш, қадоқлаш ва саралаш ускуналарини келтириш учун кўмак берилмоқда. Буларнинг ҳаммаси қишлоқ хўжалик мутахассисларининг турмуш даражаси кўтарилишига хизмат қилмоқда.

## ХУЛОСА

Мустақиллик йилларида Ўзбекистон қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда аграр соҳа мутахассисларининг ўрни жуда катта бўлди. Қишлоқ хўжалигида ўтказилган ислоҳотлар натижасида собиқ тузумдан қолган жамоа ва давлат хўжаликлари тугатилиб, ўрнига дехқон ва фермер хўжаликлари тузилди. Қишлоқ аҳолисини ижтимоий жиҳатдан қўллаб-куватлаш учун қатор чора-тадбирлар кўрилди. Аграр соҳа мутахассисларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш, чет давлатлар тажрибасини ўрганиш бўйича кўпгина ишлар амалга оширилди. Қишлоқ хўжалик ходимларининг фидокорона меҳнатлари туфайли юртимизда галлачилик, пахтачилик, сабзавотчилик, бодорчилик ва полизчилик соҳаларида каттагина ютуқлар қўлга киритилмоқда.

Ўзбекистон жанубидаги Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларида аграр соҳа мутахассисларини тайёрлаш жараёнини тадқиқ этишда қуидаги хулосаларга келинди:

1. Мустақиллик йилларида Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларидаги аграр соҳа мутахассисларининг иштироки туфайли қишлоқ хўжалик корхоналари фаолияти тўғри йўлга қўйилди. Жанубий ҳудудларда аграр муносабатлар ривожланишида қўлга киритилган ютуқлар натижасида иш жойлари камайишининг олди олинди.

2. Аграр соҳа мутахассисларининг янги авлоди шаклланиши натижасида фермер ва дехқон хўжаликлари мустаҳкамланди. Қишлоқлардаги кичик ва ўрта бизнес корхоналарида ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ҳажмининг йилдан-йилга ошиб боришига эришилди. Сифатли маҳсулотларнинг ишлаб чиқарилиши давлат хазинасига тушадиган тушумларнинг аста-секин кўпайишига олиб келди.

3. Жаҳон бозори ишчи кучи, халқаро капитал ва кредитлар, ёқилги хом ашёси ва қишлоқ хўжалиги товарлари, саноат товарлари, машина ва асбоб-ускуналар, сервис хизмати, лицензиялар, муҳандислик хизмати, транспорт хизмати ва бошқа бозорлардан таркиб топади. Ана шу халқаро бозор

тизимининг 8-10 тармогининг деярли барчасида Ўзбекистон фаол иштирок этмоқда. Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларининг қулай иқлим ва географик шароитлари, қишлоқ хўжалик мутахассисларининг мавжудлиги чет эл сармоядорларининг аграр соҳага кириб келишини тезлаштириди. Шу сабабдан хам мамлакатимиз жанубида аграр соҳанинг турли тармоқларида чет элликлар билан кўплаб қўшма корхоналар ташкил этилди.

4. Мустақиллик йиллари Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларида қишлоқ хўжалик мутахассисларининг тайёрланиши туфайли аграр тармоқларда янгидан-янги кичик, ўрта ва йирик корхоналарнинг курилиши тезлашди. Ишлаб турган корхоналарда янги қувватларнинг ишга туширилиши натижасида қишлоқларда янги иш ўринлари яратилиб, аҳолини иш билан таъминлаш дастурини амалга ошириш жараёни яхшиланди.

5. Жанубий вилоятларда нефть ва газ конларидан ёқилги қазиб олиш мустақиллик йилларида анча кўпайди. Уни қайта ишлашнинг кўпайиши Ўзбекистон ёқилги мустақиллигига катта ҳисса қўшди. Сурхондарё нефтидан мамлакатда илк бор йод олиш йўлга кўйилди. Бу эса қишлоқ ёшларни иш билан таъминлаш имкониятларини яратди.

6. Мустақиллик йилларида Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларида аграр соҳа мутахассисларининг янги авлоди пайдо бўлди. Уларни тайёрловчи касб-хунар коллежлари ва университетлари очилди. Уларни маҳсус адабиётлар, дарслик ва ўқув кўланмалари билан таъминлаш ишлари амалга оширилди. Жанубий худудларда аграр соҳа мутахассисларининг малакаларини ошириш тизими қайта ташкил этилди. Қишлоқ жойларида аграр соҳа ходимлари малакасини ошириш, тажриба алмасиш тизими анча такомиллаштирилди. Қишлоқ хўжалик ходимларининг чет эллардаги турдош корхоналарда малака ошириш ишини ташкил этишига алоҳида эътибор қаратилди.

7. Мустақиллик йилларида жанубий худудларда аграр соҳа йўналиши иқтисодий, маданий, маърифий ва турмуш тарзининг ривожланиши сифат жиҳатидан янги босқичга кирди. Бу ерда агросаноат ишлаб чиқаришини янгилаш ва ривожлантириш учун моддий-техника базаси яратилди. Янги

корхоналар қурилиб, эскилари қайта таъмирланиб, янги тармоқлар вужудга келтирилди. Қишлоқларда аграр соҳа ходимлари иштирокида хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга имкониятлар яратилди;

## **ФОЙДАЛАНИЛГАН МАНБАЛАР ВА АДАБИЁТЛАР**

### **I. Норматив-хуқуқий хужжатлар ва методологик ахамиятга**

**молик нашрлар:**

1. «Таълим тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. 464-I-сон 29.08.1997. «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси», 1997 й., 9-сон, 225-модда. // [www.lex.uz](http://www.lex.uz).
2. Кадрлар тайёрлаш Миллий Дастури. 1997 йил 29 август. «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси», 1997 й., 11-12-сон, 295-модда // [www.lex.uz](http://www.lex.uz).
3. «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни (янги тахрири). N 602-I сон 30.04.1998 й. «Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами», 2004 йил, 40-41-сон, 433-модда // [www.lex.uz](http://www.lex.uz).
4. «Дехқон хўжалиги тўғрисида»ги қонун. 604-I-сон 30.04.1998. «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси», 1998 йил, 5-6-сон, 88-модда // [www.lex.uz](http://www.lex.uz).
5. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 2000 йил 31 августдаги «Қишлоқ хўжалик ўсимликларини зааркунандалар, касалликлар ва бегона ўтлардан ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қарори // «Халқ сўзи» газетаси 2000 йил 15 июнь.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Республикада дехқон (фермер) хўжаликларини янада мустаҳкамлаш ва тадбиркорлик фаолиятини давлат йўли билан қўллаб-қувватлаш тўғрисида»ги ПФ-295-сонли Фармони. 1991 йил 21 ноябрь. «Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси», 1992 й., 1-сон, 9-модда // [www.lex.uz](http://www.lex.uz).
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2004-2006 йилларда фермер хўжаликларини ривожлантириш концепцияси тўғрисида»ги ПФ-3342-сонли Фармони. 2003 йил 27 октябрь // [www.lex.uz](http://www.lex.uz).
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» давлат дастури тўғрисида»ги ПҚ-1046-сонли Қарори. 2009 йил 26 январь // <http://lex.uz>

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўгрисида»ги ПФ-4947-сон Фармони. 2017 йил 7 февраль // [www.lex.uz](http://www.lex.uz).
10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Профессионал таълим тизимини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўгрисида»ги ПФ-5812-сонли Фармони. 2019 йил 6 сентябрь // [www.lex.uz](http://www.lex.uz).
11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020—2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўгрисида»ги ПФ-5853-сонли Фармони. 2019 йил 23 октябрь // [www.lex.uz](http://www.lex.uz).
12. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Касб-хунар коллежлари битирувчиларини ишга жойлаштириш тизимини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўгрисида»ги 52-сонли Қарори. 2015 йил 10 март // [www.lex.uz](http://www.lex.uz).
13. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси. 1992 йил// [www.lex.uz](http://www.lex.uz).
14. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. 1997-1998 йй. // [www.lex.uz](http://www.lex.uz).
15. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси. 2009 йил // [www.lex.uz](http://www.lex.uz).
16. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. 2003-2019 йй. // [www.lex.uz](http://www.lex.uz).
17. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси. 2018-2019 йй. // [www.lex.uz](http://www.lex.uz).
18. Мирзиёев Ш. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. –Тошкент: Ўзбекистон, 2017. –Б. 104.
19. Мирзиёев Ш. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш-юрг тараққиёти ва ҳалқ фаровонлигининг гарови. –Тошкент: Ўзбекистон, 2017. – Б. 48.

20. Халқ билан ҳамнафас яшаш ва ишлаш – олий бурч. Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримовнинг 2000 йил 23 марта халқ депутатлари Сурхондарё вилоят Кенгаши сессиясида сўзлаган нутқи // «Сурхон тонги» газетаси. 2000 йил 29 март.
21. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2013 йилда республикада ижтимоий-иктисодий ривожлантириш якунлари ва 2014 йилга мўлжалланган иктисодий дастурнинг энг муҳим устувор вазифаларига багишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маъruzаси. // «Тошкент оқшоми» газетаси, 2014 йил 20 январь.

## **II. Архив хужжатлари**

### **Ўзбекистон Миллий архиви:**

22. Ўзбекистон Миллий архиви, 1619-фонд. Марказий статистика бошқармаси.

### **Сурхондарё вилояти давлат архиви:**

23. 313 фонд, Сурхондарё вилоят ижроия қўмитаси.
24. 454-фонд, Сурхондарё вилоят ижроия қўмитаси.
25. 455-фонд, Сурхондарё вилоят Халқ таълими бошқармаси.

### **Сурхондарё вилояти жорий архиви:**

26. Сурхондарё вилояти ҳокимлиги жорий архиви. 1991-2018 йиллар.
27. Халқ депутатлари Сурхондарё вилояти Кенгашининг сессияси материаллари. 1991-2018 йиллар.
28. Сурхондарё вилояти ҳокимлиги Иқтисодиёт ва статистика бошқармаси. 1991 – 2019 йиллар. 1-3 китоб.

### **Қашқадарё вилояти жорий архиви:**

29. Қашқадарё вилоят ҳокимлиги жорий архиви. 1991-2018 йиллар
30. Халқ депутатлари Қашқадарё вилояти Кенгашининг сессияси материаллари. 1991-2018 йиллар.

31. Қашқадарё вилояти ҳокимлиги Истиқболни белгилаш ва статистика бошқармаси. 1991 – 2019 йил. 1-3 китоблар.
32. Қашқадарё вилояти Иқтисодиёт ва статистика бошқармаси. 1991 – 2019 йил.
33. Қашқадарё вилоят ҳокимлиги Иқтисодиёт ва статистика бош бошқармаси. Иккинчи китоб. –Қарши. 2010.
34. Қашқадарё вилояти Ўрта маҳсус касб-хунар таълими бошқармаси жорий архиви. 1991-2018 йиллар.

### **Туман архивлари**

35. Жарқўргон туман ҳокимияти жорий архиви. 2000-2010 йиллар. 4-китоб.
36. Косон туман ҳокимияти жорий архиви. 1991-2008 йиллар.

### **Олий ўқув юртларининг жорий архивлари**

37. Самарқанд қишлоқ хўжалиги институти жорий архиви. Зоотехника ва қоракўлчилик факультетининг Ҳисоботи. 2004-2017 йиллар.
38. Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалиги механизациялаш муҳандислари институти жорий архиви. Ўқув бўлимининг 2010-2015 йиллардаги ҳисоботлари.
39. Термиз давлат университетининг жорий архиви. Табииёт-география факультетининг Ҳисоботи. 2009-2015 йиллар.

### **III.Монография, илмий мақола, илмий ва статистик тўпламлар.**

40. Ашурев Ф. Инсон, сиёsat бошқарув. – Тошкент, 1995. – Б. 204.
41. Аҳмедова М.А. Ўзбекистон Республикасида Кадрлар тайёрлаш Миллий Дастури: эришилган натижалар ва истиқболли йўналишлар // Замонавий таълим / Современное образование. 2014. № 8. –Б. 3-8.
42. Ахунова Ш. Ўзбекистонда умумий ўрта ва ўрта маҳсус, касб-хунар таълими сифатини ошириш масалалари // Замонавий таълим / Современное образование. 2015. № 9. –Б. 8-17.

43. Бойко И.И. Перспективы развития аграрного образования // Фундаментальные и прикладные исследования в системе образования : сб. науч. тр. VIII междунар. науч.-практ. конф. (заочной), 26 февр. 2010 г. / Тамбовский гос. ун-т ; отв. ред. Н.Н. Болдырев. - Тамбов, 2010. - С. 9-11.
44. Виноградова Л. Экономическая интеграция в СНГ и опыт третьего мира // Мировая экономика и международные отношения. -М., 1995, №9. -С. 22-28.
45. Жуков С. Казахстан, Кыргызстан, Узбекистан в социально-экономических структурах современного мира // Мировая экономика и международные отношения. -Москва, 1997. -№9. -С. 45-60.
46. Исмоилов А., Муртазаев О. Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти. -Тошкент: Молия, 2005. -Б. 412.
47. Мирзаходжаев А.М., Мирзаходжаев Б.А., Қўчкоров Ў., Холматов Д.И. Республика фермер хўжаликларида ва Ўзпаҳтасаноат уюшмаси заводларининг пахта қабул қилиш худудларида ипак қуртларини парваришлаш жараёнлари ҳамда жадал усулда янги бута тутзорлар ташкил этиш бўйича қўлланма. -Тошкент, 2013. -Б. 10.
48. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. -Т.: Ўзбекистон, 1992.
49. Каримов И. Ўзбекистон – келажаги буюк давлат // «Ўзбекистон овози» газетаси. 1992 йил 9-декабрь, №242 (21340).
50. Каримов И. Асарлар тўплами. 1-19 жиллар. -Тошкент: Ўзбекистон, 1996-2011.
51. Каримов И. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. -Тошкент: Ўзбекистон, 2011. -Б. 440.
52. Колесников В. Узбекская модель развития // Эксперт Евро Азии. -М., 1995. №9. -С. 34-39.
53. Мирзаходжаев А.М., Мирзаходжаев Б.А., Қўчкоров Ў., Холматов Д.И. Республика фермер хўжаликларида ва Ўзпаҳтасаноат уюшмаси заводларининг пахта қабул қилиш худудларида ипак қуртларини

- парваришилаш жараёнлари ҳамда жадал усулда янги бута тутзорлар ташкил этиш бўйича қўлланма. –Тошкент, 2013. –Б. 10.
54. Назарова Ҳ.М., Ҳамроқулов Ж. Аҳолининг маълумотлилик даражаси ва уни жамиятнинг иқтисодий ва ижтимоий тараққиётидаги ўрни // Иқтисод ва молия. 2011, №8. –Б. 80-87.
55. Народное хозяйство Узбекской ССР за 60 лет Советской власти. Юбилейный статистический ежегодник. –Ташкент: Узбекистан, 1977.
56. Народное хозяйство Узбекской ССР в 1985 г. Статистический ежегодник. – Ташкент: Узбекистан, 1986. –С. 373.
57. Рустамова Д. Д. Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида таълим тизимининг ўрни ва аҳамияти // Замонавий таълим / Современное образование. 2014. № 2. –Б. 3-9.
58. Рўзиев А.Н. Сурхондарё вилояти. –Термиз: Жайхун, 1996. –Б. 116.
59. Сурхондарё вилоятининг ижтимоий-иктисодий ривожланишининг асосий кўрсаткичлари. –Термиз, 2015.
60. ТИКХММИ — Ўзбекистоннинг йирик олий ўқув юртларидан бири // Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш муҳандислари институти - 60 йил. –Тошкент, 1994. –Б. 33.
61. Тошкент давлат аграр университети мустақиллик йилларида. –Тошкент, 2001.
62. Турсунов С.Н., Қобилов Э.О., Пардаев Т.Р., Муртазаев З.М., Сурхондарё тарих кўзгусида. –Т.: Шарқ, 2001. –Б. 384.
63. Турсунов С.Н. ва бошқалар. Сурхондарё тарихи.–Тошкент: Шарқ, 2004. –Б. 605.
64. Турсунов С. Ўзбекистон тарихи ва маданияти – Сурхондарё этнографияси. – Тошкент: А.Навоий номли миллий кутубхонаси, 2006. –Б. 267.
65. Турсунов С. Шерободликлар. –Тошкент: А.Навоий номли Миллий кутубхонаси, 2007. –Б. 385.
66. Турсунов С, Тўхтаев А. Жарқўргон. –Тошкент: Фан, 2008. –Б. 303.
67. Турсунов С., Турдиев Т. Денов. –Тошкент: Фан, 2009. –Б.501.

68. Турсунов С.Эшбоев К. Щурчи тарихидан лавҳалар. –Тошкент: Fan va texnologiya, 2014. –Б. 240.
69. Шукурова М. Муштарак мақсад сари // Касбий фанлар методикаси. 2012 йил июль. 7-сон. –Б. 8-9.
70. Ўзбекистоннинг йиллик статистик тўплами. 2008 йил. –Тошкент, 2009. –Б. 386.
71. Қишлоқ жойлар демографияси. –Тошкент: Университет, 2005. –Б. 140.

#### **IV. Докторлик ва номзодлик диссертациялари авторефератлари**

72. Бўриев С.Д. XX асрда Сурхон-Шеробод воҳасининг сугорилиш тарихи. Тарих фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация Автореферати. –Тошкент, 2008. –Б. 26.
73. Ёрматов Ф.Ж. Ўзбекистонда аҳолини ижтимоий ҳимоялаш тизими: ҳолати, шаклланиш жараёни, ривожланиш истиқболлари (1991-2010 йиллар. Жанубий вилоятлар мисолида). Тарих фан. ном. диссер. автореферати. –Тошкент. 2010. –Б. 30.
74. Жумаева Г. Янги ерларни ўзлаштириш улардан фойдаланиш иқтисодий самарадорлиги (Қашқадарё вилояти мисолида). Иқтисод фан. ном. дисс. – Тошкент: Бозор ислоҳотлари илмий тадқиқот институти, 2000. – Б. 138.
75. Мамажонов С.Ҳ. Ўзбекистонда аграр ислоҳотларни амалга оширишда фермер хўжаликларининг ўрни (1991-2004 йиллар). Тарих фан. ном. дисс. автореферати.– Тошкент: ЎзМУ, 2011. – Б. 30.
76. Мишарев Д.Ю. Экономические, научно-технические и культурные связи независимого Узбекистана с Германией. Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата исторических наук. –Ташкент, 2004. –С. 28.
77. Мусабаева К.А. Сельская интеллигенция Кыргызстана. (185-2005 гг). Автореф. дис.... канд. исторических наук. –Бишкек, 2007. –С. 24.
78. Ражабов Ф.Т. Фермер хўжаликларининг ихтисослашуви ва ҳудудий таркибини такомиллаштириш (Қашқадарё вилояти мисолида). География

- фанлари бўйича фалсафа доктори (PHD) илмий даражасини олиш учун тайёрланган диссертация. –Тошкент, 2018. –Б. 146.
79. Раҳимов Б.С. Ўзбекистоннинг мустақиллик йилларида ижтимоий-иктисодий ва маданий ҳаёти (Сурхондарё вилояти мисолида 1991-2005 йиллар). Тарих фан.ном.дисс. – Тошкент: ЎзМУ, 2008. –Б. 189.
80. Темирова Ч.Х. Ўзбекистон қишлоқлари ривожланишининг ижтимоий-маданий аспектлари: ҳолати ва муаммолар (Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари мисолида 1991-2008 йй). Тарих фан. ном. дисс. автореферати.– Тошкент: ЎзМУ, 2011. –Б. 25.
81. Тилаев Э.Р. Мустақиллик йилларида Ўзбекистоннинг ижтимоий-иктисодий ва маданий ҳаётидаги ўзгаришлар (Жанубий вилоятлар мисолида). Тарих ф.н. диссер. автореферати. –Тошкент, 2010. –Б.29.
82. Файзиева Ш.Ш. Чорвачиликка ихтисослашган фермер хўжаликларининг ривожланиши ва унинг самарадорлигини ошириш (Қашқадарё вилояти мисолида). Иқтисод фан.ном.дисс. –Тошкент: Бозор ислоҳотлари илмий тадқиқот институти, 2001. – Б. 157.
83. Хомитов К.З. Малакали аграр меҳнат бозорининг шаклланиши (Қашқадарё вилояти мисолида). Иқтисод фан.ном.дисс. – Тошкент: Бозор ислоҳотлари илмий тадқиқот институти, 1999. –Б. 160.
84. Худойбердиев З.Р. Ўзбекистон қишлоқ жойларида меҳнатга лаёқатли аҳоли ва унга кичик ҳамда хусусий тадбиркорликнинг таъсири. Иқтисод. ф.н. диссер.. автореферати. –Тошкент, 1997. –Б. 138.
85. Хушбоқов П.Ш. Мустақиллик йилларида Ўзбекистоннинг иқтисодий ривожланиши: муаммо ва зиддиятлар (Самарқанд вилояти мисолида). Тарих фан.ном.дисс. – Тошкент: ЎзМУ, 2007. – Б. 214.
86. Қаршиев Ш. Фермер хўжаликларида иқтисодий муносабатларининг такомиллаштирилиши (Қашқадарё мисолида). Иқтисод фан.ном.дисс. – Тошкент: Бозор ислоҳотлари илмий тадқиқот институти, 1998. – Б.142.

87. Эгамбердиев Р.И. Қишлоқ жойларда саноат корхоналарини жойлаштиришнинг асосий йўналишлари (Наманган вилояти мисолида). Иқтисод. ф.н. диссер.. автореферати. –Тошкент, 2006. –Б. 24.
88. Эргашева Ж.Ш. Қашқадарё саноатининг барпо этилиши ва ривожланиши тарихи. Тарих фан.ном.дисс. – Тошкент: ЎзМУ, 1998. – Б. 147.
89. Эрматов Ш. А. Ўзбекистонда қишлоқ ёшларининг сиёсий жараёнларда иштироки: ютуқлар, муаммолар ва ечимлар. Сиёсат...ф.н. диссер.. автореферати. –Тошкент, 2007. –Б. 30.
90. Эрназаров Ш.Ю. Бозор иқтисоди шароитида қишлоқ хўжалик корхоналаридаги бандлик муаммолари ва уни даф қилиш йўллари (Қашқадарё вилояти). Иқтисод фан.ном. дисс. – Тошкент, 2001. –Б.110.
91. Эшматов М.Э. Қишлоқ ёшлари жисмоний ва маънавий қиёфасига экологик вазиятнинг таъсири. Ф.ф.н. дис. автореферати. –Тошкент, 1994. – Б. 154.
92. Янгибоев Б.Я. Ўзбекистон қишлоқ жойларида истеъмол бозорининг социал-иқтисодий самарадорлигини ошириш. Иқтисод. фан.ном. диссер.. автореферати. –Тошкент, 1993. –Б. 286.

## V. ДАВРИЙ МАТБУОТ

### Газеталар

- Халқ сўзи, 1992-2015 йиллар.
- Ўзбекистон овози, 1991-2015 йиллар.
- Тошкент оқшоми, 2014 йил
- Ленин байробги. 1991 йил.
- Ленинская знамя, 1991 год.
- Сурхон Тонги, 1991-2018 йиллар.
- Учқизил тонги. 1994 йил.

## VI. Интернет манбалари

- [uz.wikipedia.org/Toshkent agrar universiteti](http://uz.wikipedia.org/Toshkent_agrar_universiteti)
- [ru.wikipedia.org/Ташкентский государственный аграрный университет](http://ru.wikipedia.org/Ташкентский_государственный_аграрный_университет)
- [uz.wikipedia.org/Qarshi muhandislik iqtisodiyoti instituti](http://uz.wikipedia.org/Qarshi_muhandislik_iqtisodiyoti_instituti)

4. [info@iim.uz](mailto:info@iim.uz) Дон ва дуккакли экинлар илмий-тадқиқот институти сайти.
5. [urug-don.uz, library.ziyonet.uz](http://urug-don.uz/library.ziyonet.uz). Дон ва дуккакли экинлар илмий-тадқиқот институти Қашқадарё филиали сайти.
6. <https://www.facebook.com/surxondaryomatbuot.uz/posts/656441541834846>. Сурхондарё вилоят ҳокимлиги Матбуот хизмати.
7. [https://kun.uz/news/2015/05/09/“salomatlik\\_poezdi”\\_surhondareda](https://kun.uz/news/2015/05/09/“salomatlik_poezdi”_surhondareda) Ўзбекистон Ахборот агентлиги сайти.
8. <https://uzlidep.uz/news-of-party/3505> Ўзбекистон Либерал демократик партиясининг сайти.
9. [www.lex.uz](http://www.lex.uz)

## **Мундарижа**

<b>Кириш.....</b>	<b>3</b>
<b>I. Боб. Ўзбекистоннинг жанубий худудларида амалга оширилган аграр ислоҳотлар ва унинг натижалари</b>	
1.1. Қишлоқ хўжалигига кўп укладли мулкчилик шаклларининг қарор топиши ва дехқоннинг ерга бўлган муносабатининг ўзгариши.....	5
1.2. Ўзбекистон жанубий худудларида фермер хўжаликларининг ташкил этилиши ва унинг натижалари.....	25
<b>II. Боб. Аграр соҳада мутахассислар тайёрлаш жараёни ва ундаги таркибий ўзгаришлар</b>	
2.1. Аграр соҳада ўрта бўгин мутахассисларини тайёрлаш механизмидаги ютуқлар ва муаммолар.....	43
2.2. Аграр соҳада олий маълумотли мутахассисларни тайёрлаш жараёнидаги ютуқ ва муаммолар.....	61
<b>III. Боб. Аграр соҳа мутахассисларининг касбий малакасини ошириш ва ижтимоий турмушидаги ўзгаришлар жараёни</b>	
3.1. Қишлоқ хўжалик ходимлари малакасини ошириш ва бу соҳада халқаро ҳамкорлик жараёни.....	80
3.2. Аграр соҳа ходимларининг майший турмуши ва уларни ижтимоий ҳимоялаш масалалари.....	94
<b>Хулоса ўрнида.....</b>	<b>111</b>
<b>Фойдаланилган манбалар ва адабиётлар.....</b> 114	

**Ботирова Ҳалима Эшмаматовна**

**МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА АГРАР СОҲА  
МУТАХАССИСЛАРИНИ ТАЙЁРЛАШ ЖАРАЁНИ  
(ЖАНУБИЙ ВИЛОЯТЛАР МИСОЛИДА).**

**/ МОНОГРАФИЯ /**

ТИҚХММИ Илмий Кенгашининг қарори билан  
чоп этишга тавсия килинган.

Масъул мухаррир: т.ф.д, проф. **С.Н. Турсунов**

Мухаррир: М.Мустафоева

---

*Боссига руҳсат этилди: 24.09.2021 й. Қоғоз ўлчами 60x84 - 1/16,  
Хажми: 6,75 б.м. 50 нусха. Буюртма № 0199.  
ТИҚХММИ босмахонасида чоп этилди.  
Тошкент 100000, Қори-Ниёзий қўчаси 39 ўй.*



ТИКХММИ  
Тошкент Иттиҳати ва Қинслок Ҳуқамитиган  
Механизаториалот Мухандислар Институти

**Х.Э. Ботирова**  
**Мустакиллик йилларида аграр соҳа мутахассисларини**  
**тайёрлаш жараёни**  
**(Жанубий вилоятлар мисолида)**  
**/Монография/**